


ФЕВРАЛЬ 2 1988

ISSN 0235-1277



ЁШ КУЧ



Ўзбекистон комсомолларининг XXIII съезди бўлиб ўтганига бир йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида республикамиз комсомоллари фаолиятларида бирмунча жонланиш сезилди. «Лекин ҳали қайта қуриш борасида қилинадиган ишларимиз кўп. Қоғозбозликдан, расмийчиликдан тезроқ қутилиб, ёшлар орасида кўпроқ бўлишимиз, уларни безовта қилган ўй-фикрлар, ташвишлар билан танишишимиз, муҳими съезд белгилаган юксак вазифаларни амалга оширишда шахсий намуна кўрсатишимиз даркор», — деб ҳисоблайди ВЛКСМ XX съезди делегати, Бухоро автомобиль йўллари техникумининг III курс талабаси Разида Рафиқова.

А. МИРЗАЖОНОВ фотоси.



Ёш куч Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадий
Безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИИ
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль оиндан чиқа бошлади

№ 2 (20) 1988. ФЕВРАЛЬ.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий комитети
«Ёш гвардия» нашриёти

Бош редактор
Худойберди ТУХТАБОЕВ

Редколлегия:
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Евгений БЕРЕЗИНОВ
Владимир ВОЛОТКО
(бош редактор ўринбосари)
Евгений ГРЕВЦОВ
Хуршид ДУСТМУҲАМЕДОВ
Эркин МАЛИКОВ
(масъул секретарь)
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Латиф МАҲМУДОВ
Мирвосил ОДИЛОВ
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Йўлдошали ТОЖИБОЕВ
Александр ФРОЛОВ
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Расом Маҳкам АБДУЛЛАЕВ
Техредактор: Ғайбулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежесечный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧСП.
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 4 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена»
2 февраль, 1988.

С «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 16.12.87 й. Босишга рухсат этилди 21.01.88 й. Офсет усулида чоп этилди. Р-02543. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 196592. Буюртма № 2350. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси, Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН ҚОЧИБ...

Наманган область Чуст район комсомол комитети съезддан кейин ёшлар ўртасида амалий фаолиятни кучайтириб юборди.

Бу жиҳатдан район комсомол комитетининг тарбияси қўйин ўсмирлар билан ишлаш тажрибаси бошқа комсомол ташкилотларига ибратлидир. Ўсмирлар ўртасида иш олиб боришни райком комсомол балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия ҳамкорлигида қўшма мажлис ўтказишдан бошлади. Бу мажлисда тарбияси қўйин болалар аниқланиб, район комсомол комитети бюросида актив комсомолларнинг уларнинг оталиққа олиш масаласи кўриб чиқилди. Ўсмирларни оталиққа олган актив комсомоллар — ёш ўқитувчилар, комсорг, бош пионервожатийлардан ташкил топди.

Шундай қилиб район комсомол комитети билан инспекция ўртасида мустақкам алоқа боғланди. Инспекция бошлиғи инспекциянинг ҳар бир мажлисига район комсомол комитети вакилларини таклиф қиладиган, улар билан бамааслаҳат иш тутадиган бўлди.

Аввалига иш силлиқ кўчавермади. Негаки, инспекция ҳисобидаги ўсмирлар ўқишдан бўйин товлайдиган, бўш вақтини сандирақлаб ўтказадиган, майда ўғирлик, безорилик билан шуғулланадиган болалар эди.

Актив комсомолларнинг вазифаси уларни қайта тарбиялаш эди. Комсомоллар дарсларга кириб ўтирадиган, ўсмирнинг юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиб турадиган, олган баҳоларини, бўш вақтларини қандай ўтказишларини синчиклаб ўргандиган бўлдилар. Улар ўсмирнинг оила шароити билан, ота-онаси билан танишдилар. Боланинг кун тартиби қандай белгиланганини аниқладилар. Ўсмирни ҳар тарафлама яхшилаб ўргангач, улар билан амалий шуғулланишни бошладилар, қўшимча машғулот ўтказдилар. Лозим бўлса, ўзлаштириши қўйин фанларидан ёрдам бердилар. Болалар қатор тўғарақларга жалб қилинди.

Уқув йилининг ҳар чорагида оталиққа олган комсомоллар мактаб педсоветида ҳисобот бериб турдилар. Бунда ўсмирда юз берган ижобий ҳислатлар, ҳали эътибор берилиши лозим бўлган қусурлар кўрсатиб ўтилди.

Бу ҳилдаги ҳисоботлар балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекция мажлисларида ҳамда район комсомол комитети бюросида тингланадиган, таҳлил қилинадиган бўлди.

Еттинчи синф ўқувчиси Ҳошим Ҳолбоев илгари ўқишга тоби йўқ, кўча-кўйда сандирақлаб юрар, кўп вақтини бозорда ўтказарди. Уни Н. К. Крупская номли 2-мактабнинг бош пионервожатийси

Жўра Миразизов оталиққа олди. Жўра дарсларга кириб, танаффусда Ҳошим вақтини қандай ўтказишларини кузатди. Унинг синфдошлари булан муомаласини, бўш вақтини нималарга сарф қилишини ўрганди. Жўра ўсмирга фанлардан ёрдам берди, кўнглига йўл топиб, мактабдаги тўғарақка жалб қилди. Уйда ота-оналари билан маслаҳатлашди.

Аста-секин Ҳошим яхши тарафга ўзгара бошлади. Оилада ота-онасига ёрдам қиладиган, мактабга формада келадиган, ҳаттоки унча-мунча дарсда қўл кўтарадиган бўлиб қолди. Ҳолбуки, илгари уни ўқитувчилар судрағудай бўлиб доскага чиқартиришарди.

Ҳозир уни таниб бўлмай қолди. Ҳошим мактаб ҳаётида актив қатнашадиган, унча-бунча тадбирларга раҳбарлик қиладиган бўлди.

Масалан, у ўз ташаббуси билан 5 та синфдошини тўплаб «тимурчи»лар отрядини тузди. Отряд ҳозирда ҳафтада 2 марта уруш ва меҳнат ветеранларига ёрдам кўрсатмоқда. Бўш вақтларда Ҳошим милиция ходимларига уларнинг қўйин ишларида баҳолиқудрат ёрдам берадиган бўлди.

Район комсомол комитети ходимлари ўсмирлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда уларнинг бўш вақтларига алоҳида эътиборни қаратмоқда. «Ўсмирлар клуб»лари очилиб, турли тўғарақлар, спорт тадбирлари уюштирилмоқда.

Ўқувчиларнинг айниқса ёзги бўш вақтларини тўғри ташкил қилишда район комсомол комитети жиддий иш олиб бормоқда. Ўсмирлар пионер, меҳнат ва дам олиш лагерларига жалб қилинмоқда.

Тарбияси оғир ўсмирлар студентлар отрядига ҳам жалб қилинмоқда. Уларни тарбиялашда айниқса жангчи-интернационалистлар катта ёрдам бермоқдалар.

Чуст шаҳар балоғатга етмаган ўсмирлар билан шуғулланувчи инспекция бошлиғи Б. Норқўзиев шундай дейди: «Район комсомол комитети билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганимиздан буён ишларимиз ўнганлиб кетди. Мана, икки йилдан буён ўсмирлар ўртасидаги тарттиббузарликлар кескин камайди. Бу — ана шу ҳамкорликнинг самарасидир».

Комсомол комитетларининг амалий иши шундай бўлиши керак. Қайта қуриш шунга тақозо этади.

Маҳсума САИДКАРИМОВА

Бу сонда:

Журналхонлар — комсомоллар қайта қуриш ҳақида.

Танишинг: ёш ниҳоллар.

Тўлқинсиз денгизнинг унсиз фарёди.

Рус тили—иккинчи она тилимиз.

Терговчини ким тергайди:

Айбсиз — айбдорлар.

Техникум директорининг ташвишлари.

Ит ҳақида қисса

Мода — ёшлар талабига жавоб берадими?

«Ялла»нинг бир куни.

КУН ТАРТИБИДА:

(Сурхондарё область Олтинсой район
Ушинский номли 39-мактаб ўқувчиларига очиқ хат)



Меликул СИДДИҚОВ

...Республикамизнинг энг чекка районларидан биридаги, энг чет мактабларидан бирортаси ўқувчилари билан гурунглашгим келгани учун ҳам Олтинсойга, Ушинский номли 39-мактабга отлангандим.

«Жигули» район марказидан йўлга тушиб мўлгина юриб қўйгач ҳамроҳимиз — Олтинсой район халқ маорифи бўлими инспектори Амир ака рўпарада кўриниб турган тоғ томон ишора қилиб «хе-ей, юқорида-да, биз бораётган қишлоқ» дегач, «Войсун тоғ тизмалари... маҳаллий аҳоли Сина тоғи ҳам дейди», деб илова қилиб қўйди.

Машина илон изи тоғ йўлларида дам пастлаб, дам юқорига тармашади. Тоғларга хаёл қочиб жимиб қолган бўлсам керак, «Бирон шикоят борми, меҳмон?», деб бехосдан савол бериб қолди Амир ака.

— Шикоят йўқ. Олис қишлоқ болалари билан гурунглашайлик деган ниятда келяпмиз-да...

— Гурунглашиш учун шундан шунга бориш... йўл олис-да...

Катта Вахшвор қишлоғига кўтарилиб тоғ қояларига қўл чўса етгудек жойга яқинлашганимизда тошларнинг салобати, залворини кўриб районда маорифчилар айтган гапни эсладим. «Тоғликлар сўзга чечан бўлишади, гап уларнинг кўнглида қолиб кетмайди, неки дарди бўлса тилига кўчади» деган эди кимдир.

Сўзга чечанлик, дилидагини бўямай-бежамай изҳор қилиш ҳам фазилят. Қолаверса, бу тоифа кишилар билан мароқли гурунғ қуриш фойдадан холи бўлмайди.

39-мактабда ўқувчи вахшворлик йигит-қизлар! Тўққизинчи ва ўнинчи синф ўқувчилари! Сизлар залга тўпланиб ўтирганларингда ва мен редакция топшириғига биноан гурунгимиз мавзуини эълон қилаётганда шуларни кўнглимдан ўтказдим, катта умидлар билан саволни ўртага ташладим:

ҚАНДАЙ ЎҚУВЧИЛАРНИ ИДЕАЛ ЎҚУВЧИ ДЕЯ ОЛАМИЗ: УМУМАН, ОРАМИЗДА ИДЕАЛ ЎҚУВЧИЛАР ТОПИЛАДИМИ?

Сўзни мактаб илмий бўлим мудири Меликул Сиддиқов бошлади:

— «Идеал ўқувчи» тушунчаси жуда кенг маънони англатади. Чунки ўқувчининг тўлақонли қиёфасини кўз ўнгимизда гавдалантириш учун унинг мактабдаги ўзлаштиришлари, жамоатчилик ишларида фаол қатнашуви, одоби, юриш-туриши, муомала маданияти, дунёқараш ва шунга ўхшаш яна кўплаб омилларни ҳисобга олиш керак бўлади. Мана, кимнинг кўнглида қандай гап бўлса, марҳамат, айтсин. Фикрлашайлик, баҳслашайлик. Бир йўла «Еш куч» журнали ҳақида мулоҳазаларингизни ҳам айтиб ўтишингиз мумкин.

Меликул ака гурунгимиз мавзусини янада конкретлаштиридилар, маълум маънода сиз ўқувчиларга аниқ йўналишлар белгилаб бердилар.

Ўқувчилардан дастлаб Гуландом Тоғаева сўз олди.

— «Еш куч»ни мунтазам қузатаман... «Олтин фасл орзулари» туркум саволларига келган жавобларни қизиқиб ўқийман, — деди у. — Комсомол турмушини қайта қуриш муаммоларига бағишланган тур жавобларидан кўнглим тўлмади... Идеал ўқувчи ҳақида гапиришдан аввал ҳозирги биз тенги ёшларнинг ҳеч нарсага қизиқмай қўяётганидан ташвишланмоқ керак. Айрим йигитларимиз бўш вақтини қандай ўтказишни билишмайди. Уларнинг бекорчи бўлиб юришганини кўриб хуноб бўлиб кетасан киши!... Китоб ўқишмайди. Журнал, газета варақлашмайди. Мана, бирортаси туриб, «Мен китоб ўқийман!» деб айтсинчи — айтолмайди.

Гуландом! Сизнинг гапларингиз дабудрустан менга оғир ботди. Ҳар қалай, сиз тап тортмай 50—60 чоқли йигитга қарата шундай гапларни очиқ-ойдин айтаётган эдингиз. Уша топда йигитларнинг кўзига қаролмадим. «Ҳозир бирортаси даст ўрнидан туради-да бу қизга боплаб жавоб қайтаради» деб ўйладим. Афсуски, бундай бўлмади. Йигитлар жим эди... Сиз зарда билан айтаётган таънангиз замирида қуюнчақлик, самимийлик бор эди, Гуландом! Бор гапни, рост гапни айтган эдингиз, синглим!

Рост гап рост гапнинг қулогидан тортиб чиқаради, дейишади. Бинобарин, Гуландомнинг сўзларидан сўнг баҳс қизгин тус олишини кутгандим. Абдудманнон Исмадуллаев «идеал ўқувчи» муаммосининг муҳим омилларидан бири ҳақида сўз очди:

— Идеал ўқувчи ҳар жиҳатдан таъминланган мактабдагина тарбия топиши мумкин. Бизда-чи? Мана, мен ўнинчи синфда ўқияпман, ҳали глобус нима эканини билмайман...

Абдудманнон, «Глобусни мутлақо кўрмаганмисиз?» деб сўрадим. «Кўрганман, бундан тўрт йил бурун кўрганман» деб жавоб қайтардингиз...

Мактаб комсомол ташкилоти секретари Ойниса Азизова Абдудманноннинг сўзини тасдиқлаб, унинг фикрини давом эттирди:

— Тўғри, мактабимизда глобус йўқ. Химия, физика кабинетлари мутлақо жиҳозланмаган. Лекин физика ўқитувчимиз Зиёдулла Тўраев дарсларни жуда яхши ўтадилар. Қўшимча адабиётлардан фойдаланадилар, афсуски, лаборатория асбоблари йўқлиги янада чуқурроқ ўзлаштиришимизга имкон бермайди.

Идеал ўқувчини китобсиз тасаввур қилиш қийин. Совхоз кутубхонасида китоблар сероб, лекин кутубхона олис. Мактабимиз кутубхонаси эса ночор: китоблар оз, борлари ҳам йиртилиб-титилиб кетган. Биз китоблар озлигидан нолисак, айрим ўртоқларимиз умуман қўлларига китоб олишмайди. Мактаб комсомол ташкилоти секретари сифатида деярли ҳар бир комсомолимиз билан суҳбатлашганман. Бироқ кўпчилик бирор мавзуда, масалан, ўқиган китоби юзасидан баҳслашиб, тортишганини эслолмайман. Улар лоақал, савол беришни билишмайди. Ҳа, ҳеч нарсага қизиқмагач — нима ҳақда сўрайди, ахир!...

Ойниса! Тўғри айтдингиз — қизиқмаган киши ниманиям сўрайди?! Сир эмас, қизиқмаслик аксари ёшларимизга хос иллатга айланиб бормоқда. Қизиқмаслик ҳайратнинг йўқолишига, ҳайратлана билмаслик дидеизликка олиб келмоқда, Ойниса! Гурунгимиз давом этаётган залда 50—70 нафар йигит-қиз учун сизга ўхшаш, Гуландомга, Абдудманнонга ўхшаш ўқувчилар «мен гапирай» деб навбат кутишаётган эди. Улардан бири Муҳаббат Абдуназарованинг сўзларини мароқ билан тингладим:

— Қаердадир ўқиган эдим — инсон ўз имкониятининг беш фониздангина фойдалана олган. Киши ана шу фаолият имкониятини тинимсиз оширишга ҳаракат қилмоғи керак. Идеал ўқувчи мактабда ҳар томонлама намунага айланаши лозим. Биринчи навбатда у кўп ўқиши, фикр доираси кенг бўлмоғи керак. Бундай ўқувчиларнинг кўпайиши, юқорида айтилганидек, ўқув қуролларига ҳам боғлиқ. Химия, физика кабинетлари ҳақидаги танқид тўппа-тўғри. Глобус ҳам...

Муҳаббат, эсингиздами, «Бирон марта глобус сўраб, талаб қилдингларми?» деб сўрадим.

— Глобусни шахсан мен ўқитувчимизга айтгандим, — дедингиз. — «Глобусни юқоридан тилли-жағли директорларга беришади» — деб жавоб қайтардилар.



Муҳаббат АБДУНАЗАРОВА



Абдудманнон ИСМАДУЛЛАЕВ



Раҳмон КАРИМОВ



Ойниса АЗИЗОВА



Гуландон ТОҒАЕВА



«Идеал ўқувчи»

Муҳаббат, ўша ўқитувчингиз айтган «юқори» деганда нимани, қаерни назарда тутди экан? Район халқ маорифи бўлиминими, областними? Қаерни?! Наҳотки, бутун бошли мактабга глобус олиш учун ҳам «юқори»га ялиниш лозим? Наҳотки, битта глобус учун ҳам тил-жағни заҳмат чектириш шарт бўлса?! Оддий ва зарур дардларимизни «юқорига» баралла айтишдан қачонгача ийманамиз? Визнинг мамлакатимизда ҳар қандай олий ташкилотларнинг бирдан-бир муқаддас вазифаси сизлар сингари келажагимиз ворисларини муносиб тарбиялашга қаратилганини сизлар яхши билишинглар керак, вахшиворлик укажонлар! Билиш баробарида талаб қилиш ҳуқуқидан фойдаланишларинг керак. Сизлар ҳар қандай жўн-мушкул масалаларга Катта Вахшивор юксакликларидан туриб муносабатда бўлишларингни истар эдим!...

Муҳаббат! Сиз тил ўрганиш, хусусан рус тилини ўрганиш истагингизни баён эта бошлаганингизда менинг хаёлимдан шу фикрлар шитоб билан ўтди. Ўйим ўйда, қулоғим сизнинг гапларингизда эди.

— Рус тилини эгалламай идеал ўқувчи бўлиш қийин, — дедингиз. — Бироқ орамизда бирорта ўқувчи рус тилида эркин гаплашолмайди. Нега шундай? Бунинг сабаби кўп — улардан бири мактабимизда лингвон йўқлиги.

Муҳаббат мактаб кутубхонасида китоблар тўзиб кетганини айтганда илмий бўлим мудир Меликул Сиддиқов ўринли савол ташладилар: «Китобларни таъмирлашни ўқувчиларнинг ўзлари зиммаларига олсалар бўлмайми?» деб сўрадилар у киши. Лекин Гуландон «Китобларни доволашга доим тайёрмиз. Бундай китобсеварлар орамизда топилади» деди. Бу жавоб ҳам ўринли эди. Бироқ Муҳаббатнинг жавоби янада асослироқ туюлди:

— Бадий китоблар, айниқса дарсликлар шу қадар тўзиб кетганки, таъмирлаш билан уларнинг умрини узайтириш қийин. Қолаверса, биз янги-янги китоблар келтирилишини истаймиз.

Янги-янги китоблар... Янги китобларга чанқоқлик... Олис тоғ қишлоғида яшаётган укажон-сингилжонларимиз китоб истаб, китоб сўрасаларда, биз катталар бунга бепарво қарасак...

Шу жиҳатдан рус тили ўқитувчиси Ашур ака Пардаевнинг, «Мактаб кутубхонасидан нолисанглар, совхоз кутубхонасига боринглар. Истаган киши унинг узоқлигига қарамай қатнаши мумкин» деган гапларига қўшила олмадим. Совхоз кутубхонасига юқори синф ўқувчилари қатнаган тақдирда ҳам куйи синф ўқувчилари нима қилади? Масаланинг бу томонини ҳам эътибордан соқит қилмаслигимиз керак-да. Кези келганда айтиш керакки, ҳатто Олтинсой район марказида ҳам китоб магазини йўқлиги кишини ажаблантирмай қолмайди...

...Ашур Пардаев идеал ўқувчининг атрофлича тарбия топиши зарурлиги хусусида тўхталдилар.

— Идеал ўқувчи ҳозирги давр талабларига ҳар томонлама жавоб бериши керак. Ваҳоланки, аксари ўқувчилар «ким бўлмоқчисан?» деган саволга жавоб айтолмайдилар. Умумий маданият савияси ҳам оқсайди. Ахир, замонамизнинг етук кишиси юксак маданият кишиси ҳам бўлмоғи даркор-да... Ўғил болаларда манмансираш аломатлари сезилиб туради. Сўрасангиз, ҳатто ўтилган дарс мавзусини айтиб беришолмайди. Ўғил болалар ҳозирдан ҳар ишга қобил бўлмоғи зарур. Ҳатто пазандалик, кир ювиш юмушларини ҳам ўрганиш керак. Масалан, ҳарбий хизмат йилларида бировнинг тугмасини биров қадамайди. Оқ ёқани биров чайиб бермайди. Лоқақал мана шундай майда-чуйдалар қўлидан келмаган болалар манмансирганига ҳайрон қоласан киши.

Ашур Пардаевич! Жуда ўринли таъналарни айтдингиз. Лекин лингвон ҳақидаги фикрингиз менга эриш эшитилди. «Мактабимизда лингвон бор, лекин у ўрнатилмаган. Ўрнатилгудек бўлса, болалар уни эҳтиёт қилишмайди» дедингиз. Қимматбаҳо ўқув анжумларини эҳтиётлашга қуяётганингиз таъсирга лойик. Бироқ бу алоҳида масала. Аммо шу баҳонада лингвонни ўқувчилар ихтиёрига бермаслик, кечирасизу, «синдириб қўяди» деган ваз билан ўйинчоқни боласига раво кўрмаган онанинг ишини эслатади...

Сизлар билан учрашган кунимнинг эртасига область халқ маорифи бўлимига бордим, учрашув таассуротини бўлим мудир Давлат Аннаевга қисқача гапириб бердим. У киши «Глобуснинг йўқлиги мактаб маъмуриятининг бепарволигидан, лекин лингвон ва ҳоказо электрон-ҳисоблаш машиналарининг етишмаслиги эса бутун областимизга хос объектив камчиликлардандир» деб конкрет жавоб бердилар. Начора, бундай объектив камчиликлар бартараф этиладиган пайтлар ҳам келиб қолар...

...Шундан сўнг гурунгимиз совий бошлади, негаки, гап айтиши мумкин бўлганлар тугаб, бошқалар жимгина термулиб ўтиришарди. Залда тўпланганларни гапиртиришга уриндим, «Йигитлар жуда пассив-ку, Гуландон, Муҳаббат, Ойниса ва Абдуманнон айтган мулоҳазалар тўғрими?» деб сўрадим.

«Ҳмм...», «Тўғри...» қабилидаги луқмалар эшитилди, холос. «Қани, синглим, наҳотки айтадиган гапингиз бўлмаса?» деб орқароқда ўтирган қизлардан бирини гапиртиришга даъват этдим.

— Норгул Холова... — деди у қиз ўзини таништириб.

— Майли, сиз уйингизда қандай қилиб чой дамлашингизни ҳикоя қилиб берингчи, — деб сўрадим.

— Аввал чойнакни чайман... қуруқ чойдан бир чимдим ташлаб, сўнг қайнаб турган сувдан қуяман... Чойни пиёлага қуйиб узатиш ҳам маданият...

Сиздан худди шу гапни кутгандим, Норгул. Дарҳақиқат, сиз айтгандек, «чой узатиш ҳам ўзбек қизларининг энг назокатли, гўзал фазилатларидан ҳисобланади». Демак, энг оддий, жўн туюлган иш ҳам идеал ўқувчига даҳли бор экан. Тўғрими, Норгул?...

Афсуски, 60—70 чоқли ўқувчи ҳамон мўлтираб ўтирар, уларнинг кўзларидан ҳам тортинчоқлик, ҳам журъатсизлик, ҳатто бефарқлик яққол кўриниб турарди. Мен болаларни гапиртиришнинг сўнгги «чораси»ни ишга солдим.

Савол бердим:

— «Еш куч»да қандай материаллар босилишини истайсизлар?

— Еш ёзувчи, шоирларнинг ҳикоя, шеърлари чиқсин!..

— Жисмоний гўзаллик ва ички гўзаллик тарбиясига доир мақолалар кўпроқ ўқишни истаймиз...

— Тил ўрганиш юзасидан машғулотлар ўтилса яхши бўларди...

— Ҳалоқатга учраган «Пахтакор» командаси ҳақида хотира ёзинглар...

Шу, холос. Ойниса Азизова айтганидек, сўраш учун ҳам киши ўқиган, кўп нарсаларга қизиққан бўлиши керак...

Гуруннга илмий бўлим мудир Меликул Сиддиқов яқун ясадилар:

— Идеал ўқувчи қандай бўлиши кераклиги юзасидан суҳбатлашдик. Бу ерда айтилган гаплардан хулоса чиқариш мумкинки, идеал ўқувчи аввало юксак маданият эгаси бўлмоғи лозим. Халқимиз тарихини, анъаналарини чуқур эгаллаган, ҳар соҳада фаол; интернационал руҳда тарбия топган; воқеа-ҳодисаларни кўр-кўрона эмас, балки мустақил баҳолай оладиган; ватанпарвар; музыка, тасвирий санъат асарларидан баҳраманд бўлишга қодир; ўзи ва ўзгаларнинг қадрига етадиган йигит-қизларни «идеал ўқувчи» дейишимиз мумкин. Назаримда бу мавзу ҳақида доимо ўйлашимиз, суҳбатлашиб туришимиз жуда фойдали бўлур эди. «Еш куч» журнали саҳифаларида айтиш масала кўпчилик муҳокамасига ташланса ўзаро фикр алмашишимиз жонланган, бундан ҳамма учун қимматли тажриба орттирилган бўлар эди...

Гурун тугади. Зални тарк эта бошладик. Катта Вахшивор йўлларида пастлай бошлаганимиздан буён мана ҳозиргача сизларни ўйладим. Ҳар қалай учрашувимиз зое кетмади. Оз бўлса-да, соз мулоҳазалар эшитдик — уларни қоғозга туширдик. Вилдирилган айрим эътирозлар танқид эмас, балки ҳақиқат муҳокамасаларда тугилади деганларидек, мақсад — гурунгни қизитиш, янада муҳими — «идеал ўқувчи» қиёфасини яратиш мавзусини кун тартибига қўйиш эди. Мақсадга етдик. Бир мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларининг мулоҳазалари мисолида бу муаммони бартараф этиб бўлмаслиги табиий. Кўплашиб муҳокама қилинган, кўп сонли педагоглар, ўқувчилар баҳамжиҳат фикр алмашган тақдирдагина орзуимиздаги «идеал ўқувчи»нинг тўлақонли қиёфасини яратиш мумкинлиги кўриниб турган ҳақиқат.

Хуршид ДУСТМУҲАМЕДОВ

РЕДАКЦИЯДАН. Муаллиф розилиги билан ушбу мақоланинг қалам ҳақида Олтинсой районидаги Ушинский номли 39-мактаб кутубхонаси учун китоб харид қилинади.

Барча болакайлар нимани кўпроқ орзу қилишади? Улар худди эртактардагидек ўтиб бўлмас чангалзорларда ваҳший ҳайвонларни яккама-якка жангда маҳв этишни, ҳали ҳеч ким забт этмаган тоғ чўққиларига кўтарилишни ҳамда тублари-ю, кенгликлари интиҳосиз туюладиган баҳри муҳитда сайр қилиш ёхуд тўлқинлар узра чарх урган чағалайлар билан ошно тутинишни орзу қиладилар. Умрида денгизни фақат кинолардагина кўрган, денгиздан минглаб қақирим наридаги шаҳару қишлоқларда туғилган болалар орасида катта бўлса денгизчи бўлишни кўнглига тугиб қўйганлар ҳам йўқ эмас. Мўйноқ шаҳридаги пионерлар уйида кемасозлик тўғриси бор. Унда шуғулланган болалар ана шундай — денгизга меҳр қўйганларидан тўғарақда иштиёқ билан сув ости кемалари, турфа қайиқлар ясашади. Бешинчи синф ўқувчиси Валерий Зуев эса портда юрадиган кичик ёрдамчи кемалар қуришга ишқибоз. У кемаларни ясади-да, кейин уларни бир пайтлар денгиз кўрфази бўлган, энди эса устини шигил қамиш қоплаган ботқоқзор кўлмақларига хўрсиниб қўйиб юборади...

Қайиқлар қабристонини

Чор ҳукуматининг маҳфий буйруғи лўнда ва қатъий эди: «Хива хонлиги чегараларига яқинлашилмасин!»

Бироқ, Бутаков экспедицияси буйруққа итоат қилмай кемаларни 1848 йилнинг ёзида Тўқмақат кўрфазига лангар ташлаттирди.

— Ярим оролимиз Орол денгизи картасидан шу тахлит ўрин олиб қолган эди, — шу гапларни айтган Мўйноқ район партия комитетининг биринчи секретари овозидаги мағрурлик оҳангини киноя босиб тушади. — Айни шу ерда матрослар ёққан ўнлаб гулханлар ёруғида сургундаги аскар Тарас Шевченко ўзининг машҳур «Шоҳлар» достонини ёзади.

Шу сўзларни айтиб Темирбоев ўрнидан турди ва ойнага яқинлашиб барханлар орасида саробдай жимирлаётган сувга ишора қилди.

— Анови ерда кўрфаз бор эди. Чоржуйдан Амударёга устига пахта ортилган бир неча баржаларни тортиб филдиракли кемалар қатнардди. Учсой портида пахталарни энди денгиз баржаларига юклар, уларни теплоходда Орол бўйига тортиб келишар, кейин темир йўлда бошқа ёққа олиб кетишарди.

— Булар шоҳ замонида бўлган ишларми? — ўсмоқчиладим мен.

— Ҳа йўқ, — деди кулимсираб, Тинишиқ Мирзагулович. — Булар болаликдаги гаплар. Ушанда мен ўртоқларим билан Учсой порти атрофида ўйнаб юрардик. Даҳшат! Пристанни ўша пайтлари қирқта овчарка кўриқларди. Посёлкада эса ҳаёт қайнарди. Уйин-кулги, хурсандчилик дегандек. Чунки, халқнинг тиркичилиги яхши, бир гектар сувдан 25 центнерча балиқ овланларди. Балиқчиларнинг жўнроқ ўз қайиқлари ҳам бор эди. Ҳар йили икки марта — баҳорда ва кузда аҳоли балиқни қайта ишлашга жалб қилинарди. Балиқ овлаш мавсумида муассасалар ҳам ишини вақтинча тўхтатарди. 75-йилгача шундай бўлиб келди. 68-йилда мен ҳарбий хизматга кетдим. Ушандаям Орол қурий бораётган бўлса-да, ҳар тугул ов тузук бўларди.

Шуларни айтиб секретарь оғир тош кўтармоқчи бўлган полвондай хўрсинди-да, гапида давом этди.

— Кейин ҳаммаси бирдан тугади-қолди. Аввалига кўрфаздан катта кемаларнинг оёғи узилди. Кўрфазни сунъий дамба билан тўсиб олишди. Кейин денгизни қувлаш бошланди, каналлар қавлашга тушилди. Пировардида портни ярим оролнинг у қирғоғига кўчиришга тўғри келди. Ҳозир у ерлар қайиқлар қабристонига айланган. Бизнинг флотимиз ҳам ўша ерда қолиб кетди. Уни темир-терсақ қилиб топширсакми, ёдгорлик сифатида сақлаб қолсакми, деб бошимиз қотган...

Хўркмас сайғоқлар

Олисдан машина овозини эшитган сайғоқлар сапчиб тумтарақай қочган бўлишди. Бироқ кўп югурмай олазарак ҳолда туриб қолишди.

— Қизиқ, — таажубландим мен, — машинадан унча чўчимай қолишибдими-я?..

— Улар касал, — деди фикрларимни уққандек Турсунбой ака. Бояқишларнинг силласи қуриган, бирон касал текканми...

Устюрт текисликларидан ўтиб манзилимизга яқинлашганимизда кўзимиз «ярқ» этиб очилди.

Ясси тоғ яйловлари ранги пишик ёштникидай қизил қум билан қопланган. Бу ерлар бир пайтлар соҳил бўлган. Нарироқда, қирғоқ бўйларидаги қумларнинг ранги сарғимтир. Денгиз тубларига чўккан тузлар эса тоғлардай қаққайиб турибди. У ёғи уфқ-қача шундай юмшоқ шўрхоқ тузроқ. Ҳеч қаерда сув кўринмайди. Тушга яқин бу азим саҳро тугаб, чап томонда еттита кичик кўл жимирлаб кўринди. Унгу томонда, қирғоқ бўйлаб уч қақиримча масофада овулли қишлоқнинг харобалари ястаниб ётарди. Улик шаҳарга аста қадам босдик. Ярим хароба икки қаватли бино пештоқида «1961 йил 5 октябрда маҳаллий советларга сайловлар куни» деган ёзув сақланиб қолибди.

— Бу ер мактаб эди шекилли. Йўқ, хойнаҳой клуб бўлса керак, — Кенжамуротовнинг пешонаси тиришди. — Бу ерда музхона бўлган. — деди ҳамроҳлардан бири.

— Музхонангиз нимаси?..

— Янгитда музлатилган балиқлар омбори. Баржаларга юклардан аввал балиқларни музхонада сақлашарди. Балиқларнинг бир қисмини Мўйноққа — консерва заводига олиб кетишарди.

— Йигирмата овланадиган қимматбахо балиқ турлари бор эди ўша йиллари, — эслайди Кенжамуратов, — лаққа, зогора балиқ, сўзан, бакрабалиқ, скаферинтус, тарашабалиқ, лешч, оққайроқ... эҳ-ҳе. 1957 йили, аниқ эсимда — 253 минг центнер балиқ овлагандик. Ҳозир нари-бериси билан зўрға 25 минг овлаймиз холос. Ешларимиз кўнгилли бўлиб Арнасойга, ундан нарига кетиб қолишарди. Бултурдан Сарикамишда балиқ тутишни тўхтатдик. Балиқларнинг мазаси йўқ. Қалласи катта, ичак-чавоғи умуртқасига ёпишиб кетган. Озиқланолмай қолган бўлса керак. Пахта майдонларининг оқавасидан Сарикамишнинг суви заҳарланган. Шунақа балиқни еб бўлармиди... Ваҳоланки, бу ердаги осётр балиғи илгари экспортга чиқариларди. Уруш йиллари шу балиқлар фронтни боққан. Турғунлик йиллари бошлиқлар балиқларни хуш кўриб ёйишди-ю, балиқчиликнинг тақдири ҳақида заррача ўйлашмади.

Бу ерларда лоақал ҳозир ишлар ўнглаша бошласа ҳам майли эди. Республика агросаноат Давлат Комитети раиси ўртоқ Жўрабеков «Мўйноқ хўжалиги рентабелсиз (фойдасиз) хўжалик сифатида тарқатиб юборилсин!» деб таклиф қилибди. Бизда айб нима?! Сув йўқ бўлса?!.. Одамларга ҳайронсан!

...Қуёш аста ботиб борарди. Машинани йўлда қолдириб тепаликлардан бирига кўтарилдик. Бу ердан харобазорнинг аянчли қиёфаси айниқса яққол кўриниб турарди.

— Урга аҳолиси қанча эди? — сўрайман.

— Уч мингга яқин. Магазинлари, кинотеатри бор росмана катта бир посёлка эди-да ўзиям.

Энди бўлса у ёввойи қушлар, бўри, чиябўриларнинг маконига айланиб қолибди. Устюртда сув ахтариб силласи қуриган сайғоқлар шу кўлларга етиб келишади-ю, ваҳшийлар домига илинишади. Қорни тўқ ваҳшийлар сайғоқларни чалакам-чатти еб ташлаб кетишаркан — йўл бўйи етти, саккизта чала ейилган ҳайвонларнинг ўлигини учратдик. Бироз айланиб қайтгач, машина атрофида ғалати изларга кўзимиз тушди.

— Чиябўри бу, — деди ҳайдовчимиз.

— Посёлка одамлари қаёққа равона бўлишган, — сўрадим этим жимирлаб, бу гапдан сўнг.

— Кимдир боши оққан тарафларга жўнаган. Биров Кўнғирот районуни кўчи кетган. Молбоқарлик қилгани. Улардан баъзилари Мўйноққа қайтишгани рост. Балиқчиликка ўрганган одамнинг қармоқ, тўрсиз яшаши қийин, — деди тагин хўрсиниб Кенжамуратов.

— Уйларни нега бузиб кетишибди?

— Бузишмаган, тахта, ёшт, томларини ташиб кетишган — қурилиш материалларининг нархи ўзингизга маълум. Қолганини вақт емириб ташлаган.



Тўлқинсиз денгизнинг

ТАЛИК

...асарларнинг аслини билмас улар
...эшитганларига қараб сўзлар
...қасбга меҳр, ҳақ сўзга, ҳақиқатга
...қўймасди. Мен биз
...кам нарса билар эдик.
...«Оқ қушлар, оқ
...ораси» мундоса-
...ҳақиқатга хайрат
...қўймасди. Мен биз
...қўймасди. Мен биз
...қўймасди. Мен биз

ВА

гача
порлар.
нча,
лар.

ганиб олганман. Га
Зуджуморнинг ше
гулдан атрофида
Шеърларни бош
Рустамни бош
йидаги машқ
гарлик кийо
излашни Су
қайсида



Ойбек РАХИМОВ.

Нигоҳимга ўраб овутай сени

Қайинзор куйлама ҳазин куйингни,
Совуқда қолсангда беланиб қорга.
Келдим мен тарк этиб уйимни
Толеим ўхшамас ҳеч бир баҳорга.

Оппоқ қорга боқиб кўзим толади,
Менга кўникарман бир кун бегумон.
Оқлик ўрнини кўклам олади,
Шунинг нурга кўмар, тарқалиб туман.

...имга ўраб овутай сени
...қ солгин азизим, менга бир нафас.
...шамол бўлиб танир, эсини
...бўл, юрагимни эзмагин бир пас.

...м сенга дардкаш бўлайин ўзим,
...и, сен севган сой оқмоқда ҳамон.
...энди мени ҳам эркала бир зум
...муз остида уйғоқ-ку уммон.

Биринчи қор

...сумингдан илийди кўксим
...яшашимга яна бир имкон.
...а-ҳаммасин севгига йўйдик.



Оппоқ умидлар элайди осмон
Мана, оқликка бурканади ер.
Келди биз кутган саҳоватли кун
Сену мен, оппоқ қор... Саодатли кун!

Она насиҳати

Болагинам, Бахт доим сендан,
Бир қадам олдинда юради,
Фалокат бир қадам орқада...
Сени мўлжаллаб туради.

Илдам юр, Бахтинга етасан.
Кундузинг тунингни йиқади.
Йўлда кўп қўл тикма чўнтакка,
Қўлга ғам илашиб чиқади.

* * *

Раҳм қилмасдан узасан гулни.
Ясайсан ундан ажиб гулдаста.
Жамлаб унга бор тилагингни,
Кимнидир излаб кетасан аста.

Гул жон олар нигоҳларингдан,
Юзларинг эса гулдан олар ранг.
Юрагингда тугилар шу дам,
Ҳеч тингланмаган сирли бир оҳанг.

* * *

...миз — Орolni ҳимоя қилиш ҳақида эса жуяли бир
...иш қилганимизча йўқ... Ҳалокат оқибатларини енгил-
...лаштириш чорасини кўришимиз керак. Уни қуритиш
...эвазига топадиган моддий бойликни ўйлаб ўзи-
...мизни юпатганимиз бекор, маънавий йўқотишлар
...олдида уларнинг қадри бир пул.

...Мўйноқ пионерлар уйида кемасозлик тўғрисида
...мавжуд. Унда шуғулланадиган болалар турли қайиқ-
...лар, кемалар ясашади. Бешинчи синф ўқувчиси
...Валерий Зуев эса портда юрадиган кичик ёрдамчи
...кемалар моделини ясайди-да, уни бир пайтлар ден-
...гиз бўлган кўрфазга олиб бориб қамишзор ботқоқ
...устига аста қўяди.

Болалар денгиз ҳақида ўй суришарди.
Андрей КУДРЯШОВ.

Мадад кутаётган Орол...

УНСИЗ ФАРРЁДИ

БЕЗОВТАЛИК



Ўтган йил пахта терими пайти эди. Ишдан сўнг турли кечалар уюштирилди, гулхан атрофидаги ўйин-кулгилар, шеърлар ва қўшиқлар ярим тунгача тинмас эди. Шундай кечаларнинг бирига биз, ўқитувчиларни ҳам таклиф қилишди. Биринчи курс студентлари меҳмонга келибди.

Сухбат қатнашчиларининг аксарияти ўзлари

сўз юритаётган асарларнинг аслини билмас, улар ҳақида ярим-ёрти эшитганларига қараб сўзлардилар. Лекин касбга меҳр, ҳақ сўзга, ҳақиқатга ташналик бизни ром этмай қўймасди. Мен бизнинг талабалик дамларимиз кечган 60-йилларни эсладим. Биз бу ёшда жуда кам нарса билар эдик.

Гап бугунги тилга тушган асарларимизга кўчди. 1-курс студентларидан бири «Оқ қушлар, оппоқ қушлар...» ҳамда «Икки эшик ораси» муносабати билан адабий танқидчилигимиздаги ҳайрат ва интилишларни қоралаб кетди. Ҳалол, тўғрима-тўғри, реалистик фикр-мушоҳада етишмаётганини айтди. Эътирозларининг кўпи асосли эди. Хаёлимдан ўтди: биз бунчалар дадил эмас эдик!

Мен шеърларини Сиз, қадрли ўқувчиларга ҳавола этаётганларимдан энг кичиги — 1-курс студенти Гулноза Эрназаровани ўтган йил шу тарика

таниб олганман. Гапини ичида қолдирмайдиган Зулхуморнинг шеърларини ҳам биринчи марта гулхан атрофида эшитганман. Камсукум Юсуф Зиёдовнинг машқ қилишини деворий газетада шеърлари босилгандагина билдим. 3-курсдаги Рустамни факультетда танидим. Уларнинг қуйидаги машқлари, эҳтимол, ҳали шеърга даъвогарлик қилолмас. Лекин улардаги самимият ва изланиш Сизни бефарқ қолдирмайди. Деярли ҳар қайсисида ёруғ бир безовталикини ҳис қилиб турасиз. Бу — оз эмас.

Бегали ҚОСИМОВ,
Филология фанлари доктори.

Қайиқлар қабристонини

Чор ҳукуматининг маҳфий буйруғи лўнда ва қатъий эди: «Хива хонлиги чегараларига яқинлашилмасин!»

Бироқ, Бутаков экспедицияси буйруққа итоат қилмай кемаларни 1848 йилнинг ёзида Тўқмақат кўрфазига лангар ташлаттирди.

— Ярим оролимиз Орол денгизи картасидан шу тахлит ўрин олиб қолган эди, — шу гапларни айтган Мўйноқ район партия комитетининг биринчи секретари овозидаги мағрурлик оҳангини киноя босиб тушади. — Айни шу ерда матрослар ёққан ўнлаб гулханлар ёруғида сургундаги аскар Тарас Шевченко ўзининг машҳур «Шоҳлар» достонини ёзади.

Шу сўзларни айтиб Темирбоев ўрнидан турди ва ойнага яқинлашиб барханлар орасида саробдай жимирлаётган сувга ишора қилди.

— Анови ерда кўрфаз бор эди. Чоржуйдан Амударёга устига пахта ортилган бир неча баржаларни тортиб ғилдиракли кемалар қатнади. Учсой портида пахталарни энди денгиз баржаларига юклаб, уларни теплоходда Орол бўйига тортиб келишар, кейин темир йўлда бошқа ёққа олиб кетишарди. — Булар шоҳ замонида бўлган ишларми? — Ёсмончиларим мен.

Гулчеҳра МИРЗАЕВА

* * *

Кўзларингни севаман, дединг,
Илтимос, бу... сўзингдан қайт.
Ҳали сенга тик боқолмаган,
Кўзларимни қайдан кўрдинг айт?

Кўзларимни севмагин... асло
Ногоҳларда қолма бойланиб.
Кўзларимни яширсам агар,
Аразларга турма айланиб.

Агар сенга тик боқолмасам,
Нафратларга қўйма ўгириб.
Севсам ҳамки сени шунчалар,
Қаролмайман суюб, ўргилиб...

«Кўзларингни севаман», — дединг,
Қўй, қаро кўз, бу сўзингдан қайт.
Ҳали сенга тик боқолмаган
Кўзларимни қайдан кўрдинг, айт?!

Ҳилола МАҲКАМОВА

Томчи қуёшлар

Қора туннинг бағрини ёриб,
Фарёд қилиб чақмоқлар чақар.
Кенг фалакнинг бағирларига
Ениқ дарди сиғмасдан қолар.

Не-не ғамни қаърига олган
Кенг қучоққа тўкилар ёшлар.
Она ерим, яна бағринга
Сингиб кетар, томчи қуёшлар.

бирон касал текканми...

Устюрт текисликларидан ўтиб манзили, яқинлашганимизда кўзимиз «ярқ» этиб очилди.

Ясси тоғ яйловлари ранги пишиқ ғиштни қизил қум билан қопланган. Бу ерлар бир па соҳил бўлган. Нарироқда, қирғоқ бўйларидаги ларнинг ранги сарғимтир. Денгиз тубларига ч тузлар эса тоғлардай қаққайиб турибди. У ёғи қача шундай юмшоқ шўрхоқ тупроқ. Ҳеч қ сув кўринмайди. Тушга яқин бу азим саҳро чап томонда еттита кичик кўл жимирлаб кўр Унг томонда, қирғоқ бўйлаб уч чақиримча масс овулли қишлоқнинг харобалари ястаниб ёт Улик шаҳарга аста қадам босдик. Ярим хароба қаватли бино пештоқида «1961 йил 5 октябрд ҳаллий советларга сайловлар кунин» деган сақланиб қолибди.

— Бу ер мактаб эди шекилли. Йўқ, ҳой клуб бўлса керак, — Кенжамуротовнинг пеш тиришди. — Бу ерда музхона бўлган. — деди роҳлардан бири.

— Музхонангиз нимаси?..

— Янгитда музлатилган балиқлар омбори. жаларга юклардан аввал балиқларни музга сақлашарди. Балиқларнинг бир қисмини Мў қа — консерва заводига олиб кетишарди.

— Йигирмата овладиган қимматбаҳо турлари бор эди ўша йиллари, — эслайди К муратов. — Лаққа, зоғора балиқ, сўзан, бакраб

Мақсуда ИҶЛДОШЕВА

Йиллар ўтаётди
Баҳорли йиллар...
Мен сени баҳорга
бермасдим, жоним!
У севилаётди, у севаётди,
Мен сени агёрга бермасдим жоним!
Сен армон,
Сен илинж,
Сен эдинг висол,
Мен сени ўтинча бермасдим, жоним.
Севардинг куртакни,
севардинг гулни —
Мен сени ўкинча бермасдим жоним!
Севилмоқ бахт эзур...
Севмоқ-чи? Азоб!
Айт, нега азобга ташлайсан энди?
Бўғзимда қотди сўз, гунг бўлди ғазаб...
Агёрга айланиб яшайсан энди...



Зулхумор ХОЛМОҶОВА,
III-курс

* * *

Ғунча табассуми, майли сеники
Қуёш қаҳ-қаҳаси сеники, майли.
Майли, сенга бўлсин шаффоф туйғулар —
Беғубор орузнинг бепоён сайли.
Тиларман субҳидам мўъжизасини
Сени аллаласин қушлар хониши...
...Сенга дард тиларман, дард чекмаса гар
Қайга ҳам борарди қалбнинг ёниши...

Одамлар! Бир зумга мени тинч қўйинг,
Бир лаҳза нафасим олайин ростлаб.
Билмам ҳали, қанча андуҳ, алам бор
Ҳаёт не дардларни қўйибди қалаб...
...Йўқ, йўқ... ёлғизликдан кетдим эзилб
Гўёки қалбимни довул титгандай...
...Бир уйда, бир йўла бир ўзим ёлғиз...
Одамлар! Мен сизсиз яшайман қандай?..

Дилбар ДОНОБОВЕВА

* * *

Айланма йўлларнинг четида
Энг доно дарахтлар анқайиб,
Қўшилолмай йўловчиларга
Туришар ҳайкалдай қаққайиб.

Иложини излаб топардик,
Йиғиштириб қўйиб ҳазилни.
Юришарди шу кўчалардан
Билишганда борар манзилни.

Гулнора ЭРНАЗАРОВА

* * *

Бир кун келиб кўчаларингдан
Муסיқалар ўтади бир-бир.
Деразангни чергганда улар
Сен кўрқувдан титрайсан дир-дир.
Поклигинга ўралиб олиб
Сен дунёдан қочиб яшайсан.
Муסיқалар излаб келганда
Айтгин жоним, қандай чидайсан?..

Бир кун келиб қадамлар саси...
Эшитилмай қолади мангу
Лекин муסיқалар овози
Сенга асло бермайди уйқу.

Чўчиб турсам сени қучоқлаб
«Чўли ироқ» йиғлар бошингда
Юрагинга ханжарлар қадаб
«Муножот»лар келар қошимга

Тасодифан сезасан у дам
Тирик яшаб юрган эканинг
Сени бу дунёда поклигу
Муסיқалар асраб турганинг.

* * *

Бугун нозик қалбинг ўзгача
Кўзларинг-чи севинчдан порлар.
Пойингда гул, юрагинг гунча,
Сени масъуд истиқбол чорлар.

Мен эсам-чи самони кўзлаб
Заминимга солмадим нигоҳ.
Муҳаббатни йироқдан излаб
Иқболингга бўляпман огоҳ...

* * *

Учрашдилар бу кун ҳам у оҳу кўзлар,
Қувончидан қувониб қувончин тиклар.
Мен яхши биламан, йироқда худди,
Шу кўзларнинг биринчи қурбони йиғлар...

Рустам МУСУРМОНОВ
III-курс.

... га

«Ҳар икки одамни тургувчи боғлаб
Учинчи одам бор лекин дунёда».

(А. Орипов)

Мен сенга севгимни этганда изҳор,
Маслаҳат сўрама дугоналардан.
Гулим, сени мендай севолмас қизлар,
Сиримизни асра бегоналардан.

Одамлар қараса, бошинг эзмагин
Сукланиб, суқланиб висолимизга.
Жоним, бировларнинг кўзи тегмасин
Иккимизнинг суюк иқболимизга.

Бут бўлсин бахтимиз — ризқу-рўзимиз,
Биз шерик қилмайлик ўткинчи зотни.
Уғлимиз бўлар у, балки қизимиз —
Узимиз топамиз учинчи зотни.

* * *

Юсуф ЗИЕДОВ

Халқ оҳангида

Дардга тўлган дилимни
Шамол бўлиб айтдим-ку!
Шодон кириб боғингга
Сўнгра йиғлаб қайтдим-ку!
Қувонч эмас, ёт қалбинг
Гирён экан, ёр-ёр,
Орзуларим кўл етмас
Армон экан ёр-ёр.

Ҳайкал эмас, қаршингда
Инсон эди, билмадинг.
Сен ул кўзлар қаърига
Сингиб, парво қилмадинг
Чарақлаган кўзларинг
Чироқ экан, ёр-ёр.
Хаёлимдан хаёлинг
Йироқ экан ёр-ёр...

Билмам, қандай қўшиқни
Сен мен учун куйладинг?
Нозлар ила тўлғониб,
Жўшиб-жўшиб сўйладинг?
Гапирмаган тилгинанг
Бийрон экан, ёр-ёр.
«Соддагина» дилгинанг
Ҳайрон экан ёр-ёр.

Менинг танҳо гулимни
Узмоқ бўлиб шайландинг,
Сен мен учун дунёда
Афсонага айландинг.
Қалқиб турган кўзимда —
Еш экансан, ёр-ёр.
Томирида қон оққан
Тош экансан, ёр-ёр!..



Ойбек РАҲИМОВ.

Нигоҳимга ўраб овутай сени

Қайинзор куйлама ҳазин куйингни,
Совуқда қолсангда беланиб қорга.
Келдим мен тарк этиб уйимни
Толем йхшамас ҳеч бир баҳорга.

Оппоқ қорга боқиб кўзим толади,
Сенга кўникарман бир кун бегумон.
Бу оқлик ўрнини кўклам олади,
Қуёш нурга кўмар, тарқалиб туман.

Нигоҳимга ўраб овутай сени
Қулоқ солгин азизим, менга бир нафас.
Бўрон шамол бўлиб танир, эсини
Жим бўл, юрагимни эзмагин бир пас.

Бу дам сенга дардкаш бўлайин ўзим,
Ишон, сен севган сой оқмоқда ҳамон.
Кел, энди мени ҳам эркала бир зум
Ахир муз остида ўйғоқ-қу уммон.

Биринчи қор

Табассумингдан илийди кўксим
Бу — яшашимга яна бир имкон.
Ҳамма-ҳаммасин севзига йўйдик,
Ахир кўтдик биз, ишондик чунон.

Шунчалик ҳам қаттиқ севдикки,
Бизчалик сева олмайди ҳеч ким,
Бахт билдик севги деб жон бермоқни,
Бизчалик азоб чеколмас ҳеч ким.



Оппоқ умидлар элайди осмон
Мана, оқликка бурканади ер.
Келди биз кутган саҳоватли кун
Сену мен, оппоқ қор... Саодатли кун!

Она насиҳати

Болагинам, Бахт доим сендан,
Бир қадам олдинда юради,
Фалокат бир қадам орқада...
Сени мўлжаллаб туради.

Илдам юр, Бахтингга етасан.
Кундузинг тунингни йиқади.
Йўлда кўп қўл тикма чўнтакка,
Қўлга ғам илашиб чиқади.

* * *

Раҳм қилмасдан узасан гулни.
Ясайсан ундан ажиб гулдаста.
Жамлаб унга бор тилагингни,
Кимнидир излаб кетасан аста.

Гул жон олар нигоҳларингдан,
Юзларинг эса гулдан олар ранг.
Юрагингда туғилар шу дам,
Ҳеч тингланмаган сирли бир оҳанг.

* * *

Бошингни силайвериб
толлар шамол қўллари
Канда қилар у сенга бахт тилашни.
Энди сен албатта ўрганмоғинг шарт.
Уз бошингни ўзинг силашни.

* * *

Уйқудасан,
Эҳтимол сезмайман,
Кўкдаги юлдузлар — тилагим.
Деразаннинг олдида тунлар
Ой бўлиб қалқиб турар юрагим.

* * *

Қутаман, нигоҳимни йўлингга тўшаб.
Қайғудан, аламдан ўчимни олдим!
Келмайсан, сиғиниб сабр тошига
Бир жуфт кўзга айланиб қолдим...

Соғинч

Қўшиқни севардинг, севардинг гулни,
Қўшиқ-ку тугамас,
Сўлмас гуллар ҳам.
Биз ўзимиз топган қувончдан, бахтдан
Висолмас,
Айрилиқ ясадик бу дам.
Соғинча айланди биз юрган йўллар —
Гунча лабларингда гул унар эди.
Сен хиргойи қилган сокин қўшиқлар
Менинг фарёдима айланди энди...

Гулзорлар қўйнида, қўшиқ қўйнида
Сўлиб яшайман қўшиқсиз, гулсиз.



УРУШ

БОЛАЛАРИНИНГ ОНАСИ



У обрўли лавозим эгаси эмас, номдор унвони ҳам йўқ эди. У — Она эди!

...Умр бўйи Тошкентдаги Тельман номли артелда меҳнат қилди. Турмуш ўртоғи Шоаҳмад ака Шоаҳмудов билан ёнма-ён туриб темир товлоччи бўлиб ишлади. Унинг иродаси пўлатдек мустаҳкам эди. Бу қадар зўр ирода эгаси немис-фашист босқинчиларига қарши суронли жанг йилларида ўзлигини намоён қилди. 1942 йилнинг 14 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган урушга қарши митингда Баҳри Шоаҳмудова ёниб сўзлади:

— Манфур босқинчилар, фашист малъунлари

норасида гўдакларни ўлдирмоқдалар, қариялар, аёллар қонини тўкмоқдалар. Биз болаларни ёвуз ўлимдан асраб қоламиз, уларни ўз паноҳимизга оламиз... «Бизнинг юртимизда ҳеч бир бола етим қолмайди!» деб баралла овоз берамиз!

Ҳа, шу тарихи Баҳри Шоаҳмудова уруш болаларини ўз паноҳига олиш ташаббусини бошлаб берди. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларидан етим-есирлар жўнатилишини сўраб битилган хат ва телеграммалар оқими ортгандан-ортди. Ташаббускор аёл айниқса зўр ибрат намунасини кўрсатди. Баҳри опа билан Шоаҳмад ака бригаликда 14 нафар ўғил-қизни қабул қилиб олдилар. Турли миллат фарзандлари ўзбек хонадонининг қувончига айланди.

Кунлар кетидан кунлар, йиллар ортидан йиллар ўтди. Ўзбек оиласининг чексиз меҳридан қониб тарбия топган рус, украин, татар, яҳудий, молдаван ва белорус ўғил-қизлар бир қориндан тушган оға-ини, опа-сингилдек аҳил-тотув улғая бошладилар. Уқувчилик, касб ўрганиш, ҳарбий хизмат йиллари ҳам ортда қолди.

Баҳри опа 14 фарзандни аввало ўзаро аҳил тарбиялай олганидан фахрланар эди. «Фарзандларим — менинг жони-дилим, — деган эди Баҳри ая халқаро аёллар Конгресси минбаридан. — Уларнинг бахт-саодати — менинг ҳам бахт-саодатимдир. Ўғил-қизларим меҳнатсеварлигидан, аҳил-иноқлигидан бошим осмонга етади».

Баҳри ая 14 фарзанднинг эмас, балки Ўзбекистон, қолаверса Иттифоқнинг фахрли онаси эди. Зеро, матонатли аёлга «Қаҳрамон-она» фахрли унвони берилганда Баҳри ая номига Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан қалб сўзлари битилган табриқнома-лар келгани шундан далолат берарди. «Франциялик оналар Сизнинг жасоратингиздан лол қолиб, оналик мурувватининг улуглигидан мағрурланмоқдалар. Сизга улкан бахт тилаймиз» деб хат ёзган эди Франциялик бир гуруҳ оналар.

Баҳри ая хонадони дунё кезувчи кўплаб сайёҳлар учун қадамжога айланган эди. Бу ерга ташриф буюрувчилар матонатли ўзбек аёлини, у яшайдиган шароитни ўз кўзлари билан кўриш умидида дарёдек оқиб келардилар. Ая эса яхши ният билан келган меҳмонларга дастурхон тузар, уларга ўзининг аянчли ўтмишидан — 3 ёшида отадан, 17 ёшида волидасидан ажраганини, чинакам бахтни Октябрь инқилоби ҳада этганини ҳикоя қилиб берарди.

Баҳри ая нурли умр кечирди. Ҳаётининг сўнги дақиқалари унинг тепасида ўша машъум уруш болалари — эндиликда ўзлари ота-она бўлган кишилар, аёллар гиргиттон эди. Видолашув маросимида эса ўзбек тўнини кийиб белбоғ боғлаган, мотам либосига бурканган турли миллат фарзандлари ўзларини ювиб-тараган ОНА тобути устида бош эгиб туришарди. Улар республикамизнинг таниқли кишилари — Х. Охунжонов, Раҳмат Файзий, А. Хлебушкина, Л. Файзиев ва бошқа кўплаб тўпланганлар қатори ўз ватанининг фидойиси, аёл номини кўнларга кўтариб шарафлаган она — Баҳри аяни сўнги йўлга кузатиш учун Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан Тошкентга етиб келган эдилар...

Қодир ФОЗИЛХУЖАЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.



Фотолавҳалар Шоаҳмудовлар оиласидан ҳикоя қилади.

ДУНЁНИНГ ЭЛАЛАРИ

(қатра)

Қишлоққа туннинг қора қозони тўнтарилди. Ношуд келинчак бўйнидаги марварид шодаларини эполмай қатгини узиб юборди. Марваридлар кўкка сочилиб милтиллай бошлади. Бир чеккада ҳилолий балдоғи ҳам якка ўзи зеболанди.

Кунлик меҳнатдан ҳориган одамлар уй-уйларида ҳордиқ чиқариб, келгуси оппоқ тонгни кутиб уйқуга кетди.

Қишлоқни сукунат қоплади. Шу дам бир ҳовлидан гуржи кучук чиқди-да, тун сукунатини бузди. Бошқа ҳовлидан отилиб чиққан пахмоқ жуғли ит унга ҳамовоз бўлиб «Мен дунё ҳокимиман! Мен, мен!» дея томоқ йиртиб ҳура кетди. Буларга яна сариқ, қора, ола-була ва бир қанча итлар қўшилиб «биз, дунё ҳокими! Биз, биз!» дея вовуллай қишлоқнинг у бошидан бу бошига югура берди.

Шу топда... чақалоқнинг уйқуси бузилиб, йиғлади. Китоб ўқиб ўтирган қиз дераза раҳида ётган тошчани олиб кўчага иргитди. Айрим уйқусеварлар итларнинг бу «қутириши»дан норози бўлишса-да, бошларини кўрпага қаттиқроқ буркашди...

«Биз, дунёнинг эгаси. Биз, биз!» дея роса томоқ йиртган итлар кўпиришди, хириллашди, бўғилишди. Алҳол ҳолдан тоя бошлашди...

Порлоқ тонг забтига қора қозон тоб беролмай аста эрий кетди. Келинчак марварид ва балдоғини эринмай териб олди. Сўнг мангайдаги тер томчиларини сидирди. Биллур томчилар ўт-ўланларга инди. Хўроз қичқирди, бедана сайради. Қушлар чугурлай бошлади. Ором олиб уйғонган одамлар, машиналар ҳаракатга тушди... Трактор триллади... Қишлоқда жўшқин, янги ҳаёт саҳифаси бошланди.

Итлар ҳориб бирин-кетин ин-инига тарқади...

Ҳабибулло АБДУЛЛАЕВ

Д. Мурсалимов расми





Этиборингизга ҳавола этилаётган хатларда биринчи марта ота-онаси бағридан хайрлашиб чиқиб, ҳарбий хизматга отланган йигитнинг ўй-фикрлари ва кечинмалари ўз ифодасини топган. Биз улар билан танишгач, хатлар ҳарбий хизматга тайёргарлик кўраётган йигитлар учун ҳам фойдали бўлса керак, деган хулосага келдик...



Биринчи мактуб

Салом онажон, дадажон. Мана, Сизлар билан хайрлашиб йўлга тушганимга ҳам тўрт кун бўлибди. Мен ушбу мактубни йўлда ёзиб, Сизларга Днепропетровскдан жўнатаётиман.

Мен синфдошларимдан биринчи бўлиб хизматга чақирилганимдан фахрланиб кетяпман. Биз кетаётган йўлнинг танобини тортиб бораётган поездимиз неча километр йўл босди экан... Санаб ҳисобини чиқара олмадим. Шундай бепоён Ватанимни кўриқлаш учун кетаётганимдан кўксим тор каби кўтарилиб кетди.

Бизлар жойлашган бўлмадаги олти боладан бештамиз йўл халтамизни очиб, висотимиздагиларни ўртага қўйдик. Лекин иккинчи қаватдаги Восих исмли йигит пастга — бизнинг олдимизга тушмади. Йўл халтасидаги егуликларни очиб, ёлғиз ўзи овқатлана бошлади. Сиз мени жўнатаётиб, егуликларни жойлаштира экансиз, қайта-қайта «ўғлим, борларингни ўртада баҳам кўринглар, «бир майизни қирқ киши бўлиб еган» деган нақл бор. Ҳеч вақт ўртоқларингдан ажралиб ўтирма», — деб таъкидлаганингизда «намунча, мени эмас, бошқаларни ўйлаверадилар», деб ранжиган ҳам эдим. Энди тушундим, гапларингизнинг маъносини. Восих болалар наздидан қолди. Бир бўлак қазичи-қартани ўзим ейман деб худбинлигини кўрсатди. Болалар унга эътибор бермай қўйишди. Биз қизиқ-қизиқ воқеаларни эслашиб, аскиялар, латифалар айтиб, кетаяпмиз-у, у эса шумшайиб бизга қўшила олмайди, йўл халтасидан ажрала олмайди... Ҳозирча хатимни тугатаман. Эндиги мактубни қисимдан ёзаман.

Сизларни қучиб, Хуршид.
21.11.86.



Иккинчи мактуб

...Биз Украинанинг Черновци шаҳрига етиб келиб ҳарбий хизматни ҳам бошлаб юбордик. Бағзи болалар эргалабки зарядкада югуришга ҳам чидамайди: ҳарсиллаб қолади, ранги оқариб кетиб йиқилиб тушади. Чунки спорт билан шугулланган болаларни ҳисобга олмаганда кўпчилик болалар жуда мўрт. Сабаб?

Қишлоқ болалари шундай дейишади: «Бизнинг жисмоний тарбия дарсларимиз баҳор ва куз ойларида далада ўтган. Қишда эса... кўп мактабларда ҳатто спорт зали ҳам йўқ. Уқувчиларни дарс пайтларида дала ишларига жалб этмаслик ҳақида кўрсатмалар берилган тақдирда ҳам, кўпинча ашула, тасвирий санъат, жисмоний тарбия дарсларидан раҳбарларнинг илтимоси билан улар йигим-теримга олиб чиқилади».

Онажон: Мана, солдатлик ҳаётига ҳам ўрганиб бормоқдаман. Менга-ку унчалик қийин бўлмади-куя, фақат тонг соат олгида туриш унчалик хуш ёқмайди (ҳазил). Чунки тонгда ширин-ширин тушлар кўриб, тушимда сизлар билан энди мириқиб гаплашаман деганда, «подъем!» бўлади. Аста-секин бунга ҳам кўниксам керак.

Сизларни ўпиб, солдат ўғилларинг:

Хуршид.
20.12.86.



Учинчи мактуб

Салом, онажон, дадажон. Бу кун мени табриклашларинг мумкин: 21 декабрда қасамд қабул қилдик. Бугундан бошлаб ҳақиқий солдат — Ватаним ҳимоячисиман! Шу кун мени кечаси штабда навбатчиликда турдим. Онажон, ўғлингизни бир кўрсангиз эди... Устимда парадний форма, ёнимда жанговар қуруллар. Командирлар, штаб бошлиқлари буйруғини сўзсиз ижро этапман.

Тун... Соат мили 2, 3, 4... Сизлар тинч, осойишта ухляпсизлар. Бу тинч, осойишта уйқуда менинг ҳам жиндаккина бўлсин, ҳиссам бор.

Онажон, хатингизда синфдош дўстим Журъатни ота-онаси шаҳарнинг ўзидаги қисмда хизмат қилишга қолдиришга муваффақ бўлганини ёзибсиз. Журъат жасур, спортчи, ўз сўзининг устидан чиқадиган йигитлардан эди. Бундан чиқди у ота-онасининг райидан чиқа олмабди-да.

23.12.86.



Тўртинчи мактуб

Салом онажон! Мана, хизматимни ўтаётганимга ҳам анча бўлиб қолди. Илгарилари Сизларни икки кун кўрсамасмиз чидолмасдим. Энди чидапман! Эсингиздами, қизамиқ чиққанида чимчилаяпти, чидолмайман деб йиғлаган эдим. Сиз айтдингиз:

— Катта бўлганингда қандай солдат бўласан, солдат чидаши керак!

Чидадим, қизамиқни енгдим шекилли. Қоронғилардан жуда кўрқар эдим. Бир кун ухлаш олдидан инжиқлик қилдим: кўрқаман, чирокни ўчирманг.

Сиз танбех бердингиз: — Қоронғидан кўрқсанг, қандай солдат бўласан, постда қандай турасан, ўргат ўзингни!

Мен ўзимни қоронғилардан кўрқмасликка ўргатдим.

6-синфда эдим. Хоккей ўйнаётганимизда ўзимдан 2—3 ёшлар катта бир бола човгон билан қарсиллатиб солди. Музга йиқилиб тушдим. Унг елкамнинг суяги синди. Аввалига опам билан келишиб, пинхона даволамоқчи бўлдик. Опам бинт билан қаттиқ боғлаб қўйди. Лекин оғриқ зўрайди. Кечаси иситмам кўтарилди, ўнг қўлим шишиб кетди. Сиз билиб қолиб сўроққа тутдингиз:

— Нима бўлди, фақат тўғриси айтгин!

Мен индамадим, тишимни-тишимга қўйиб чидадим. Ниҳоят, опам чидамади, ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берди. Сизнинг жаҳлингиз чиқди, дадам докторга етакладилар:

— Нега айтмадинг, шу даражага етгунча чидаб юравердингми? — дедилар йўлда кетар эканмиз. Мен йиғламсираб жавоб бердим:

— Мен солдат бўламан-ку, солдат ҳамма нарсига чидаши керак.

Онажон, одадга оналар болаларини аяйман деб, уларни ҳаётга чидамасиз, қийинчиликларга дуч келганда бардоши етишмайдиган қилиб тарбиялаётганини билмасалар керак. Сиз эса бизни аяб ўтирмас эдингиз. Ҳатто уй ишларини ҳам акам, опам ва менга бўлиб берган эдингиз. Овқат ҳам пиширардик, уй йиғиштирардик. Ҳовли супуриб, пол ва кир ювишни, дажмол босишни ҳам талаб этардингиз. Акам ювган кирларнинг чақмоқдек очилганини мақтаб опам иккаламизга кўз-кўз қилардингиз. Ҳатто нина-ип билан муомала қилишни ўргатдингиз.

Онажон, буларнинг барчаси менга ҳарбий ҳаётимда жуда қўл келди. Бирорга юмуш йўқки, мен бажара олмасам. Ишонасизми, ҳатто тугма қадай олмайдиган, оқ ёқа тика олмайдиган болалар ҳам бор. Пол ювишни-ку, қўйяверинг.

Сизни соғинган Хуршид.
27.12.86.



Бешинчи мактуб

Онажон, дадажон! Сизлар Янги йилни кутиб, телевизордан Янги йил базмини томоша қилиб, бир-бирингизни қутлаётганда мен қўлимда қурул, жанговар постда эдим.

Онажон, сиз хатингизда оёқ-қўлингизни совуқ олдириб қўйма, эҳтиёт бўлгин, дебсиз. Тўғри, бу ерлар жуда совуқ. Аммо бизга иссиқ ички кийимларгача берилган. Постда оёғимизга пийма кийиб тураемиз. Командиримиз, страшинамиз жуда ғам-хўр кишилар. Сиз ҳеч ҳам хавотир олманг.

Ҳаммаларингни Янги йил билан қутлаб: Хуршид.
2.01.87.



Олтинчи мактуб

Салом меҳрибон онажон, кадрли дадажон! Ҳарбий хизматга ҳам ўрганиб кетдим. Айниқса рус тилини билишим жуда қўл келди. Мен ҳали богчага қатнаб юрган йилларимдаёқ опам рус тили

дарслигидан Пушкиннинг «Бородино» шеърини ёд олаётганда мен ҳам бу шеърнинг ҳаммасини ёдлаб олган эдим. Шу бўлди-ю, рус тилига, рус адабиётига, айниқса, шеърятига қизиқиб қолгандим.

Афсуски, бирга хизмат қилаётган болаларнинг баъзилари ҳатто рус тилида бериладиган командаларни ҳам тушунмайди.

Ахир мактабда иккинчи синфдан бошлаб рус тили ўқитилади-ку. Нима учун кўпчилик болалар аттестатида яхши баҳолар бўла туриб рус тилида сўзлаша олмайдилар ҳам. Бунга ким айбдор? Биз ўқувчиларми?

Ҳозир армияда муваффақиятли хизмат қилиш учун рус тили билан бир қаторда физикани ҳам, математика ва чизмачиликни ҳам, география ва тарихни ҳам, боринги, барча фанлардан билимга эга бўлиш талаб этилади. Бироқ орамизда ҳатто оналарига тузукроқ хат ҳам ёза олмайдиганлар ҳам бор. Ахир бизнинг хатимиз ҳам бир ишшо эмасми?

Сизларни қучиб, ўғлингиз Хуршид.
4.02.87.



Еттинчи мактуб

...Дадажон, кеча биз чангида учдик. Ун километр масофани чангида босиб ўтдик. Эсингиздами, Тошкентда Чимёнга борганимиз. Чангида уча олмай роса кулданларимиз. Бу ерда ҳам дастлаб ўргана олишим қийин бўлди, кейин эса бирданига ўрганиб кетдим. Мана, ўн километр масофани ҳам ҳеч қийналмай босиб ўтдик.

...Эсингиздами, бизни кузатаётганда ротамиздан бир болага эътибор бергандингиз. Хизматга жўнаётган ҳар бир йигитни ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ўраб олган. У бола эса ёлғиз турибди. Сиз у йигитни суҳбатга тортиб тўпимизга қўшиб олдингиз. Уша йигит билан бир ротадамиз. Исми Комил. Техникумда ўқир экан. Хизматга чақирилиб, тўппа-тўғри пахта даласидан келаверибди. Дадаси улар билан яшамас экан. Онасининг узоқ йўлдан келиб қийналишини истамабди. Шунинг учун ёлғиз экан. Сиз уни гапга тортиб яхши қилган экансиз. Биз дўстлашиб олдик. Яхши, мард бола экан. Лекин унинг кўзлари доимо ғамга босибди. Узи кулади-ю, қалбда мунг бор...

Мен ўзимни Комилнинг ўрнига қўйиб кўрган эдим, тиграб кетдим. Йўқ, дадажон, бирорга ҳам бола отасиз, онасиз яшамасин экан!



Салом билан солдат ўғлингиз Хуршид.
18.03.87.

Саккизинчи мактуб

Салом, онажон, дадажон! Мактубларингизни олдим. Уқиб, уйимизда сизлар билан суҳбатлашиб ўтиргандай бўлдим.

Менинг бу сафар хатим кечикиб қолгани учун кечиринглар, дала машқлари, имтиҳонлар билан бўлиб кечикиб ёзаяпман.

Мана, ниҳоят ҳамма имтиҳонлардан муваффақиятли ўтдим. Олтита имтиҳоннинг барчасини яхши ва аъло баҳолага топширдим.

Бизнинг взводимиз намунали взвод. Ҳаммамиз дастлабки ойлардан бошлаб шу номни олишга ва доимо сақлаб қолишга курашдик ва муваффақ бўлдик. Яқинда бизнинг взводимиз фаолиятини, иш тажрибасини украин телевидениясидан келиб ҳужжатли фильм яратиш учун суратга олишди. Мен ҳам ўз жанговар машинамда суратга тушдим. Фақат афсуски, бу фильм Украина телевидениясидан намойиш этилади, сизлар кўра олмайсизлар. Майли, энг муҳими, ўз олдимизга қўйилган вазифани муваффақиятли адо этиб, синовлардан ўтдик.

Хатларни окка кўчирувчи:
Санобар НИШОНОВА.

РУС ТИЛИ САБОҚЛАРИ

Профессор Алибек РУСТАМОВ тахрири
остида

Қадри журналхонлар, рус тилининг макеи, улуглиги ҳаммангизга маълум. У улуг рус халқининг миллий тили ва совет халқлари учун иккинчи она тили бўлибгина қолмасдан, жаҳон миқёсида халқаро алоқа воситаси ҳамдир.

Республикамизда рус тилини ўрганишга қизиқиш бениҳоя катта. Шуни ҳисобга олиб редакция журнал саҳифаларида рус тилини ўрганиш бўйича қатор материаллар беришга қарор қилди. Улар Республика рус тили ва адабиёти институти умумий тилшунослик кафедрасининг мудири, профессор Алибек Рустамов раҳбарлигида тайёрланди.

Бугун...

Биринчи сабоқ

Сўзлашув жараёни сўзловчи ва тингловчиси ўз ичига олади ва гап мазмуни шу икки кишига ёки ўзгага тегишли бўлади. Шунинг учун биринчи сабоқни мана шу доирадаги сўз ва гапларга бағишлаймиз. Сўзловчи ўзини «мен» деб атайдди. Русчада бу «я» дейилади. Бу сўз ҳарф билан ёзилса ҳам, икки товушдан иборат. Биринчи «й», иккинчиси, «а» товуши. «Й» товуши русчада ўзбекча «ой» «ёш» (йош) сўзларидагидек айтилади. Ўзбек тилида «й» товуши «и» ва «э» (е) товушлари билан ёнма-ён келганда, масалан, «ел» «йэл», «тийин» деганда, юмшоқроқ айтилади. Аммо рус тилида бундай бўлмайди. Масалан, «еди» деган маънодаги русча «ел» сўзининг талаффузига қулоқ солсангиз, мазкур фарқи англайсиз ва машқ қилсангиз русча «й» нинг талаффузини ўзлаштирайсиз. Русча «я» сўзидаги «а» товуши ҳам «й»га мос равишда ўзбекчадаги шу ҳолатдаги, яъни «й»дан сўнг келадиган «а»га нисбатан қаттиқроқ айтилади.

Тингловчига ўзбекчада «сен» деб мурожаат қилинса, русчада «ты» дейилади. Рус тилида қаттиқ ва юмшоқ «т» товушлари бор. Қаттиги ўзбекчадаги «от» сўзидаги «т»дан ҳам қаттиқроқ, юмшоғи «ит» сўзидагидан ҳам юмшоқроқ. Тилнинг орқа қисми юмшоқ танглайга қанча кўп кўтарилса, товуш шунча қаттиқ бўлади, тилнинг ўрта қисми қаттиқ танглайга қанча кўп кўтарилса, товуш шунча юмшоқ бўлади. «Ты» сўзидаги «т» қаттиқ бўлиб, уни тўғри талаффуз қилиш учун ўзбекчадаги «от» дегандаги «т»ни

талаффуз қилгандагига нисбатан яна ҳам тилнинг ўрта қисмини пастроқ тушириб, орқа қисмини юқориқроқ кўтариш керак. Русчадаги «ы» товуши ўзбекча «йи» дегандаги «и»га яқин. Агар мана шу «и»ни оғиз бўшлигини кенгайтириброк айтилса, русча «ы» ҳосил бўлади.

«Ты» сўзининг асосий маъноси «сен» бўлса ҳам, қўлланиш ўрнига кўра у ўзбекчадаги «сиз»га тўғри келиши ҳам мумкин. Рус тилида катта ёшдаги қариндош-уруғ ва яқин кишиларга нисбатан ҳам «ты» деб мурожаат қилинади ва бу ҳурматсизлик бўлмайди. Рус тилида бундай ҳолда сизсираш ғайритабиий туюлади.

Ўзбекча «у» «бу»нинг зидди сифатида ишлатилмаганда русчада ўрни билан «он», «она» ва «оно» дейилади. Рус тилидаги «н» ҳам худди «т» каби юмшоқ ёки қаттиқ бўлиши мумкин. Юмшоғи ўзбекча «ин» сўзидаги «н»дан ҳам юмшоқроқ, қаттиғи «нон» дегандаги ўзбекча «н» дан ҳам қаттиқроқ. «Он» сўзидаги «о» ва «оно» сўзидаги иккинчи «о» ўзбекча «ўн» сўзидаги «ў» каби айтилади. Аммо «она» даги «о» ва «оно» даги биринчи «о» «а» каби айтилади. «Он», «она» ва «оно» сўзларини қўллашда ё сўзнинг шакли, ё унинг маъноси назарга олинади. Жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланганда сўз шакли назарга олинади. Оти қаттиқ ундош билан тугаган ва ёзувда юмшатиш белгиси бўлмаган сўзлар билдирган нарсаларга нисбатан «он», «а» ва «я» билан тугаган сўзлар билдирган нарсаларга нисбатан «она», «о», «е» ва «мя» билан тугаганларига нисбатан «оно» ишлатилади. Масалан, магазинга кириб бир пичоқни кўриб, нархини билмоқчи бўлсангиз, «Покажите пожалуйста нож? Сколько он стоит?» дейсиз. Бу ўринда «нож» сўзининг охириги товуши қаттиқ ундошлардан бўлгани учун ва ёзувда юмшатиш белгиси бўлмагани учун «она» ёки «оно» ни ишлатмасдан «он» сўзини ишлатасиз. Агар «ложка» (қошиқ) ёки «марля» (дока) бўлса, «она» сўзини қўллайсиз, чунки бу сўзларнинг бири «а», иккинчиси «я» билан тугаган. Агар «ведро» (челак) ёки «полотенце» (сочиқ) бўлса, «оно»ни қўллайсиз, чунки бу сўзларнинг бири «о» ва иккинчиси «е» билан тугаган.

Баъзи ҳолларда мазкур шаклий фарқ сўзнинг бош формасида акс этмайди. Масалан, юмшоқ ундош билан тугаган сўзлар шундай. Бундай ҳолларда, унинг бошқа формаларига ёки лугатга мурожаат қилинади. Мазкур формалар ҳақида кейинчалик гаплашамиз. Аммо лугатдан аниқлаш йўлини ҳозирдан билиб олинг. Агар лугатда сўз «м» мужской род деб белгиланган бўлса, «он»ни, агар «ж» (женский род) деб белгиланган бўлса «она»ни, агар «с» (средний род) бўлса, «оно»ни ишлатасиз. Масалан, лугатларда юмшоқ

РУС ТИЛИ — ИККИНЧИ ОНА ТИЛИМИЗ

«л» (ль) билан тугаган «кабель» ва «мебель» сўзларининг биринчисига «м», иккинчисига «ж» белгиси қўйилган. Шунга асосан кабелга нисбатан «он» сўзини, мебелга нисбатан «она» сўзини қўллайсиз.

Мазкур сўзлар инсонга нисбатан қўлланганда сўз шакли ҳисобга олинмайди ва эрлар ва ўғил болаларга нисбатан «он», хотин-қизларга нисбатан «она» ишлатилади. Инсондан бошқа жондорларга нисбатан қўлланганда эса ҳам сўз шакли, ҳам жониворнинг жинси ҳисобга олинади. Агар уни билдирган сўз эркак ва урғочиси учун умумий бўлса, сўз шаклига қараб, «он» ёки «она» ишлатилади. Масалан, итни «собака» деб аталганда эркагига нисбатан ҳам «она» дейилади. Агар сўзда жинси акс этган бўлса, сўз шаклига қаралмайди ва эркагини «он», урғочисини «она» дейилади.

«Биз» русчада «мы», «сиз» — «вы», «улар» — «они» дейилади. Бу сўзлардаги «м» ва «в» қаттиқ, «о» эса «а» деб айтилади.

Ўзбек тилидаги «мен», «биз», «сен», «сиз», «у», «улар» ва рус тилидаги «я», «мы», «ты», «он», «она», «они» сўзларини тилшунослар русчада «личные местоимения», ўзбекчада «кишилик олмошлари» деб атайдилар. Сўзловчига тегишлиларини «личные местоимения первого лица» — биринчи шахс кишилик олмошлари, тингловчига тегишлиларини «личные местоимения второго лица» (иккинчи шахс кишилик олмошлари) ва ўзгага тегишлиларини «личные местоимения третьего лица» (учинчи шахс кишилик олмошлари) деб атайдилар. Учунчи шахсдаги «он»ни «личное местоимение третьего лица мужского рода» (эркак жинсидаги учунчи шахс кишилик олмоши), «она»ни «личное местоимение третьего лица женского рода» аёл жинсидаги учунчи шахс кишилик олмоши), «оно»ни эса «личное местоимение третьего лица среднего рода (оралиқ жинсидаги учунчи шахс кишилик олмоши) деб атайдилар.

Бу олмошларнинг ҳар бирининг турли кўринишлари ва ишлатиш ўринлари бор. Бу ҳақдаги маълумотни иккинчи сабоқда оласиз.

Сабоқни Саида ЮСУПОВА,
Салима АШРАПОВА тайёрладилар.

«О» ва «е» билан тугаган сўзлар орасида «он» ишлатишни талаб қиладиган нарсалар ҳам бор. Масалан, «кофе» ва «домашко» шундай.

Донолар айтадики...

Китоб гоят қудратли кучдир.

В. И. Ленин.

Китоб бахт ва қудратли истиқбол йўлида одамзод яратган, эҳтимол энг мураккаб ва мўъжизалар ичидаги энг буюк мўъжизадир.

М. Горький.

Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидо-сидир.

С. Цвейг.

Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

Э. Лабуле.

Китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтаради ва кучига-куч қўшади, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотади, ақлни чархлайди ва юракни юмшатади.

У. Теккерей.

Китоблар қаршисида жамики нарса-лар нурсиз бўлиб қолади.

А. П. Чехов.

Кимки аждодлар яратган бойликларни билмаса, демак у нафосатдан ба-бахра яшаган.

Гегель

Китоб энг олис ва зимистон умр йўлларида инсонга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чироқдир.

А. Упит.

Китоблар замон тўлқинларида су-зувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодларга элтувчи тафаккур кемала-ридир.

Ф. Бэкон.



— Туринглар! Суд келяпти! — Барча суд процессларида бўланидек бу ҳам шу сўзлар билан бошланди. Ҳамма, шу жумладан қора курсида ўтирган тўрт ёш йигит оёққа қалқди...

Бу — уларнинг суд ҳайъатига иккинчи марта рўпара бўлиши, аммо ўзларига тақашаётган оғир жиноятни — безорилик орқасида ўта ваҳшийлик билан қасддан одам ўлдирган деган даҳшатли айбномани кўп, жуда кўп марта эшитишди.

Биринчи суд мажлиси Қорақалпоғистон АССР Олий Суди аъзоси Аскарбой Оразбоев раислигида ўтказилган, унга бир йилдан ошди. Тўққиз кун давом этган суд бир хулосага келолмай, ишни қайта терговга юборди. Мана яна суд...

— Бизнинг тақдиримиз нима бўлади? Ҳақиқат қиласизларми ёки тергов изоляторида саргайиб ётаверамизми? Азоб-уқубатларнинг охири борми, ахир? — деган маънони уқиш мумкин эди уларнинг жовдираган нигоҳидан.

Игитларнинг қотилликда айбланиб ҳибсага олинганига икки йилу беш ой бўлди. Бироқ, ишнинг тугаши ҳамон қоронғи. Тергов изоляторида узоқ ётиш, энг ёмони, тақдирлари қандай ҳал бўлишини билмаслик уларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан адо қилаётган эди.

Қўнғирот район халқ судининг биносида айбнома ўқилди...

Айбнома

«...граждани Р. Зиянбетовни безорилик орқасида ўта ваҳшийлик билан қасддан ўлдирганлиги ва Шиёпов Дамирнинг ўн олти ёшга етмаган Ноила Замирова (исми, фамилияси ўзгартирилган — ред) билан жинсий алоқа қилганликда айбланиб судга берилган.



1984 йил, 30 декабрда судланувчи Хегай Олег, Али Сохипов, Артур Оқболаев ва Дамир Шиёповлар темир йўл вокзали ёнидаги ошхонада ўтган Қувонш Аимбетовнинг тўйида спиртли ичимлик ичган, тўртталаси маст ҳолда ёзилиб келиш учун чиқишди. Кўчада улар беадабсизлик қилишган эди, бир нотаниш йўловчи уларни тартибга чақирди.

Бу жиноят содир этиш учун асос бўлди: судланувчи Олег Хегай нотаниш йўловчини сўқди, Шиёпов билан Оқболаев унга қўшилишди ва нотаниш йўловчини, яъни Зиянбетовни — фамилияси кейин аниқланди — бир-икки мушт туширишди.

Зиянбетов контейнер майдончаси ёқалаб локомотив депоси томонга қочди. Тўртталаси орқасидан қувиб етди ва уни калтаклай бошлади. Зиянбетов йиқилиб қолгандан кейин ҳам шафқатсизлик қилиб қаттиқ уришди, ҳаёти учун хавфли шикаст етказишди.

Зиянбетов ўлгандан кейин Хегай билан Оқболаев уни судраб кўлмак сувга олиб бориб ташлашди, мурда 1985 йил 1 январда айнан шу ердан топилди.

Суд-медицина экспертизасининг ҳулосасига кўра Зиянбетов бош чаногининг ичдан шикастланиши ва қовурғаларини синиши туфайли вафот этган. Баданнинг ҳамма ерида зарбаларнинг изи қолган.

Қотилликдан сўнг йигитлар тўйга қайтиб киришди. Бу ерда Дамир Шиёпов Ноила Замировага дуч келади ва уни локомотив депосига олиб бориб у билан жинсий алоқа қилади.

Улар шу билангина кифояланиб қолишмади. Шиёпов яна бир марта — бу гал Оқболаев иккаласи — Замирова билан ёнилғи цехида жинсий алоқада бўлади.

Судланувчилар милиция ходимлари терговни таъқиқланган метод билан олиб борганликлари учун иқроор бўлганликларини айтишиб айбларини тан олишмаяпти...»

ҚҚАССР Олий Судининг аъзоси Айдабек Беимбетов раислигида суд ишни кўришга киришди.

Суд

Процесс қийинчилик билан олдинга силжирди. Нега? Гап шундаки, айбнома ягона, бунинг устига балоғат ёшига етмаган гувоҳ — Ноила Замированинг қарама-қарши ва мантиқсиз гувоҳлигига ва судланувчиларнинг дастлабки тергов пайтида берган

зиддиятли кўрсатмалари асосида тайёрланган эди.

Судда сўроқ берган Ноила Замирова тўйда қатнашганлигини, лекин ширакайф бўлгани учун уни ҳайдаб юборишганини, ҳеч қанақа муштлашувни, шунингдек, жабрланган Зиянбетовни ҳам кўрмаганлигини айтди.

Бироқ олдинроқ гувоҳ сифатида берган маълумотларида, гарчи улар бир-бирини инкор қилса-да муштлашаётганларни кўрганлигини айтган, биринчи суд процессида ҳам шунини тасдиқлаган эди. Нимага у энди олдинги гапларини тамомила инкор қилди?

Гувоҳ

Гувоҳ Ноила Замированинг тарихини қўнғиротликлар ҳамда шахсан ўзи айтиб берган гаплардан билиб олдим. Бу тарих нопоклик билан дурустгина булганган, лекин шунга қарамай у ҳақда индамай ўтиб бўлмайди.

У ёмон оилада туғилиб ўсди. Ун бир ёшлигида Ноилани ўғай отаси зўрлаб ному-сига тегди. (Бу жинояти учун у қамалган, ҳозир ҳам қамоқда). Онаси бўлса ичкиликка муккасидан кетган. У ичкиликка пул топиш учун ҳатто ўзиниям бозорга соларди.

Қўнғирот район ички ишлар бўлими ходимлари бу оиладаги аҳволни беш кўлдай яхши билар эдилар, бироқ тартибсизликларга чек қўйишни ҳаёлларига ҳам келтиришмади. Ўша пайтда бўлган, Ноиланинг ўзи яқинда гапириб берган эпизодни эшитиб даҳшатдан ёқангни ушлаб қоласан, киши.

— Кечқурунлари, — деб ҳикоя қилди у, — онам иккаламизни тез-тез милиция бўлимига олиб келишарди, сўнг иккаламизни иккита хонага олиб кетишарди.

Кейин нима қилганлигини пайқаб олиш қийин эмас... Табиийки, у юқорида айтилгандан кўра дангалроқ, тўлароқ гапирган. Лекин ҳаммасини батафсил, очиқ-ойдин айтишга мен журъат қилмадим. Зеро, уларни ёзганда оқ қоғоз ҳам қизариб кетса керак-ов.

1984 йил августда Ноиланинг онаси вафот этди. Спиртли ичимликка ружу қўйган ва бузуқ ҳаёт кечирishга ўрганиб қолган Ноила кўчада қолди. Енида бир тийин пули йўқ қиз энди рўпара келган жойда тунаб қолар, ким нима берса шу билан қорин тўйгазарди, мактабда ўқимас, ёши етмагани учун ҳеч қаерда ишламасди.

Олти ой шу тарзда кун кечирди, аммо унинг тақдирини билан ҳеч ким қизиқмади. Зиянбетовнинг мурдаси топилгандан кейингина милиция Ноилани эслаб қолди.

— 7 январь эди. Мен СУ—2 посёлкасидаги дугонаникида эдим, — дейди Н. Замирова. — Жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи Марат Дўсжонов келиб бўлимга олиб кетди. У ўз кабинетида, «30 декабрда Аимбетовнинг тўйидамидинг», деб сўради. Бу тўй эсимдан паққос чиқиб кетгани учун йўқ дедим. Узоқ сўроқ қилди. Кейин мени навбатчи хонасида қолдириб ўзи қаёққадир кетди. Бир қанча вақтдан сўнг Дўсжонов қайтиб келди. У ёлғиз эмас, нукуслик милиционерлар ҳам бор эди. (ҚҚАССР Ички ишлар министрлиги жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи Парохат Кенжабоев ва шу бўлим инспектори Махмуд Матниёзовлар жиноятни очишда ёрдамлашш учун Қўнғиротга келган эдилар).

Дўсжонов уларнинг олдида яна ўша саволни такрорлади, мен жавоб беришдан бош тортдим. Шунда у нукусликлардан ташқарига чиқиб туришни сўради ва сўроқ қилишни давом эттирди. Бир неча минут тинчгина сўроқ қилди, кейин бақирishга тушди, юзимга икки марта урди...

Замирова тўйда бўлганлигини тан олади. Сўнг, тўйда кимларни кўрдинг, деб сўраган-

АЙБСИЗ

да нима дейишни билмай боши қотди. Тўйда одам кўп эди. Ҳаммасини эслаб қолиш қийин, бунинг устига кўпларини мутлақо танимасди.

Айни шу дақиқада кабинетга Парохат Кенжабоев билан Маҳмуд Матниёзов киришди.

— Хўш, нималар деяпти? — сўради Кенжабоев.

— Ҳеч нарса демаяпти.

Кенжабоев энди Замировага мурожаат қилди.

— Нимага саволларга жавоб бермаяпсан?

— Менинг қорним оч, шунга...

— У ичадими, — Матниёзов Дўсжоновдан сўради.

— Ичади. Шундай ичадики...

Ноилага таом келтиришди, бироқ унинг қайсарлиги тутиб овқатланишдан бош тортиди. Шунда Кенжабоев билан Матниёзов Дўсжоновга, «Ресторанга чиқиб кел», деди. Кўп вақт ўтмай у закуска ва икки шиша вино олиб келди. Уни роса ичиришиб сўроқни давом эттиришди. Кейин уришди. Ноиланинг айтишича, Марат Дўсжонов шунингдек, жиноят қидирув бўлимининг инспектори Боймирза Жоломонов билан Қўнғирот район ички ишлар бўлими бошлигининг оператив ишлар бўйича ўринбосари Жума Елмуротовлар ҳам уни калтаклашган.

Жоломонов билан Елмуротов қаёқдан пайдо бўлиб қолганлигини Замирова эслаб олмади. Эслаш осонмас, албатта. Орадан уч йилга яқин вақт ўтди, қолаверса, уни ичириб маст қилиб қўйишганди.

Калтаклаш ўз самарасини берди. Тўйда кимларни кўргансан, деб сўрашганда Замирова Оқболаев, Шиёпов ва яна бошқа кишиларнинг номини айтди. Аммо Сохипов билан Хегайни ҳатто тилгаям олмади, уларни танимасди-да.

Эртасига Оқболаев ва Шиёповни, орадан кўп ўтмай Хегай билан Сохиповни ҳам бўлинмага олиб келишди.

Ҳақиқий «тергов» мана шундан сўнг бошланди. Сўроқни милиция ходимлари фақат кечқурунлари, ичиб, ширакайф бўлишгандан сўнг бошлардилар. Бир кун Дўсжонов сўроқ пайтида Олег Хегайнинг бурний пачоқ қилди, полга оққан қонни эса Замировага артишни буюрди. Охир-оқибат ҳуқуқ-тартибот посбонларининг кўнгли жойига тушди. Тергов қилинаётганлар ҳам, гувоҳ ҳам қидирув ходимлари истаган ҳужжатга имзо чекиб бердилар.

Шундан сўнг Замировага, судда сўзингдан қайтсанг ҳолингга маймулар йиғлайди, деб дўқ-пўписа қилишди.

Замированинг айтишига қараганда ички ишлар бўлимида уни ҳеч қаёққа чиқармай жуда узоқ муддат ушлаб туришган. Судга уч ойча қолганда уни Нукусга, болалар қабулхонасига жўнатишди. Лекин Ички ишлар миенистрлигининг ходимлари бу ерга ҳам доим келишар, судда милицияда ўргатганларидек гапирасан деб эслатишар, агар бошқача гапирсанг ёмон бўлади деб дўқ қилишарди. Бахтга қарши, уларнинг исм-фамилияларини на Замирова, на ҚҚАССР прокуратурасининг прокурори М. Арзимбетов билади.

1986 йил апрель ойида бўлган биринчи суд процесси чоғида ҳам Замировага кўз-қулоқ бўлиб туришди. У судда бор гапни очик айта бошлаганда унинг ёнида ўтирган «ҳомий» оёқларига тепиб, нималар ҳақида гапириши лозимлигини эслатарди.

Суд тамом бўлган заҳоти Ноилани қизлар билим юртига жўнатишди.

1987 йил 6 майда Қўқонда у турмушга чиқди. 7 майда эса иккинчи суд процессига олиб кетиш учун Қўнғиротдан милиционер келди. Иккинчи судда у ўзининг олдин берган маълумотларидан воз кечди.

— Суд тамом бўлгач, — деди Н. Замирова, — Қўнғирот район ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимининг янги бошлиғи Бекжонов менга: «Сўзингдан қайтганинг учун сени сираям тинч қўймайман», деб дўқ қилди.

Калаванинг учи топиладими?

Суд ниҳоятда чигаллашиб кетган, калаванинг учини топиши керак эди. Тўрт ёш йигитнинг ҳаёти мана шу калаванинг учи топилишига боғлиқ эди. Суд состави — процессга раислик қилувчи А. Баимбетов ва маслаҳатчилар: Д. Жапақов ва Қ. Бойжоновлар ишни бошдан-оёқ бошқатдан кўриб чиқишди ва кўрилатган иш бўйича ўтказилган дастлабки тергов бир тарафлама ва чала-ярим ўтказилган деб топди. Жумладан судланувчиларнинг ўзини оқлаш учун келтирган далил-исботлари текширилмаган. Ички ишлар ва прокуратура органларининг ходимлари фактлар тўплашда қонунни бузишган, йигитларни асоссиз қамоққа олган. Замирова ва судланувчиларнинг айрим маълумотлари аҳамиятсизлиги, шунингдек Н. Замированинг шахси эътиборга олинмаган.

Тўйда қатнашган кишиларнинг барчаси — меҳмонлар орасида олтига милиция ходимлари ҳам бор эди — тўй куни ҳеч қанақа муштлашиш бўлмаган дейишса ҳам тергов органлари нима учундир битта балоғат ёшига етмаган, маст Н. Замировагагина ишонишган. Мантиққа хилоф равишда фақат унинг айтганларини тўғри деб эътироф қилишган. Судланувчиларнинг тергов бошларида айтган сўзлари билан Замирова айтган сўзлар бир-бирига зид чиқаётганлигига парво қилишмаган.

Д. Шиёпов 8 январда қўлга олинган, 10 январда эса қон томирини кесиб жонига қасд қилган. У милиция ходимларининг қийноқларига чидай олмагани учун шундай қилганини айтиб ўтган. Ҳужжатларда қайд этилган бу воқеа Дамир Шиёповнинг дастлабки тергов камерасида ўтирган пайтида содир бўлганлигини исботлайди. Лекин унинг қўлга олинганлиги ҳақидаги протокол фақат 15 январда расмийлаштирилган.

Маълумотларни текширишда воқеа содир бўлган жойни текширишда қўпол хатоларга йўл қўйилган. Сўроқ протоколларининг бир қанчасига нотўғри саналар қўйилган ва улар бошқа сиёҳ билан ёзилган. Шубҳаланувчи К. Икматов 18 январь куни соат 15 дан 16 гача сўроқ қилинган дейилган. Ваҳоланки, шу куни ва айни шу вақтда худди ўша терговчи воқеа содир бўлган жойга борганлиги делода кўрсатилган.

Буларнинг ҳаммаси айбномани тайёрлаган прокуратура ходимлари воқеа содир бўлган жойга ўзлари бормаганлигини, Замирова, судланувчилар ва бошқаларнинг гапларига танқидий баҳо беришмаганлигини кўрсатиб турибди. Натижада кишининг ғазабини қўзғатадиган даражада сансалорликка йўл қўйилган.

Тергов

Қўнғирот район ички ишлар бўлими ҳамда прокуратура ходимларининг тергов методлари қандай эканлигини, фақатгина гувоҳ Замирова ва судланувчиларнинг гапларидан билиш мумкин. Тергов органлари ходимларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига шохид бўлган бошқа ҳеч қанақа гувоҳлар йўқ, бўлмайдим. Чунки улар тергов пайтлари «ортиқча» одамларни чиқариб юборишиб, фақат гувоҳларсиз ишлайдилар.

Замированинг тергов методлари ҳақидаги сўзларини юқорида келтирдик. Қани кўрайликчи, судланувчилар нима деркин?

Олег Хегай СССР Бош прокурори, Ўзбекистон ССР прокурори ҳамда Қорақалпоғистон АССР Олий Суди раисига шундай ёзади:

«Тергов тунда жисмоний куч ишлатиб олиб борилди. Қўлимга кишан солишиб уришди. Улар «Е саломатлигингни сақлаб қолиб айбинга тўла иқрор бўласан, ё биз сени... бирини танлаб ол», дейишарди. Мени ҳали соғлигим ўзимга керак.

Калтаклашда Боймирза Жоломоновдан ўтадиган йўқ экан. Район ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи Марат Дўсжонов ҳам ундан қолишмайди. У менга ашаддий жиноятчини эслатади, қачон қарасанг оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Суд тамом бўлгандан кейин бизни юзлаштиришганда у: «Мен коммунистман, менинг бундай қилишим мумкин эмас» деб айтди. Ҳолбуки, у терговда бунинг аксини қилган эди.

Мени Замирова билан юзлаштирилганларидан кейин темир йўл ва «воқеа бўлган жойнинг» хомаки планини, Зиянбетовнинг мурдаси топилган жойни кўрсатишар, «Шу ерда бўлганмидинг?» деб сўрашарди. Агар йўқ десам яна уришарди. Уларнинг бундай методлари мени ва менинг ўртоқларимни жинотни бўйнимизга олишга мажбур қилди».

Мана бу коллектив хат суддан кейин, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон АССР Олий Суди раисига номига ёзилган.

«Сўроқ қилиш пайтида мени, Шиёповни қаттиқ уришди, қотилликни бўйнимга олишга мажбур қилишди. Иложсиз қолганим учун қон томиримни кесдим...»

«Жоломонов билан Айтжонов мени, Сохипов Алини ўта шафқатсизлик билан дўпполашди. Айтжонов менга противогаз кийдириб, ҳаво йўлини беркитиб қўярди. Мен ҳушимдан кетганимдан сўнг противогазни олишиб устимдан қулишарди. Бировни қийнаб роҳатланадиган одамлар экан булар».

«Мени, Оқболаев Артурни Жоломонов ҳамда Айтжонов ширакайф бўлишиб раҳмсизларча уришди. Улар процессга чақирилганда биз ҳаммасини гапириб бердик. Қаерда, қачон, қайси кабинетда қандай ҳолатда калтаклаганликларини юзларига рўй-роҳ айтдик».

«Мени, Шиёпов Дамир билан Хегай Олени Нукусга, МВДга, жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи Парохат Кенжабоевнинг кабинетида олиб боришди, қўрқитди».

Бу сатрларни ўқир экансан, бизнинг давримизда, бизнинг жамиятимизда шунақа ишлар ҳам бўларкан-да, деган фикр ларзага солади кишини. Ишонгинг келмайди. Давлатимиз одамларни муҳофаза қилиш учун милиция ва прокуратура органларига катта ҳақ-ҳуқуқ берган. Улар хатога йўл қўймасликлари лозим. Тергов масалаларида зўравонликка таяниб эмас, фактлардан фойдаланиш керак. Айбдорлигини кучга эмас, фактларга таяниб исботлаш зарур. Суд процессида йигитларнинг тергов пайтида дастлаб бирон бир жанжал чиққанлигини инкор қилишгани, орадан бир оз вақт ўтгач, аввалига муштлашганликлари, кейин эса одам ўлдиришганини тан олишгани маълум бўлди.

Агар терговда жисмоний куч ишлатилганлигини инкор қиладиган бўлсак буларнинг ҳаммаси ғалати кўринади. Нимага? Нимага деганда делода органлар томонидан топилган айбини бўйнига олишга мажбур қиладиган бирон бир асосли далил-исбот йўқ.

АЙБДОРЛАР

(ёки Қўнғирот районида
тергов органлари ходимлари
тўрт ёш йигитни
қотилликда айлагани ҳақида)

Ягона гувоҳ бўлмиш Замирова — энди уни сохта гувоҳ деб айтса бўлаверади — ўта маст бўлганлиги учун аниқ гувоҳлик беришга қодир эмас. Дарвоқе, у маст бўлиб қолганда Олег Хегай унга, «Тўйдан кет», деб айтганлигини эслаб олмайди. Ўзини тўйдан чиқариб юборишганини эслашини, аммо ким кетказиб юборгани ёдида йўқлигини терговда берган маълумотларида тилга олган. Тўйда кимлар бор эди, деб савол беришганида ўзи илгари танимайдиган Хегай билан Сохиповни эмас, Шиёпов билан Оқболаевни айтади.

Милиция ходими Ержонов тўй куни темир йўл вокзали атрофида навбатчилик қилган. Ошхонага бир неча марта кирган ва тахминан соат 24 да ўзининг машинасида куёв билан келини уйига элиб қўйган. У ва ўша куни у билан биргалликда навбатчилик қилган милиция ходими Бердамбетов тўйда ҳеч қанақа муштлашув, ҳеч қанақа тўполон бўлгани йўқ дейишди. Уларнинг гапларини милициянинг линия бўлинмаси навбатчиси Калиев, қоровул Абутов ва бошқалар тасдиқлашди.

Энди Зиянбетов ҳақида.

Хўш, у қанақа одам эди? Биз у ҳақда тўлиқ маълумот тўплаш олмадик. Орадан жуда кўп вақт ўтиб, уни яхши биладиган кишининг кўпи ҳар тарафга тарқаб кетган. У яшаган баракдан — у ер ҳар хил шубҳали шахслар, арокхўрлар макони эди — бошқалар аллақачон кўчириб юборилган. Зиянбетовни сал-пал билган Қўнғиротликларнинг гапларига қараганда Зиянбетов ҳеч қаерда ишламаган, унинг бутун фаолияти ичкилик ахтаришдан иборат бўлган. Суддан кейин аниқланишича, у илгари судланган экан. Қариндошлари у ичиб олгандан кейин жанжалкаш бўлиб қолишини айтишди.

Суд-медицина экспертизаси унинг қонида 4,7 процент алкоголь промили борлигини аниқлади. У ўлим олдида қаттиқ маст бўлган. Инсон организмиде 5 промил алкоголь ўлимга олиб келишини ҳисобга оладиган бўлсак, Зиянбетов ҳаётининг сўнгги дақиқасида қандай ҳолатда эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Биз бу ҳолатда унинг тирракдек қотиб ётишига ёки нари борса эмаклар юришига ишонамиз. Аммо шу аҳволга тушиб қолган киши, айбномада айтилганидек, бошқаларни тартибга чақира олишига ишонмаймиз. Бундай кишининг «хужум» қилувчилардан кўтарма ва темир йўл бўйлаб 500 метрларга қочиб борганлигини исботлаш эса мутлақо ортиқча.

Зиянбетовнинг жасади 1 январь куни эрталаб темир йўл линияси яқинидан топилган. Унинг оёқлари сим билан боғлаб қўйилган, кўлмақда юз тубан қолда ётар эди. Этиги ва шими ечиб олинган. Телпаги ёнгинасида ётарди.

Қидирув ходимларининг ўрнида бўлганда бунақа ишларда тажрибали бўлмасамда мантиқан фикр-мулоҳаза юритган, қотилни фожиали тунда Зиянбетов ухлаган ё кундузи бўлган жойлардан қидирган бўлардим.

Унинг оёқлари нима учун сим билан боғлаб қўйилганлиги ҳалигача номаълум. Мурдани узоқдан кўтариб келишган ва қулай бўлсин учун оёқларини боғлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ечиб олинган этик ва шимга келсак, жабрланувчи қаердадир ечиниб ухлаган, деб тахмин қилиш мумкин. Жиноятчилар бежон баданга қўйлак ва пиджак кийдиргунча қолдан тойган, қолганларини ҳеч қанақа из қолдирмаслик учун мурданинг ёнига қўйишга қарор қилганлар...

Қотиллар кимлар? Назаримда, жиноят қидирув бўлими уларни Зиянбетовнинг танишлари орасидан қидириши лозим эди.

Аммо Дўсжонов бошлиқ жиноят қидирув бўлими ходимлари бошларини қотиргиси келмади, улар ўзларининг обрўларини тўрт ёш йигит эвазига сақлаб қолишга қарор қилдилар. Мурда темир йўл вокзали яқинидан топилгани учун шу атрофда ўтказилган тадбирлар ҳақида маълумот тўплаганлар. Натижада ошхонада тўй бўлганлиги-

дан хабар топганлар. Тўйда спиртли ичимлик ичилган, бу эса тўйда қатнашганлардан гумонсираш учун асос бўлган.

Энди қулай «гувоҳ» топилса, бас. «Жиноятчи»ларни таллаб олиш осон. Кимдандир ўша тўйда ўзларининг таниши — Замирова ҳам қатнашганлигини эшитиб, ундан ўзлари нима истаса шунга эришиш мумкин, деган фикрга келганлар...

Суд коллегияси делодаги барча ҳужжатларни ўрганиб, бошидан охиригача текшириш ўтказди ва судланувчиларни айбсиз деб топди. Давлат қораловчиси, Қўнғирот районлараро прокуратурасининг терговчиси К. Саекеев ишни қўшимча терговга жўнатишни талаб қилди. Лекин айбдорликни тасдиқлайдиган фактлар тўплашнинг барча имкониятларидан фойдаланиб бўлганлиги учун суд коллегияси ишни қўшимча терговга юбориш шарт эмас деган хулосага келди.

ҚҚАССР Олий Судининг жинойи ишлар бўйича суд коллегияси содир бўлган жиноятдаги иштироки тасдиқланмаганлиги учун Хегай Олегни, Сохипов Алини, Оқболаев Артур ва Шиёпов Дамирни оқлашга ҳукм чиқарди.

Улар суд залида қамоқдан озод қилинди.

Суддан кейин

Суддан кейин орадан тўрт ой ўтди. Қўнғирот районига командировкага борганимда Олег Хегай ва Али Сохипов билан учрашдим. Тўртталаси ҳам илгариги иш жойида меҳнат қиляпти экан. Фақат Олег қамоққа олингунга қадар уч йил тепловоз минган. Ҳозир машинист ёрдамчиси бўлиб ишляпти. Узоқ муддат давом этган танаффусдан кейин қоидага кўра, дейди Олег, камида олти ой ёрдамчилик қилиш керак, шундан кейингина менга тепловозни ишониади.

— Кайфиятлар қалай?

— Жойида. Аммо гўё нариги дунёдан кайтиб келганга ўхшайман. Ўзимни ғалати ҳис қиляпман.

Кейин... суд бизни оқлади, бироқ ҳаммаям бир хил эмас-да. Баъзан биронтаси — балки ёмон фикрдамасдир — менга ёмон фикрда қараётгандай туюлаверади. Умуман, қандайдир эзилиш бор.

Яна: бизни айбсиз айдор қилганлар суддан қуруқ чиқиб, жазосиз қолганлигимиз сире тинчлик бермапти. Мен ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайман, аммо бизни тергов қилган кишининг ҳақиқий башарасини бошқалар ҳам кўришини истайман.

Али Сохипов ҳам шу фикрда. У фақат шуни қўшимча қилдики, қамалгунларига қадар Дамир Шиёпов билан Тошкент ёки Ашхободаги темир йўл институтига ўқишга кирмоқчи бўлган экан. Дамир, деди у, бу йил имтиҳон топширишга журъат қилди. Мен эса ҳалигача ўзимга келолганим йўқ. Келгуси йили темир йўлчилар техникумига киришни ўйлаб турибман, қолганини кейин кўраверамиз.

Бу йигитлар фақат бир нарсани — ўзларининг бошидан ўтган хўрланиш ва азоблар яна бошқаларнинг ҳам бошига тушмаслигини исташмоқда. Мен шу очерк учун материал тўплаётганимда юқорида номлари тилга олинган милиция ходимларининг айримлари терговда жисмоний куч ишлатгани учун — бошқа иш юзасидан — судланганини эшитиб йигитларнинг фикрларига тўла қўшилдим.

Шуни айтиш керакки, очеркимиз қаҳрамонларини тергов қилган ходимларнинг қарийб ҳаммалари ички ишлар министрлиги ва прокуратура органларида, бири қуйроқ, иккинчилари юқорида лавозимларда ишлашмоқда.

Очеркимиз қаҳрамонлари қамоққа олинган пайтда Қўнғирот район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Жисмурат Китжонов эди. У ўзига ишонилган районда қонунчиликни бузгани учун ишдан олинди. Ҳозир Ленинобод Ички ишлар бўлимининг навбатчи қисмида навбатчи бўлиб вақтинча ишляпти.

Унинг ўринбосари бўлган Жумабой Елмуратов ҳозир Нукус шаҳар ички ишлар бўлими тергов группасининг терговчиси. Марғ Дўсжонов Комсомол шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи. Фақат иккитаси — Боймирза Жоломонов билан Бозорбой Айтжоновагина органдан ҳайдалган, бунинг ҳам сабаби бошқа — спиртли ичимлик истеъмол қилган, ишга чиқмаганлиги учун.

ҚҚАССР Ички ишлар министрлиги жиноят қидирув бўлимининг собиқ бошлиғи Парохат Кенжабоев ишдан ҳайдалиб, қамалган. У терговда ман қилинган методлардан фойдалангани учун қамалган.

Қўнғирот район прокуратураси ходимлари бу ишда номуносиб йўл тутганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Номлари келтирилганларнинг ҳаммаси бевосита ёки билвосита Р. Зиянбетов ўлими тўғрисидаги ишда сохтагарчилик ва сансалорчиликка йўл қўйишган. Давлат томонидан ҳуқуқ, тартиб ва қонунчиликни муҳофаза қилишга ваколат қилинган бу одамлар қалби орзу-умидга тўла тўрт йигитни икки ярим йилга яқин қамоқда ушлаб руҳий ва жисмоний хўрлашда айбдордирлар.

Энди бизда шундай ҳақли саволлар туғилади. Бу йигитларга етказилган маънавий, жисмоний ва моддий зарарни ким тўлайди? Моддий зарарнинг ўрнини эҳтимол қоплаш мумкин. Бироқ маънавий ва жисмоний зарарнинг миқдорини қандай ўлчаш, икки йилдан кўпроқ давом этган зўравонлик ва қийноқлар натижасида йўқотилган соғлиқнинг қимматини қандай рақамлар билан белгиласа бўлади? Бу саволларга жавоб бериш осон эмас, лекин жавоб бериш керак!

Василий ЖУКОВ,

ЎзТАГ мухбири —

Очерк «Еш куч» учун махсус ёзилган.



Д. Мурсалимов расмлари

Мамлакатимизнинг қатор шаҳар-қишлоқларидаги ҳунар-техника билим юртларида Ўзбекистондан борган минглаб ёшлар ўқиб, ҳунар ўрганмоқдалар. Уларнинг турмуши қандай кечмоқда? Журналистимизнинг янги «Мақтаб синфларидан — ишчилар синфига» рубрикасида бундан буён турли билим юртларида ҳунар ўрганаётган ана шундай ёшларимиз ҳақида мақолалар бериб борамиз.

МАКТАБ СИНФЛАРИДАН —
ИШЧИЛАР СИНФИГА!

РАҲМАТНИНГ ҲАҚИДА

Раҳмат ўқишга киролмади. Бир-икки кун шаҳарда юрган бўлди-ю, кейин қишлоққа қайтди. Билсаки, синфдошларининг ҳам кўпи қишлоққа қайтган экан.

— Йиқилдингми? — сўрашди ундан.

— Йиқилдим! — деди Раҳмат.

— Сизларчи... — сўради у ҳам ўз навбатида.

— Бизми... — болалар бир оз ўйла-ниб қолишди-да, кейин «биз саволларга зўр жавоб берсак ҳам, ўқитувчи бари-бир икки қўйди» деди улардан бири.

— Ҳойнаҳой «4» ва «5» ларни ўз танишларига асраб қўйган бўлса керак. Бизга ўхшаган таниши йўқларга яхши жавоб берсак ҳам «2» қўяди, — деди иккинчиси.

Раҳматнинг жаҳли чиқди. Чунки улар-нинг иккаласи ҳам мактабда қанақа ўқиганини биларди. 10-синфни амал-тақал битириб катта чамадон елкада, ўқишга жўнаган синфдошларининг шу гапларига ўхшатиб бир гап қилай дедию, фикридан қайтди.

— Нима, сенга тушган савол қийин эканми? — деди улар яна.

— Йўқ, жавоби қийин экан. — Раҳ-мат шундай дедию, улар билан хайр-лашмай уйига кириб кетди.

Шунда у яна бир карра мактабда жуда бўш ўқиганини, ўқитувчиларнинг гап-сўзига эътибор қилмай юравергани-ни эслаб қўйди. Эслаб ўздан хафа бўлди. Мана энди анави синфдошлари-га кўшилиб кўча чангитиб юраверади. Шу пайт кўчада магнитофондан баланд қилиб қўйилган чет эл музикасининг овози эшитилди. «Ушалар» деди Раҳмат ва эшитмаслик учун ичкарига кириб кетди.

Эртасига район комсомол комитети Украинадаги ҳунар-техника билим юрт-ларида ўқиш учун ўқувчилар йиғайтгани-ни эшитиб райкомга борди.

— Мен ҳам борсам бўладими? — деди Раҳмат.

— Нега бўлмас экан, жуда бўла-ди, — эгнида ўзига ярашиб турган қора костюм кийган, галстукли йигит унга қараб, кейин қўшиб қўйди. — Тем бо-лее, сен мактабда комсорг эдинг, шундайми, вот, бизга айнан шунақа-лар керак.

Хуллас, шу кун у уйига комсомол йўлланмаси билан қайтди. Икки кундан кейин уйдагилари билан хайр-маъзур қилиб кўчага чиқди. Магнитофонни баралла қўйиб бекатда ўтирган икки синфдоши яна гап қилди.

— Нима, училище ўзимизда қуриб кетибдими?

— «Москвага, механизаторлар слё-тига» дегина, — улар ўзларининг ҳа-зилларидан ўзлари мириқиб кулишди.

...Гарчи қиш бўлсада, Тошкент анча иссиқ эди. Раҳматнинг юрти Сурхон-дарё ундан ҳам иссиқлигини ҳамма билади. Биз эса у билан — Донецкдаги 58-ҳунар-техника билим юрти талабаси, 12-группанинг комсорги Раҳмат Қурбо-нов билан изғиринли қор бўрони остида шаҳар айлангани чиқдик. Бунақанги совуқда шаҳар томоша қилиш кўнгилга кўпам хуш ёқавермайди. Лекин ҳам-суҳбатимни гапга тортиб унинг кўнгли-дагиларни билгим келди.

— Ҳали-ҳали кулоқларимда ўша ик-кита синфдошимнинг масҳараомуз кул-гиси жаранглайди. Ҳеч бўлмаса шулар олдида ўзимнинг кимлигимни исбот қилишим керак-ку, деб қўйгандим ичимда. Ахир одам кимгадир ўзининг нималарга қодир эканлигини исбот қилиши керак-ку! Шундай эмасми?

— Шундай, — дедим мен ҳам унинг фикрини бўлмаслик учун.

— Биласизми, — дейди у фахр би-лан, — яқинда Донецк шаҳар комсомол конференцияси бўлди. Мен унда деле-гат сифатида қатнашдим.

— Мана комсомол конференцияси! Умуман ҳеч ким қоғозга қарамай гапирди. Президиумга сўз бериш ҳақи-да тушган қоғозлар бўйича ишланди.

Ҳар ким кўнглида нима бўлса шуни гапирди.

— Сенчи, сен нимага гапирмадинг унда? — дея атайлаб сўрадим ундан.

— Тўғриси, гапирмоқчи бўлдимю, лекин рус тилини у даражада ўрганганим йўқда ҳали.

— Нима, мактабда ўргатишмаганми?

— Ургатишган. Лекин қанақа денг. Масалан мен рус тилида «4» ва «5» баҳога ўқиганман. Лекин Донецкка келганимдан кейин билдимки, рус тилида бирорта оддий гапни ҳам бехато гапирмас эканман. Мактабларда рус тили ўқитишга жиддий қараш керак экан. Келганимизда баъзилар ҳатто юзгача санаёлмасди. Ҳозир ҳам-мамизнинг тилимиз бийрон бўлиб қол-ди.

Олдиндан айтиб қўя қолай, чиндан ҳам улар рус тилини анча-мунча ўрга-ниб қолишибди. Мен бу гапни улар тайёрлаган деворий газета, учрашув, дўстлик кечалари, қолаверса ўқишлар-ини кўздан кечириб айтаяпман.

Группа комсорги Раҳмат Қурбоновни тагин гапга тутдим.

— Хўш, гапирганимда нималар де-моқчи эдинг?

— Нима ҳам дердим? Ҳали бу ерда янгимиз. Комсомол ҳаётини тўла ўрга-ниб олганимизча йўқ. Лекин бир нарса-ни аниқ биламан. Бу ерда комсомол иши биздагидан бутунлай фарқ қилади. Мактабда ўқиб юрганимда комсомол-нинг бор-йўқлигини сезмасдик ҳам. Ёки, бирор марта райком ходимлари келганини, биз билан гаплашганини, бирга чой ичгани, маслаҳатлашганини билмасдик.

Бу ерда танаффусда ҳам билим юрти комсомол комитетига чопамиз. Ҳар куну бир янгилик. Ҳар куну бир қизиқарли тадбир.

Балким ўз кўнглим ҳақида гапириб берардим. Биз бу ёққа келаётганда «Нима, билим юрти ўзимизда қуриб қолибдими?» дея мазаб қилиб кулган тенгқурларим ҳақида гапириб берар-дим. Улар ҳозир ўзларининг назарида маза қилиб кўча чангитиб юрибди, бу аниқ, тўғри, билим юрти ўзимизда қуриб кетмаган. Лекин билим юрти-дан билим юртининг фарқи бор экан.

Биринчи фарқ бу муносабатда эди. Бизда «ёмон ўқисанг, училишга жўна-тишади» деган гап ёшлар, айниқса уларнинг ота-онаси онгида анча шакл-ланган. Аслида ҳам шундай қилиша-ди. Тўполончи, тарбияси қийин бола-ларнинг ҳаммаси — училишеда!

МУЛОҲАЗА УЧУН ФАКТ. Донецк шаҳрида сўнги йили олий ўқув юртига ўқишга кирганларнинг қарийб ярми ҳунар билим юртини битириб чиққан ёшлар.

Донецкдаги 58-ҳунар техника билим юртида бу йил Сурхондарё областидан 31 нафар ёшлар таҳсил қўришмоқда.

Мени эса нима учун улар ўз уйлари-дан, қадрдонлари бағридан олисга чиқишга жазм қилишгани қизиқтиради.

— Ахир қачондир мустақилликка ўрганиш керак-ку!

— Район комсомол комитетига қақи-риб, комсомол йўланмаси билан ўқиш-га борасанми, дейишди. Бораман дедим.

— Рус тилини мукамал ўрганиш учун институтга дейишган эди, келсак бир училище экан, лекин барибир яхши.

— У ерда ўқиб тузуқроқ мутахассис бўлишга ақлим етмади.

— Бизда асосан 10 синфни тугалла-ган ёшлар бир йил магнитофон кўта-риб олиб кўча чангитиб юришади. Бу пайтда биз бу ерда кўп нарса ўргана-миз.

— Ўқишга киролмадим, кейин бу ёққа келдим.

Булар — ўқувчиларнинг гаплари. Ле-нин йўли районидан Тўра Байрамов, сариосиёлик Ражабали Азимов, Ориф Бобомуродов, Уктам Назруллаев, ол-тин сойлик Абдуҳалил Қўлдошев ва яна бошқа болалардан ҳам шунга ўхшаш гап эшитдим. Мен кўпга саволлар

бердим. Улар жавоб беришди. Улар Ўзбекистон ҳақида сўрашди, мен жавоб бердим. Бу ҳақда яна кейинроқ гапла-шамиз... Ҳозир...

Билим юрти шаҳардаги кўпгаб ҳу-нар-техника ўчоқларидан бири. Асосан турли категориядаги ошпазлар тай-ёрлайди. Ўқув корпуси билан ётоқхона орасидаги масофа 50 метр. Ётоқхона шинам, замонавий, барча қулайликлар-га эга. Беихтиёр бундан беш-олти йил бурунги студентлик даврларим ўтди. Бу ердаги ётоқхона шароити дорилфу-нундан яхшироқ эди. Ўқувчилар ҳафтада уч кун ўқишади. 3 кун эса амалий машғулот бўларкан. Унда бево-сита ўқув юрти ошхоналарида ошпаз-ликнинг ҳадисини олишади. Бошқа бирор касбни ўрганиш ўзбекистонлик кишилар учун янги, қийин бўлиши мумкин. Лекин ошпазликни ўзбекис-тонлик болалар тезда ўрганиб кетиш-ди.

— Лекин, — дейди улар, — овқатга қанча масаллиқ солишни билиш ҳали бу ошпазлик эмас экан. «Сиз салатнинг неча хилини биласиз?» — дейишди улар қизиқсиниб.

Тўғриси нима дейишни билмай дов-дираб қолдим.

— «Ўзимизнинг ўша қўл бола шака-робни биламан», — дедим. Гур-р кулги кўтарилди.

— Биз 80 хил, ҳозирча 80 хилини биламиз.

Билим юртидаги замонавий техника билан жиҳозланган ўқув кабинетлари, машғулот заллари, қироатхоналарнинг ўзиёқ кўп нарса билдиради. Шўҳрат музейи, сарҳил техомлар виставкаси, салатлар зали, таология хоналари, спорт залдан эрта-кеч одам аримайди. Капирни ўйнатиш учун одам олдин соғлом, бақувват бўлиши керак-да. Бу ерда ҳамма эрталаб бадан тарбия би-лан шўғулланиши одатга айланиб кет-ган экан.

Комсомол комитети бизнинг бола-ларни оталиққа олган экан. Комсомол комитети секретари Лена Ярошенко-нинг ўзбекистонлик ўқувчиларнинг ҳаммасини номма-ном билишининг ўзи комитет ўз комсомоллари билан иш-лашни номигагина эмас, чинакамга олиб бораётганига яққол далил.

Яқинда халқ талантларининг 2-Бутун-иттифоқ фестивали доирасида ўтка-зилган бадий ҳаваскорлик конкурсида ўзбекистонликлар ҳам қатнашдилар. Ҳатто ғолиблар сафида улардан иккита-си бор эди. Олим Ҳожиёв ва Раҳмат Каримбердиев ижро этган ўзбек халқ қўшиқлари ҳаммага манзур бўлди. Энди улар бадий конкурсининг область миқёсидаги концертига тайёргарлик қўришмоқда.

Худди шундай таассуротларни 5, 28, 59-ҳунар техника билим юртларида ҳам олиш мумкин. У ерларда ҳам ҳам-юртларимиз яхши ўқишяпти, яшаш-япти.

Донецкда болалар билан хайрлаша-ётганимда улардан бири:

— Яна бир-икки кун қолмайси-зи, — деб қолди.

— Жоним билан қолардим-у, ҳали Минскка, ундан Ленинградга ўтишим керак, у ёқларда ҳам сиз қатори ҳамюртларимиз ўқишяпти.

— Бўлмаса, уларга биздан салом айтинг. Қаерда бўлмайлик, ўз юрти-мизни, Ўзбекистон шаънини ерга ту-ширмаймиз, — деди Имом Шоймонов.

Имомнинг бу гапи ҳаммага маъқул тушди. Чунки уларнинг ҳар бирининг кўнглидан ҳозир айна шу гаплар ўтган-ди.

Олдимга югуриб Раҳмат келди.

— Синфдошларимга хат ёзиб бера-ман дегандим. Негадир ёзолмадим. Балки ўзингиз... Шу ёқларда бекор юрмаганимизни, кунларимиз мароқли ва фойдали ўтаётганини айтсангиз бўл-ди.

Мен хўп дедим. Лекин уларга хат ёзолмадим. Балки ушбу мақолам ана шу мактуб ўрнига ўтар...

Аҳроп АҲМЕДОВ

Ёш куч 15



МОДАЛАР РАНГ- БАРАНГЛИГИ

Ҳозир кўпгина шаҳарларда махсус мода магазинлари очилган. Тошкентдаги «Перспектива» магазини шулардан бири. Магазинга ташқаридан қарасангиз кўзингиз қамашади.

Ичкарасига кирсангиз-чи?

Йўқ, ҳайтовур магазин «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» эмас экан. Ясама одамлар кийиб кўз-кўзлаётган кийимлар пештахтада ҳам бор. Лекин харидор кўпинча улар ичидан ўзига «мос»ини тополмай қуруқ чиқиб кетади. Негаки, ё кийимнинг ёшига мос ранги, гоҳо астари йўқлиги, асосан қиммат эканлиги унинг ҳафсаласини пир қилади. Магазин ходими Ирина Сергеевна Дринкинани сўроққа тутамиз.

— Яхши кийимларни бир зумда талаб кетишади. Магазинда сал мундайроғлари туриб қолади, — дейди у.

Биз унга ишонамиз. Кейин магазинга кириб келган бир гуруҳ ўқувчи қизларни суҳбатга тортимиз.

— Мана бу кўйлак менга жуда ёқди, лекин нархининг қимматлиги...

Биз кўйлак нархига қараймиз — 101 сўм. Ҳа, ўқувчи учун жуда қиммат...

— Утган кун менинг бир танишим бу ердан чиройли костюм сотиб олувди, лекин унинг ҳам баҳоси — қақадиган, қиммат эди.

Барибир, ўқувчи қизлар кўйлакни сотиб олишларини айтишди. Уларга бу иш осон — ҳозир оналарининг қарамоғида. Қолганлар, ойлик берадиган кунни санайдиган студентлар, санитарка, машинисткалар нима қилсин, кўзи куйиб қолаверсинми?

Ахир улар ҳам чиройли кийингиси, чиройли кўрингиси келмайдими? Бир нарса аниқ — ёшлар кийимларини сотадиган эътиборли магазинларнинг энг катта қусури — улардаги нарх-навонинг осмондалиги!

Таажжуб! Мен нима дейман, қўбизим нима дейди?! «Перспектива» магазинини текширгани келган Москвадаги савдо-сотиққа даҳлдор бир раҳбар ўртоққа кийимлар хўп ёқибди-ю, нархи ҳийла... арзондай туюлибди. Эҳтимол, у кишим магазинга ташриф буюрганларида катта ялтироқ

безаги бор қизил, зарли, нархи 130 сўмлик кўйлаклар қўйилмагандир?..

Бироқ, факт факт! Москвалик раҳбар ўртоқнинг нархни кўтариш ҳақидаги таклифи бажонидил қабул қилинибди. Қанақасига дейсизми? Ҳозир тушунтирамиз. Айттайлик, модалар уйи ҳаражатига 100 сўмча кетган пальто тикиб, 170 сўм деган бўйинтуруқ — ёрлик билан магазин пештахтасига чиқарди. 170 сўм — пальтонинг шартнома баҳоси (бу нима эканини сал қўйироқда изоҳлаймиз).

Бироқ, 170 сўм — бу кийимнинг якуний, охириги баҳоси деб ким айтибди. Эҳтимол, бу пальтони 180 ёхуд 200 сўмга, балки икки юз элликка ҳам сотиб олишар?! Тажриба қилиб кўрса, кимнинг асакаси кетарди?

Харидорнинг! Лақма харидор кийимнинг чиройига маҳлиё бўлиб, 250 ни санаб бериб, ўзи хоҳламаган ҳолда кимларнингдир харидорлар устидан ўтказган тажрибаси самарали чиқишга имкон туғдириб қўйиши шубҳасиз-ку!

Савдо-сотиқ раҳбарлари эса бошларини чангаллаб қолишади. «Илгарироқ шу нархни кўйганимизда, шунчаси шунчадан сотиларди!...»

Нима десангиз денг-ку, бу ғирт давлатга кони зиён! Масаланинг маънавий жиҳатини эсдан чиқармаслик керак!

Буни магазиннинг шикоят... кечирасиз, таклифлар дафтарида харидорларнинг кийимлар нарх-навосининг осмондалигидан куюниб ёзган фикрлари ғиж-ғижлигидан ҳам билса бўлади.

Мода нимадан бошланади?

Тошкент тўқимачилик комбинати мамлакатдаги йилга фақат пахтанинг ўзидан 254 миллион метр газлама ишлаб чиқарадиган ягона корхонадир.

Унинг озми-кўплигини қўйидаги таққосдан ўзингиз тасаввур қилаверинг. Шунча газлама билан ер шарини 60 марта ўраб чиқиш мумкин экан! Устимиздаги кийимнинг нимадан тикилганлиги эса ёлғиз ўзимизга аён...

Республикамиз шароитида пахталик газламанинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Агар комбинат маҳсулотининг тахминан ярми экспортга чиқарилса қолганлари сотувга ҳамда тикув ишлаб чиқариш бирлашмаларига тарқатилади. Уларнинг бир метрининг нархи 3—4 сўмдан ошмайди. Сифати ҳам бинойидек. Лекин... сиз ип газламадан маҳаллий саноатимиз ишлаб чиқарган кўйлакларнинг ҳеч уртўполон билан сотилганини кўрганмисиз? Алмисокдан қолган бичимлар муаммосини қўятуринг — улар алоҳида бошқа масала.

Ер шарини маҳсулоти билан 60 марта ўраб олишга «қодир комбинат модабоп янгилик — «Н» ва «М» индексли газламадан бор-йўғи 0,03 фоиз чиқаради холос. Рақамларнинг аянчли жиҳати шундаки, тикувчи ҳаёлотига кўпроқ эрк беролмайди. Тикув дастгоҳига зўр бериб, мумкин қадар чиройлироқ бичимдаги кийимларни тикишга ҳаракат қилади.

Дарвоқе, дастгоҳлар ҳақида. «Яқинда учта голланд дастгоҳига буюртма бердик, — дейишди комбинатдагилар менга фахр билан. — Тўғри, реконструкция бизда энди бошланмоқда...»

Гап фақат жиҳозлардагина бўлганда майли эди! Эҳтимол пайти келиб чиройли газламалар ҳам етарли чиқарилар. Негаки, эндиликда хўжалик ҳисоби жорий этиладиган корхоналарда сифат масаласи ҳал қилувчи омил бўлиб қолади. Москвада ҳар йили ўтказилаётган Бутуниттифоқ савдо сайёрасида сотувчи ташкилотлар тўқимачиларга харидорбоп сифатли газламаларни буюртма қилишяпти.

Хўжалик ҳисобига ўтилгандан кейин тўқимачилар ҳам «молларининг тахлам-тахлам бўлиб сотилмай ётишидан зиён кўришлари аниқ. Буюртмачи ҳам, тайёрловчи ҳам модабоп газламага талабгор экан, ким бу ишга монельлик қилиши мумкин?

Бу саволга Тошкент тўқимачилик комбинати комсомол ташкилотининг секретари Камол Назаров шундай лўнда жавоб берди:

«Агар биз газламалар ассортименти муаммосини тўла бартараф қилишга киришганимизда эди, планни бажаролмасдик — яъни, ер шарини 60 марта газлама билан ўрай олмасдик. Бизга сифатни пеш қилишади-ю, планни камайтиришни ҳеч ким ўйлаб кўрмайди».

Бу гапда жон бор. Унга эътироз билдириб бўлмайди. Бироқ, комбинат ёшларга нима совға қилиши мумкин?

Мана нархи 2 сўм бўлган жуда чиройли расмли сариқ бўз. Тошкент ЦУМида шартнома нархида синашта ўрамлари сотилди. Шу бўз харидорларини толдими? Газлама ижодкорлари — Людмила Софранович ва Ира Сабуренковалар (улар тўқимачилик комбинатида ишлашади) ундан ўзлари сотиб олишга улгуролмай қолишганини айтишди. Модалар уйи ҳам ундан ажойиб костюм чиқарган эди, униям бир зумда талаб кетишди. Шундай экан, нима қилиш керак? Газламадан кўпроқ чиқариб, кийимлар тикиб, ёшларга совға қилавериш керак.

Л. ШАХНАЗАРОВА.

Редакциядан: Мода чорраҳаларидаги муаммолар яна талайгина. Журналимизнинг навбатдаги сонларида биз муаммоларнинг бошқа жиҳатлари ҳақида қатор мақолалар беришни режалаштирганмиз. Эҳтимол сиз ҳам мода хусусида — ораста кийиниш муаммолари борасидаги фикрларингиз билан ўртоқлашарсиз...



Тошкентдаги 240-мактабни битириб Совет Армияси сафида хизмат қилаётган йигитлар ҳарбий таълим ўқитувчиси Анатолий Владимирович Солнцевни ҳурмат билан эшлашади. Нега? Чунки улар Анатолий Владимирович раҳбарлигида ўзларини жисмоний чиниқтирдилар, ҳарбий билим ва кўникмалар олдилар. Ҳарбий дарслари жуда қизиқ ва ранг-баранг ўтилади. Уқувчилар сафда юриш, автоматни қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш, мерганлик, тўсиқлардан ўтиш бўйича шуғулландилар. Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар ўтказилади.

В. ЖИРНОВ фотолари.








М. ПЕНСОН фото

Ёш куч

Молодая
смена

Ёш куч



ТЕХНИКУМ ДИРЕКТОРИНИНГ

Қайта қуриш авж олиб бориши учун жанговорлик, камчиликларга, умри тугаган нарсаларга, ишдаги расмийчиликка нисбатан мурасасизлик руҳи ҳар бир партия ташкилотига хос бўлиши керак, коммунистларнинг актив позицияси, қатъий ҳаракат қилишлари зарур.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

Тошкент — Сирдарё йўлларининг узоқ бир чеккаси Сирдарё областининг Оқ олтин районида жойлашган Гидромелиорация техникумига элтади. Бу билим даргоҳи ташқаридан қараганда бошқа ўқув юртлиридан деярлик фарқ қилмайди. Ўқиш, ўрганиш, тинимсиз ва охири кўринмайдиган меҳнат... Лекин сокин дарёларнинг тубида баъзан тасаввур қилиш қийин бўладиган жўшқин оқим бўлади. Назаримизда, биз мана шу оддийгина техникум фаолиятида ана шундай жўшқин оқимни, қайта қуриш руҳидаги фаол ҳаётнинг қайноқ бир томчисини кўрдик. Бу томчининг ўзича ҳаракати, қийинчиликлари, қўлга киритган муваффақиятлари, муаммолари бор. Биз шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Билим юртининг бугунги ҳаёти, унинг раҳбари, техникум директори Евқошти Ҳайдаров фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлгани сабабли ҳикоямизнинг ибтидосини ундан бошладик.

Евқошти Ҳайдаров баъзан ўз имкониятларини ҳисобга олиб, баъзан олмай, ишлаш учун ўзига катта майдон талаб қилаётган, ҳамма нарсани ҳисоб-китоб билан режалаштиришга интилаётган раҳбар ходимлар тоифасига киради. Унинг оддий иш кунларида ҳам тасодифлар, ғаройиб воқеалар, хилма-хил ҳодисалар бўлиб туради. Кўпинча буларнинг ҳаммаси қай даражада, қай тарзда содир бўлмасин техникум манфаатининг қайсидир томонига йўналтирган бўлади.

Кунлардан бирини Евқошти бир экскаваторни судратиб, қаёққадир олиб кетишгаётганлар қаршисидан чиқиб қолди.

— Ҳа, оғайнилар, қайга олиб кетяпсизлар бунини? — Қаёққа бўларди, металлломгада, нима, сотиб оласизми ўртоқ директор?

— Сотиб олганда қанчоқ, қолдиринлар менга. — Металломни ким беради бизга? — «Кўлик» экскаваторнинг эгалари кулишди.

ТАШВИШЛАРИ

— Металломни мана биз берамиз. Икки куннинг ичиде йиғиб топширамиз.

— Мана шу металлломга алмашлаб олган машина-миз, — директор бизга баланд «минора»ли экскаваторини кўрсатди, — худди янгидай гуриллиб ишлайди, қанчадан-қанча мушкуллимизни осон қиялпти.

Евқошти ўйланиб қолди. — Бу техниканинг асосий қисмини шундай қийинчиликлар билан тикладик.

Техникум 1966 йили Янгиер шаҳридаги кичкинагина интернат биносига ўқиш бошлаганида 350 нафар студент, учта факультет бор эди. 1975 йили техникум Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти таркибидан ажралиб чиқиб, Сирдарё областининг Оқ олтин районидаги Сардоба посёлкида янги ўқув йилини бошлади.

Ҳозир мазкур билим масканида Гидромелиорация, автомобиль эксплуатацияси, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш, Гидромелиорация ишларини механизациялаш, қишлоқ қурилиши каби 7 та факультет бор. Уларда 2659 нафар (кундузги ва сиртки) студент таълим олади. 113 нафар ўқитувчи, 43 мастер ва техник ходимлар мавжуд. Техникумнинг кўп миллатли катта коллективини интернационал оила деб аташ мумкин. Эндилкида билим масканига иттифоқимизнинг барча республикаларидан ўқувчилар қабул қилинаёттир. Шунга яраша ташвишлар, муаммолар ҳам кўпайиб борапти.

олдинда ташвишлар, муаммолар кўп

Техникумнинг ўқув корпуси, унинг замонавий кабинетлари ҳаммининг, айниқса маориф ходимларининг ҳавасини келтирадиган даражада жиҳозланган. Ҳамма кабинетларда хилма-хил ва ранг-баранг кўргазмалар қуроллар, бугунги халқ хўжалигимизнинг тарихи, унинг тараққиёти билан боғлиқ бўлган рақамлар, экранлаштирилган кўргазмалар... айниқса рус тили кабинети энг замонавий техник воситалар

билан таъмин этилгани. Албатта, бу хоналар, ўқув кабинетлари кўргазма учун безатиб қўйилмаган, у талабчанлик, қунт, астойдил меҳнат қилиш орқасида юзага келган. Қолаверса техникум педагогик коллективининг асосий қисми ўз соҳасининг билимдон кишилари, бугунги фан ютуқларидан хабардор бўлган мутахассислардир. Билим масканининг Т. Мадинов, Б. Қурбонбеков, Н. Соғқулов, К. Нурматов, В. А. Ким, А. Мансуров, Н. Ҳакимов, А. Абдуллаев, И. Эрқабоев каби педагоглари «Ўзбекистон ССР халқ маориф аълочиси» унвонига, А. Ускенбоев, Т. Асилбеков, Р. Б. Намова, И. Курдеде, Б. Бойзоқов, Ф. Мадаминов, Э. Очилов каби ўқитувчилари «Ўзбекистон ССР сув хўжалик аълочиси» унвонларга сазовор бўлишган.

Биз кўриб, ҳавас қилган 53 дан зиёд ўқув кабинетларида дарслар чинакам талаб даражасида ўтиляпти. 12 та лаборатория хонаси, замонавий ишлаб чиқариш корпуси, комплекс спорт майдони, кутубхона, ўқув зали, 350 ўринли мажлислар зали ва шунча студентга мўлжалланган ошхона, 884 ўринли иккита ётоқхона... буларнинг ҳаммаси студентларнинг билим савиясини ошириш, ўз касбининг етуқ мутахассислари бўлиб етишишлари учун барпо этилган. Шундай бўлгач ташвишга нима ҳожат бор? Яна қандай муаммолар бўлиши мумкин? деган савол ўз-ўзидан туғилади.

Чиндан ҳам мана шундай аҳволда сен манга тегма, мен сенга тегмай тарзида тинчгина яшаш, ишлаш мумкин эди. Бирон шикоят, баҳона текширишга келган комиссиялар ҳам, айрим жузъий камчиликларни айтиб, энгилгина танбеҳ бериб кетишарди. Лекин бугуннинг руҳини англаган коммунист, раҳбар ходим учун бундай яшашнинг имкони йўқ эди. Негаки турғунликка, кўзбўямачиликка қарши қайта қуриш деган улкан иш бошланган эди мамлакатимизда, бюрократликка, манманлик, мурасасозликка нисбатан ошкоралик руҳи юзага чиқаётган эди ўлкамизда, ҳар бир ишдан одамнинг илғор ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган шароит яратилаётган эди юртимизда. Аммо бу руҳ, ҳаётнинг бу жўшқин оқими ҳар кун, ҳар соат қайта-қайта такрор айтилаётганига қарамай, ҳақиқатнинг юзага чиқиши осон бўлмаяпти, кўп ҳолларда ташаббуснинг қаноти қайрилиб, ҳатто синдириляпти. Унинг устига узоқ йиллар турғунлик шароитида кўпчиликнинг қон-қонига сингиб кетган тобелик психологияси, раҳбар ходимга кўр-кўрона бўйсунуш, хушомад, хўп-хўпчилик кайфиятини ёриб ўтиш ҳам энгил кечаётгани йўқ. Бу руҳ ҳали ҳам айрим раҳбарларнинг иш услубида ҳокимлик қилиб келаётгани рост.

Техникум раҳбарларининг ташаббуслари ҳам ана шундай тўсиқларга урилиб қайтар, илтимослари кўпинча инобатсиз қоларди. У ҳар гал қарамоғидаги техникани назардан ўтказаркан, юраги ачишар, буларнинг кўпинча бекор туриб қолаётганига тоқат қилолмасди. Халқимизда одамни ғам, темирни занг нобуд қилади деган гап бор. Ахир булар нечоғлик улкан техника бўлса ҳам барибир темирда, уни ишлатиш, ҳаракатга келтириш, доимо кучидан фойдаланиш керак.

— Шунча техникангиз билан қанча ер ўзлаштирингиз мумкин?

— Ҳозир қанча ерингиз бор?

— Бир гектар ҳам йўқ.

— Сизларга ер ажратиб бериши мумкинми? Бунга қонун йўл қўядими ўзи?

— Нега бўлмас экан, нима ерни сотиб еб қўярмидик, ахир ўша ер билан ўзимизни таъминлаймиз, давлатга фойда келтираемиз, ўз имкониятларимизни ҳам кенгайтираемиз.

— Масалан?

— Биласизки техникумимизда дарсларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалик соҳаси, бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ. Ер ўз ихтиёри-мизга берилса биз барча машғулотларни «ўз еримиз»да ўтказамиз. Давлатга совхоз шу территориядан қанча маҳсулот етказиб берса, биз ҳам шунча ҳосил топширамиз. Давлатдан на техника, на ишлаб чиқариш кучи сўраймиз, ҳаммасини ўзимиз бажарамиз.

— Унда студентлар фақат пахта етиштириш билангина машғул бўлиб қолмайдими? Уларнинг ўқув программасига зарар етмайдими?

— Нима, ҳозир пахта етиштириш, ҳосилни йиғиб-териб олиш билан машғул бўлмаймизми, ўқишни бир чеккага суриб қўйиб, пахта термаямизми? Ўзи программаларда ишлаб чиқариш практикасига ажратилган соатлар бор, ўша соатларни бевосита ўзимизга ажратилган ерда, ўз устахонамизда, ўз лаборатория-мизда ўтказамиз.



— Республикамизда сиз айтган имкониятларга эга бўлган ўқув юртлири борми?

— Билмадим, йўқ шекилли, аммо қўшни республикада, Тожикистон ССРнинг Зафаробод районида худди бизнинг профилимиздаги Гидромелиорация техникуми бор. Улар ҳозир биз орзу қилаётган тарзда иш олиб боришяпти, ҳисобларида бу йилги даромадларидан ташқари 150 минг сўмдан ортиқ пули бор.

— Жуда яхши биларкансиз?

— Алоқа қилиб тураемиз.

— Сизнинг ҳам орзуларингиз амалга ошса ишларингиз кўпаяр эканда?

— Кўпаяди. Коллективга уй-жой, боғча, студентларнинг ётоқхоналарини кенгайтириш ва яна турли манший хизмат кўрсатиш шахобчаларини барпо этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимизга киради.

— Демак тўла, ўз-ўзини таъминлаш имконияти юзага келади?

— Шундай. Ўз-ўзини таъминлаш, бу бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ўқув юртлирининг шароитини яхшилайти, уларнинг иқтисодий потенциали кўпайган сари давлат томонидан бериладиган иқтисодий ёрдамга муҳтожликдан, турли «Глав — глав»ларга қарамликдан қутилади.

— Демак сиз бундай ўқув юртлирининг республика-мизда оммавий тарзда (гарчи секин-асталик билан бўлсада) ўз-ўзини таъминлаш системасига ўтишни назарда тутаясиз?

— Бўлмасамчи, битта ўзимиз билан иш битмайди. Бир-биримиздан ўрганиш, тажриба алмаштириш, лозим бўлганда йўл қўйилаётган камчиликларни юз хотир қилмай кўрсатиш, иш услубимизнинг асосий мезонига айланмаса бўлмайди.

— Бевосита ўз-ўзини таъминлаш системасига ўтувунча шу формадаги баъзи ишларни амалга ошириш ёки кооператив тарзида иш юритишнинг имкони борми?

— Имкони бор. Лекин бу ишончли иш эмас. Масалан, 1986 йили турли совхозлар бизга ҳар хил қишлоқ хўжалик техникасининг зарур қисмларини ремонт қилиш учун беришди, биз уларни практик машғулотларимизда тайёрладик. Агар бундай буюртмалар мунтазам равишда бериб турилса қанийди, бундан ҳар икки томон фойда кўрарди, айниқса кўпгина хўжаликлар арзиманган зарур қисмлар учун сарсон бўлиб юришмасди. Лекин бунинг доимий иш тарзига айланиши қийин, чунки бунга ҳар икки томоннинг расмий ваколати йўқ.

1983 йили қўшни Абдалин номли совхознинг 70 гектардан зиёд қаровсиз ётган, ташландиқ жойини олиб деҳқончилик қилдик. Студентларимиз практик машғулотларини шу ерда ўтказишди, давлатга 43 минг сўм фойда келтирдик. Лекин айни хирмон пайтида совхоз бизга ҳеч бир ёрдам кўрсатмагани ҳолда меҳнатимиз маҳсулининг бир қисмини олиб қўйишга эришди.

— Гапларингиздан менда, студентларнинг практик машғулотларидан керагидан ортиқ даражада фойдаланмаяпсизларми деган савол туғилапти.

— Йўқ. Лекин биз студентларнинг назарий билимларини амалиятга тадбиқ этишига қаттиқ эътибор берамиз. Олайлик, студент уй қуришнинг ёки ернинг мелiorация ҳолати, сўғориш системасининг назарий томонларини мукамал эгаллагани билан уни бевосита ишлаб чиқаришда амалга оширолмаса бундай мутахассисдан халқ хўжалигига ҳеч қандай наф тегмайди. Шунинг учун ҳам биз тиришиб-тирмашиб, ҳатто баъзан жанжал қилишдан ҳам қайтмай ер сўраяпмиз, ўз-ўзини таъминлаш системасига ўтиш учун уриняпмиз. Бундан мудоао студентларнинг практик машғулотларини тўла, мукамал ва юксак савияда ўтказишдан иборатдир. Куйиб-пишиб уринаётганимизнинг яна бир томони ҳам бор, уни ҳам сизга айтиб қўя қолай. Ўз хўжалигимиз бўлса, бизнинг бошимизда ёнғоқ чақадиган одамлар, ташкилотлар камаяди. Ўзимизнинг эса ишимизга масулиятимиз янада ошади, ҳамма нарса аниқ ва равшан, ҳисоб-китобли бўлади. Очиғини айтсам ўқув программамизда кўрсатилишича практик машғулотлар учун жуда кўп нарсалар (ёғоқ, тахта, ҳар хил деталлар) ажратилган. Ваҳоланки, биз уларнинг биронтасига эга эмасмиз. Оддийгина детал ишлаш учун ташландиқ темирни йиғиб юрамиз. Ўз-ўзини таъминлаш ва ўз хўжалигимизга эга бўлиш натижасида ва иқтисодий имкониятларимиз ошгач, практик

машғулотларимиз учун зарур бўлган материалларнигина эмас, бугунги қишлоқ хўжалик техникасининг янги, ҳатто энг замонавий намуналарини сотиб олиш даражасигача етиб боришимиз мумкин. Бу ҳолат совхозлар, ҳатто мутасадди ташкилотларимиз ўртасида келиб чиқаётган келишмовчиликларнинг ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлишига олиб келади.

— Қандай келишмовчиликларнинг?

— Масалан, совхоз бизга 100 гектар ер ажратиб берса, ундан олинган маҳсулот совхоз планига кирмайди. Шунинг учун ҳам улар бизга ер ажратиб беришдан манфаатдор эмас, ишни пайсалга солаётганининг охири ҳам шунга бориб тақалади.

— Барибир ҳосилни давлатга топширасизлар-ку?

— Албатта-да.

— Ажратилган ерга нима экишни ўзларингиз ҳал қиласизларми?

— Йўқ, лекин реал таклиф билан совхоз дирекциясига, ёки район ижроия комитетининг тасдиғига борамиз. Биз давлат томонидан қандай кўрсатма берилса, нима экиш, қандай ҳосил етиштириш лозим бўлса шунга бажарамиз.

— Мутасадди ташкилотларингиз билан нимани келишмаяпсиз?

— Мени тўғри тушунинг, битта техникумнинг бошида шунча можаро эканми деб ўйламанг. Биз моҳият эътибори билан Москвага, мутасадди ташкилот сифатида Главсовхозстройга, территориал нуқтавий назардан маҳаллий ташкилотларга, Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига қараймиз. Бундай аҳволда мутасадди ташкилот ва унинг раҳбарлари бизни лозим ва зарур нарсалар билан таъминлашда ҳамisha ўзини четга торттириш, арзимаган ишга ҳам турли баҳоналар кўрсатиши аниқ. Шунинг учун ҳам бизга давлат томонидан ажратилган маблағни ниҳоятда тежамкорлик билан ишлатишга, баъзан бир оз «ўзбошимчалик» қилсақда маблағдан оқилона фойдаланишга тўғри келади.

— Масалан қандай?

— Масалан, ўтган йили техникум биносининг жорий ремонтлари учун 35 минг сўм пул ажратилди. Биз ўқув корпуси биносини ҳашар йўли билан ремонтдан чиқариб, мазкур маблағни иқтисод қилиб қолдик. Уни неча йиллардан буён ўйлаб юрган ва амалга оширолмай келинаётган 12 хонали лаборатория корпуси қурилишига сарфладик. Мана шу кўриб турганингиз ўқув лаборатория корпуси ана шу жорий ремонт ҳисобига ажратилган маблағга қурилди. Ма-

на энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ишимиздан ким зиён кўрди-ю, ким фойда қилди. Агар биз шу жойни тиклаш учун идорама-идора, ташкилотма-ташкилот, қоғоз кўтариб, ариза ёзиб, қўл кўйдириб юрганимизда бу иш неча йилларга чўзилиши мумкин эди. Ҳатто ажратилган пулнинг ўзи ҳам режали ишлатмаганимизда етмас эди. Билсангиз битта лойиҳанинг ўзига 7 минг сўм сўрашди, рози бўлмадик, лойиҳани ҳам ўзимиз тайёрладик.

Евқошти Хайдаров буларни ҳаяжон билан, тўлиб, ёниб, куйиб ҳикоя қилиб берди. Биз эса унинг баёнида, ҳаракатларида, амалга ошираётган ишларида бугуннинг нафасини, қайта қуришнинг дадил ошкораликнинг руҳини сездик.

Евқошти Хайдаров амалга ошираётган ишлар, унинг фаолиятидаги ташаббускорлик маҳаллий ташкилотларнинг, айниқса район партия комитетининг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди. Шу ниятда район партия комитетининг секретари Ҳидоят Ашраповна Шарипова, ташкилий ишлар бўлимининг мудир Б. Аҳмедов ўртоқлар билан суҳбатлашдик.

— Ҳа, техникум директори ташаббускор ходим, бир неча бор бизга шундай таклиф ва расмий мактублар билан мурожаат қилгани рост.

— Ишлари амалга ошмаётган, илтимослари натижасиз қолаётган экан?

— Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, совхоз ер беришдан ўзини четга тартади, қизғанади.

— Нега энди, ахир ер давлат мулки-ку, буларнинг талаблари қондирилса ишлари юришиб кетаркан, шундайми ўзи?

— Ҳа. Яхши бўлади, биз албатта ёрдам берамиз. Район ижроия комитетининг раиси Турғун Обидовга ҳам муддаомизни худди шу тарзда баён этдик.

— Техникум директорининг хабари бор, мен бу ишга яқинда келдим, илгари айтган бўлиши мумкин. Марҳамат, хат қилиб ёзиб келишини, айтган ерларини албатта ажратиб берамиз.

Масала осонгина ҳал бўлди, қолди. Бўлмаса Евқошти Хайдаров нега бунча куйди-пишди бўлиб юрган экан деб ўйламанг, чунки бу гаплар ҳали ваъда. Улар амалга ошадими, уни келажак кўрсатади. Биз эса яна келажакда ваъдаларнинг қай даражада рўёбга чиққанига яна қайтамыз.

Евқошти Хайдаров билан Сирдарё — Тошкент

йўлининг чеккасида ҳайрлашарканмиз, у узоқда, машинасининг ғилдираги чиқиб, унинг тагида ўралашиб, ҳуноб бўлаётган ҳайдовчининг ҳолатини кўриб ўйлаб қолдик.

— Қанийди, эртами-кеч мана шу йўл ёқасида «Автомобилга техник ёрдам қилиш пункти»ни қурсак...

Тушингизга кирдимми?

— Ҳа... Тушимгаям киради, аммо ўнгимда бўлмаса бўлмайди дўстим, ният қилиб кўйдим, рўёбга чиқмагунча кўнглим жойига тушмайди.

— Унга ҳам имкониятларингиз борми?

— Бор, бу жой, мен ўйлаган ремонт пункти, автомобиль эксплуатация ва автомобилларга техник қаров ўтказиш факультетларининг лабораторияси бўлади, фақат ижозат берсаларгина бас.

— Ижозат берганда ҳам, уни йўлга қўйиш, расмийлаштиришнинг ҳам ташвишлари кўпдир, шундай ёрдам пунктлари қурилганми ўзи бизда?

— Бу йўлларда йўқ, лекин у жуда зарур. Бу ўйнинг ҳаёлимга келганики, бизнинг Ульяновскга бораётган «ЗИЛ»имиз йўлда бузилиб қолганида уни шу йўл чеккасида қурилган ремонт пунктида тузатиб беришган эди. Пулини юборган квантацияси бўйича шу ердан почта орқали жўнатдик. Шундан бери ўйламан, нега бунинг бизда иложи йўқ дейман.

Мен шу чоғ кимгадир, қайгадир тикилгандай ўйлашиб қолган Евқоштининг нигоҳига қарайман ва унинг кўзларида ўқтам инсоннинг, ўз ишига масъулият ҳиссини сезган ишчан раҳбарнинг, давлат мулкини ўз мулкидай асраб, унинг чинакам эгасига айланаётган одамнинг истиқболга ишончини кўраман. Мен яна унинг ўйларида эл ташвишида қийналаётган, изланаётган ва яна янги режаларни тузаётган олимнинг учқур тафажурини сезаман.

Евқошти Хайдаров ва у раҳбарлик қилаётган техникум ҳаётидан ҳикоя этганимиз, бугунги қайта қуриш сари қадам ташлаган ва ўзгариб, янгиланиб бораётган қайноқ ҳаётимизнинг бир томчиси, бу томчилар қанчалик кўпайган сари ҳаётимиз кўриниши шунча тиниқлашиб, шунча покланиб боради. Мен эса кўз илғамас Сирдарё — Тошкент йўлларида қахрамонимнинг ўйлари, ташвишлари, ўша тиниқ, улуғ келажак ҳақидаги орзуларига ҳамроҳ бўлиб бораман.

Ёқуб ЯКВАЛХУЖАЕВ



Барот ИСРОИЛ.

Эъзозли сўзим

Сабо бўлиб бошим силадинг,
Оқшом бўлиб ором тиладинг,
Оқ тунимни тонгга уладинг,
Онам — табиат!

Замин бўлиб опчиланган — сен,
Туйғуларим осмон қадар кенг,
Баҳам кўрдинг топганингни тенг,
Отам — табиат!

Чақмоқ бўлиб кўрсатдинг йўлим,
Саховатли, хайрли қўлим,
Ҳақиқатга жўр этдинг тилим,
Устозим — ўзинг!

Қуёш бўлиб ёритдинг куним,
Юлдузимсан, безадинг туним,
Мададкорсан — ишимда унум,
Эъзозли сўзим —
Табиат!

Меҳрингнинг нуруни
Сочдинг бизга,
Қалбингнинг қўрини
Очдинг бизга.

Очдинг бизга.
Кимлардир,
нурингдан яшнади,
Кимлардир...
сахродек ташнадир.
Барча кўнглин тенг ололмадинг,
Эй қуёш —
Удда қилолмадинг.

Бекинмачоқ ўйнар эдик биз,
Оймомонинг ёғдусида,
Бир-биримиз топаолмаймиз,
Энди... ҳатто кундузида...

Оналар кулгусида осойишталик
Гўдаклар кулгусида

осойишталик.


Оналар, гўдаклар хотиржам,
Демак,
Йигитлар уйқусида осойишталик.

Соғинч

Ўзга элга йўлинг тушса
дафъатан,
Йироқдан сервиқор кўрингандек
тоғ,
Кўз олдингга келар беқиёс Ватан,
Ўзга йўлга йўлинг тушса
дафъатан...

Замин — ёнғоқ донаси,
Бу — менинг ризқим асли,
Бу — сенинг ризқинг, наслим,
нега исроф этасан.
Чақасан, додлатасан,
Еқасан, порглатасан?
Асрамайсан не учун,
Эртанги кунинг учун?..

Аввал шоир бўлиб
«шеър»лар ўқиди,
Уни куйга солиб
оҳанг тўқиди.
Ижро ҳам этди, ана,
чинқириб аранг,
Тингловчи ягона
ўзидир, қаранг!





Нуриддин БОИМАТОВ

В. И. Ленин номидаги Совет Болалар фонди — 707-счётга



Бизлар яшайдиган Нуротанинг Қоратов ва Оқтовларида қадимдан туркманлар яшаб келади. Бизлар туркман жамоасидан чиққан ўзбеклармиз. Қишлоғимиз кишиларнинг табиати бир дунё. Қаерда бўлмай уларнинг оғзига қарайман, улардан сўз, мақол, ибратли нақл ва ўғитлар «ўғирлайман». Ҳамқишлоқларим ҳаётини, уларнинг оғзидан чиқадиған сўзларни севаман. Шу боисми, мана, эллики қорасини олиб ҳам гоҳ-гоҳ қороз қоралайман. Бир истагим бор: агар ҳикоялар журналда босилса қалам ҳақини бутунлай № 707 ҳисобга — етим болалар ҳисобига ўтказилса. Ўзим ҳам икки йил болалар уйда тарбияланганман — халқнинг, давлатнинг беминнат нонини тотиганман...

Муаллиф

Биринчи олишув

Абдат тоғам қирқ йилдан зиёд аввал бойларнинг, сўнг колхоз-совхознинг қўйларини боққан.

Тоғамнинг бўрилар ва ёвқур ити Қорабойнинг улар билан ҳаёт-мамонт олишувлари ҳақидаги ҳикоялари мароқли бўларди. Улар болаликдаги хотирамга ўчмас ёзувдек муҳрланиб қолди...

— Отам қазо қилганида ўн тўрт-ўн беш ёшларда эдим. Тўртта ука-сингилларим бўлиб, энамнинг «нон топар» мен эдим. Отадан айрилиб қолганимиздан сўнг бойларнинг илингган ишини қилиб юрдим. Зўрга ўлмас ютум топиб кун ўтказарлик.

Шу йили Оқтовда ўт битмай, бир бой Ўсар аминдан рухсат сўраб, бир қўра қўйини Қоратовга ҳайдаб келди. Гумнинг ўридаги овлоқ адирга қўниб, ўтов тикди. Бу ернинг номи шундан шуёнга Қўйчибой аталиб қолди.

Бой атрофдаги қишлоқлардан қўйга чўпон солса, улар туроқламай, уч-тўрт кун боқиб, кейин таёқни отиб кетаберибди. Ҳеч ким сабабини тузук айтолмасди. Бойга чўпон керакмиш, деб эшитиб мен ҳам таваккал деб бордим. Катта чошгоҳда ёлғиз ўтовга етдим. Бой қўйларини Гумнинг сувлатига эндираётган экан. Кўришиб муддаомни айтдим.

— Улим, ҳаққинг ойига — бир қўзи. Оёғингга чорик тиктириб бераман. Мен шу ерда қишни чиқариб, йил киргандан кейин юртимга кетаман. Ҳозир сунбула, то ҳамалгача... етти ой-етти молли бўласан, — деди.

Қувонганимдан баданимга ваража киргандай қалтираб кетдим. Ахир, етти ойда етти қўзили бўлсам, қарзларимиздан қутиламиз, уруғлик бугдой сотиб олиб, кўклам бир парча еримизга дон сочамиз!

— Кўктойни ола кет, ўзингга эликтир, — деб бойбова каттакон итининг бўйнига чилвир боғлаб қўлимга тутқазди.

Қирдан ошиб чағатга тармашган қўйлар кетидан Кўктойни етаклаб «Чўпон ота, ўзинг қўлла», деб жўнадим.

Кўктойнинг ҳеч етакка юргиси йўқ: тихир-

лик қилади. «Чўпон тўрвам»даги нондан оз-оздан синдириб бериб, ияртиб кетабердим.

Қўйлар ўтларнинг бирини қўйиб бошқасига югуради. Тоғда йилнинг айниқса икки ойи бўлакча бўлади-да! Савр билан сунбула. Ҳозир сунбула кириб сув сувовган, иссиқнинг раъйи қайтган, қўнғир салқин шамоллар одамнинг кўкайини ўстириб, тирикчилик гам-ташвишларини аритиб юборади.

Обдан пишиб шираси танасига синган қўнғирбош, қуртқасоч, гуж-гуж шакар боғлаган янтоқ, кийик ўт, ёвшану бодомчаларнинг иси димоқни ёргудек. Тоштўрғай, какликларнинг бири қўйиб, бири олиб сайрашлари овлоқ тоғ-тошларни тутиб, қўнғилга мойдан ёқади.

Тоғларга тикилиб, шуларни ўйлаб Қорамўланнинг ёнбағрида ёнбошлаб ётсам, бирдан қўйлар «дурр» этиб хуркиб қочди. Жойимдан ирғиб турдим. Кўктой ерга қапишганича бутимга кириб кетди. Қирнинг устида бир бало қўндаланг бўлиб турибди! Ҳайбатли кулранг бўри! Ваданим бирдан музлаб, жоним тос тепамга чиқиб кетди. Оёқларимнинг мадори қуриб, таёқдай қотиб қолдим. Юрагим тагга ташлаб, нафасим чиқмай қолди. Увададай илвираб қолган бармоқларимни зўрга қимирлатиб Кўктойнинг бўйнидан чилвирни ечдим. «Ол-киш», десам тилим танглайимга ёпишиб дингим чиқмайди. Кўктой чилвирдан бўшаган даноқ орқасига бурилиб, думини қисганича изиллаб ўтовга қараб қочди-да кетди. Жойимда қотдим-да қолдим. Илон авраётган бақадай икки кўзим бақрайиб бўрига қадалди-да қолди.

Бўри аста-секин бир зайлдаги юришини бузмай қўйларга яқинлашиб келди. Пойинтар-сойинтар йўқ, мени чумчукчаям кўзига илмайди. Бир сакраб тўқлини бўйнидан «ғарчча» тишлади, бир силтовда елкасига ўнгариб, келган изига қайтди. Қирнинг дол тепасига чиқди.

Кўз олдимда тўқлининг қорнини «тар-тар» ёриб, аввал ичини — жигарини, юрагини еди, сўғин суякларини обдан қасирлатиб гажиди.

Бир вақтлар — қанча вақт ўтди билмайман — жойидан туриб газадан ошиб кетди. Қарасам кун тандирдаги оловдай қип-қизил ловиллаб Еллиқие орқасига ботаётир. Қўйларни ҳайдаб ўтовга келдим.

Бойбова менга бир қаради-да, ўчоқ олдида турган чойдушдан ҳовучига сув қўйиб, «чарс» эткизиб бетимга сешиб юборди.

— Буёққа юр, — деб тирсагимдан тутиб ўтовдан четга етаклади, — болалар эшитиб кўрқмасин: қўйингга бўри доридими?

Мен бўлган воқеани айтдим.

— Ҳа, Кўктойнинг қочиб келганидан ҳам кўнглим сезганди. Келганимдан бери шу билан тўрт молимни еди. Келса молнинг чиқаси, сабабчидир эгаси, дебди бурунгилар. Ҳалиям бўрига инсоф бергани шу — биттадан еяпти, агар қиражўйса-у ёмон, ундай балосидан сақласин, — бойбова гапидан бир зум тўхтаб, кўзларимга хотиржам тикилди, — болам, сен кўрқма, кўнглингни бўлма, иркилма! Қўйни боқабер. Бўрининг дарди қўйда, одамга иши йўқ. Уям ахир инсофга кирар... Менинг ваъдам ваъда, ҳаққинг ойига бир қўзи. Лекин ҳеч кимга бу бўрини айтиб юрма, — деди.

Бойбованинг ҳеч нарса бўлмагандай бамайли-хотир гапиришини, овозидаги, кўзларидаги меҳрини, ишқилиб нимасидир отамни ёдимга солди. Бирдан юрагим тинчланиб, бир зайл ура бошлади. Ҳозироқ кетаман, деган ўйимни унутиб:

— Майли, бойбова, қўйларни боқабераман. Уйда бир қор босган итим бор. Шуни ҳозир бориб эрталабгача олиб келай, — дедим шердил бўлиб.

— Майли, улим, обкесанг-опке. Ошингни ичиб кет, — деди.

Номозшомда бойбованикидан чиқиб қишлоққа жўнадим. Эл ётиб, хуфтондан ошганда қишлоқнинг қорасини олдим.

Бир қир берида Қорабойим олдимга чопиб чиқди. Бир кун кўрмаганига соғинибди: уст-бошимни искаб, елкамга оёқларини қўйиб қучоқлади.

Укам-сингилларим ухляпти экан, энам «кимсан?» деб эшиқдан чиқди.

— Тонг-саҳар уйғотинг, Қорабойни оп кетишга келгандим, — деб укамларнинг тўшагининг чеккасига кириб ётдим.

Фозимокнинг чўққисидан офтоб порпора кўтарилиб ёйилганида ўтовга Қорабойни ияртиб етиб келдим.

Бойбованинг ўн яшар тўнғич ўғли қўйларнинг олдини қайтариб турган экан.

Италоғи олдида ётган Кўктой ириллаб Қорабойга яқинлашди. Қип-қизил кўзларида ваҳшиёна кек, узук-юлуқ хир-хира тортиб Қорабойга ҳарб килмоқчидек алфозда атрофида ер тирнаб айланаберди.

Қорабой қилт этмай қараб турди. Кўктой ҳарчанд сўйлоқ тишларини қайраб, важоҳатини хурпайтирмасин, Қорабойга ташланишга юрак ютиб ботинолмади. Ғайирлик билан Қорабойга қарай-қарай, ялоғининг олдига бориб ётиб олди.

— Итинг ёш бўлсам ғайбар бўладиган чўти бор, — деди итларга индамай қараб турган бойбова мийғида кулимсираб.

Уч кун Қорабой иккимиз тинч-омон қўйларни боқдик. Тўртинчи кун деганда яна Қорамўланнинг олдида қўйларни ёйиб, мўла тагида Қорабой икковимиз қаватма-қават чўзилиб ётгандик.

Кеч пешинлар чоғи қўйлар тирқираб хуркиб қочиб, олдимга келиб тўп бўлди. Қирнинг тепасига қарадим: яна ўша кулранг бўри!

Қўй жониворнинг бўрини кўргандаги жони чиққудай кўрқини-ей! Кўзалари оқчирайиб чиганоклаб, бир-бирининг пинжигга тикилишиб дирдир қалтирашади.

Қорабой ҳам шу заҳоти бўрини кўрди, кўрди-ю жойидан ирғиб туриб тек қотди. Икки кўзи бешдуранинг ўқидай бўрига қадалиб, михлагандай қимир этмайди. Ҳар бир туки игнадай тикрайиб кетди. Гавдаси бир қарич кўтарилгандай бўлиб, бўйин жунлари қилиқнинг дамидай тик бўлди. Лекин бадани булк этмади.

Мен гоҳ қирдан худди биринчи сафаргидай беписанд эниб келаётган бўрига қарайман, гоҳ Қорабойга! Бўри Қорабойдан бўйдор, гавдаси бир яримта келади.

Қорабойнинг сиёғига қараб таёғимни қаттиқ қисиб ушладим, овозим ҳам чиқди:

— Вос, Қорабой! — деб хирқираб бақирдим.



Қорабой жойидан ўқдай отилди. Бирок... бўрига қараб эмас, Кўктойга ўхшаб орқасига — ўтов томонга эмас, ён тарафдаги қирга қараб зингиллаб кетди-ю, бир зумда қироқдан ошиб кўздан йўқ бўлди.

Оёғимда мадор қуриб, белим букилиб ўтириб қолдим. Қўй жониворларнинг қўрқув, жон талвасасида косасидан чиққудек бўлаётган кўзларига қарадим, ўкириб йиғлаб юбордим. Ҳаҳ Қорабой-а! Сенинг ҳам ўтинг ёрилиб қочдинг-а! — дейман, алашим олти бўлганидан шўртанг лабла-римни тишлаб.

Бўри бу орада қўйларга ўн-ўн беш қадамларча яқинлашиб қолган эди. Унинг ўта совуқ турқига тикилдим! «Азроилнинг бир туки» деганларича бор. Лекин шу пайт кўкайимдан бир кек қотувла-ниб келди-ю, томиларимдаги қон кинли, ғазабли жўшиб буткул баданимга исёнкор куч қўюлди. «Ўлсам-ўламан, қолсам-қоламан, олишаман!» Миямдан шиддат билан шу хаёл кечди-ю аввал таёғимни белбоғимга суқдим, сўнг муштдай-мушт-дай тошларни териб қўйнимга тика бошладим.

Шу асно қирда майда тошларнинг бир-бирига урилишидан чиқадиган шиқирлаган товуш эшитилди. Ялт этиб қарадим: бўри келган томондан бир қора нарса қуёндай қуйилиб тик чағатдан пастга энаётир; оёқлари тагидан чанг кўтарилди, тезлигига кўза аяролмади.

Бўри тўхтаб орқасига бурилди, қуюндай отилиб келаётган қорага тикилиб кўндалангига бел бўлиб турди.

Бу «қора қуюн» Қорабой эди! Ўқдай отилиб келди-ю кўкраклар бўрининг белига урди. Бўри уч-тўрт қадам жойга учиб кетиб, гурсиллаб ерга қулади. Жойидан туриш учун ҳарчанд уринади, лекин белидан пасти ўликниқидай қимир этмайди.

— А-ҳа! Ҳаҳа-ҳа!! — юрагимда кўпирган шод-лик, қасос сели кўкрагимга сиғмай бўкириб юбор-дим.

Белимдан таёғимни суғириб олдим, қоқ манг-лайига қарсиллатиб солдим:

— Қандай бўлди?! Қандай бўлди?! Аҳа-ҳа! Андай бўлди?! Аҳа-ҳа! — Ой далани бошимга кўтариб айюҳаннос солиб бўрини савалардим. Бў-рини қанча ургунимни билмайман, таёғим қарс этиб синди.

Бўри ғирт этмай ётибди, фақат ёвузона ўтли кўзлари Қорабойга, менга тешиб юборгудек қада-лади.

Қорабой зарб билан кўкраклар сўққанида бўри-нинг умуртқа юлини юлиниб, белидан пасти шал-виллаб қолган эди.

Қорабой бўридан уч-тўрт қадам нарида Қо-ра-тоғнинг майин қўнғир шамолига юз тубан ётиб олди. Туйғун кўзларини гоҳ-гоҳ бўрига тикканида у кўзларини юмиб олади.

— Қорабой, сен бўри полвон билан қўйларга қараб тур, мен бойбовамга кетдим! — дедим-да, ўтовга қараб чопдим. Ярни синган таёғимни қи-личдай бошим устида сермаб, йўрға отнинг ҳапрак отиб чопишидан улгу олиб, шу чопаман-ей, шу чопаман!

Ай-ҳай, ёшлик-а! Во дариг ёшлиг-ей! Зувлатар ўйинларимиз ёдимга тушиб «зув-в» деб чопаман, қирми-ўйми бирдай иркилмай кетаёпман, саврда кўкка тўйган тойчоқдай «пиш» бериб тувлаб-ту-в-лаб юбораман-ей, шаталоқ отиб! Ёшлик, унинг устига кўкракка сиғмаётган қувонч бир кучга ўн куч қўшаркан-да!

Энди ўйласам мен ҳам умримда ўшанда бир марта ичмаси пиён бўлган эканман-ов.

Агар битта-яримта одам ўшанда қуюндай киш-наб чопишимни кўрганида «Э, манови бечорани овлоқ тоғ-тошда ажина чалибди-ёв, хастарламай бежороқ ерда ухлаб-пухлаб қолган экан-да!» деган бўларди.

Қорабойнинг ёви билан биринчи олишуви, бир зарби билан уни чилпарчин қилгани мени шунча-лар ақлдан озар даражада қувонтирган эди.



Т. Саъдуллаев расми

Етти бўри

Нуротада Шўро ҳукумати тузилиб, бизларга ўхшаган камбағалларнинг ҳам пешонасига кун чиқиб, елкамизга офтоб тегди.

Колхоз фирқалари мени идорасига чақириб «Отанг раҳматлик ҳаромдан ҳазар қиладиган ҳалол одам эди. Тояна сенинг Қорабойнинг бор. Сенга колхознинг бир кўра қўйини ишониб топшираёпмиз. Биттасиниям камайтирмай боқасан», дейишди.

Қорабой уч қор босиб тўртга чиққан эди.

«Уриши таниш, олдин ҳам «бойбова»нинг қўйи-

ни боққансан» деб раис бова Қўйчибойга ўтов тик-тириб берди.

Энам, ука-сингилларим билан ўтовга кўчиб бор-дик. Укам ҳам ўн иккига чиқиб, қўлтиғимга кириб қолган эди.

Қишнинг бошида қўйларга бўри дориётир: етти-та эмиш; фалончининг қўрасидан ўнта қўйини кирибди, пистончининг қўйидан бештасини епти, деган гаплар тарқалиб қолди. Шундан кейин кечаю-кундуз ўзим Қорабойни ёнимга олиб, қўй-лардан айрилмай боқиб юрдим.

Бир куни — тушнинг олди, ерда қиламиққина қор бор. «Ев босган»нинг тушлик беткайнда қўй-ларни бўлиқ ёшанга қўйиб юбориб от устида айланиб юрибман.

Ҳазадан шамшаб етти бўри чиқа келди. Отим

«пирқ» иллаб хуркиб олиб жўнади. Якжилов қи-либ бўрилар томонга бурдим. Тақимимда заранг таёғим бор. Шу орада бўрилар ўрмон-сўқман қўй-ларга оралади.

«Ҳайт!» — деб бўрилар устига от солдим. Қо-ра-бой ҳам тура умтилди. Оралиқ юз қадамлар қол-ганда, бўрилар изиллаб қир ошиб қочди. Қо-ра-бой отдан ўзи бўриларни қувганича қирдан ошиб кетди.

— Қорабой, қайт! — деб бақираман, отни аёв-сиз савалаб.

Дўнга чиққанимда улар иккинчи қирдан ҳам ошиб кўзга кўринмай кетди.

— Қорабой, Қорабой! — деб чақириб икки ча-қиримча қордаги излари кетидан қувдим. От қора терга тушиб қолганидан сўнг, қамчилашимни қўйиб отни тўхтатдим.

— Хайт, аттанг, эсиз Қорабойим! Бу етти бўри охири ўртага олиб итимни сангпора қилади!

Из олиб яна икки-уч қир ошдим. Излар ҳеч ерда гидирмай, бўриларнинг тўхтамай қочаётганини, Қорабойнинг ҳам бетўхтов қувиб кетаётганини кўрсатиб турибди.

Кун тушдан оғганда қўйларга алағда бўлиб, ноилож орқамга қайтдим.

Ичимни ит тирнайди; асиссари етти бўри охири Қорабойни ўртага олади. Қорабой фил бўлгандаям якка ўзи еттисига бас кела олармиди?

Хей, аттанг, Қорабойим! Нега мунчалар ёвюррак бўлмасанг?! Нега «қайт» деганимга қулоқ солмадинг? Одамдай эсли эдинг-ку! Кўзимга қараб кўнглимдагини сезарди-я!

Ичимга чироқ ёқса ёришмайди: бир аҳволда қўйларни топиб олдим. Уларни тўллаб Қорабой бўриларни қувиб кетган томонга қараб ёйиб кета бердим.

Номозгар олдида Авлиёота йўлида бир отлик кўринди. Олдига чикдим. Урганжилек Асқар бова экан. Итни, бўриларни кўрмадингизми, деб сўрадим.

— Кўрдим. Итингиёям, етти бўриниям кўрдим. Тоғдан ошувдаги тангининг ёқасида уларнинг устидан кеп қолдим. Отим қулоғини чимириб таққа тўхтади. Қарасам, юз одимча жойда бўри гирди кўрғон бўп тур, итинг ўртада. Узиям танадай бор экан. Елкаси хўкизнинг ўрқачидай бўп, ўртада гир айланиб, қайсига тингилиб рав бўлса, шу бўри уч-тўрт кадам орқага думини кичиб қочади. Қорабойнинг шу айланишида қорни ғажирлашиб ошалаётир: ичи куйиб кетганда, шунча жойга чара бўриларни қувиб. Бўриларнинг ҳам тинкаси қуриб, тили оғзидан осилиб кетган. «Қорабой, Қорабой, берман ке!» деб чақирдим, ияртиб кетай деб. Қаёқда! Бирдан қаршисидаги бўрига хез қилди, еттовиям олдига тушиб изиллаб қочиб берди. Шунча чақирдим, итинг қарамадиям, қир ошиб қувдида кетди.

— Ахийри улар итни ўртага олиб... ўлдиради-да! — дедим Асқар бовага, ҳам йиғламоқдан бери бўлиб, ҳам умидвор кўз тикиб.

— Итинг бўриларнинг обдан ўтини опти, — деди Асқар бова кўкала соқолини қашиб, жилмайганича, — лекин чироқ, ҳали ёшанда, билмайсан: бўрилар танти келади. Уларнинг ҳар-бири ўзининг чамасига қарайди. Итнинг кучини овозидан, тарзидан билади. Итнинг ўзидан зўрлигини, унга чамаси ошмаслигини сезгач, олишмаси қоча беради. Шунча уларнинг тантилигидан-да, одамлардай биттани кўплашиб енгамиз, дейдиган нотантлиқ, шумлик йўқ бўриларда.

Итинг бўриларни тоғдан пастга эндириб юбориб, қайтса керак... — бироз жимиб қолди, — янаям билмадим, чироқ, худо билади... — деб гапининг охирини ғужала қилди.

Қўйларни оқшомлатиб кўрага ҳайдаб келдим. Воқеани эшитиб укам ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Энам ҳам ух тортиб, дамба-дам «аттанг» лаб қолди.

Кеч ҳуфтонлар ётдик. Уйқу қаёқда. Ташқарида «тирп» этган товуш эшитилса, қулоғимни динг қиламан. Бир қулоғимни пўстакка босиб ётибман. Вир вақт — ер ости билан қорнинг ғижир-ғижир қилгани эшитилиб тобора яқинлаша берди. Қорабой! Жойимдан ирғиб туриб ташқарига отилдим. Оппоқ қорда Қорабой йўртиб келяпти.

— Қорабой! — Яланг оёқ-яланг бош чопдим. Қорабой — ҳарсиллаб, тили осилиб кетган — етиб келди. Бўйнидан қучоқладим. Жикқа хўл! Қонми, деб жон-поним чиқиб кетди. Йўқ, сув терга тушиб кетибди. Бўйнидан етаклаб ўтовга чопдим. Энам ҳам ташқарига «шайтон» чироқни кўтариб чиқди.

— Эна, Қорабой сув терга тушиб кетибди, нима қиламиз?! — дедим.

— Ичкарига кирит, тери қотмасин! Ҳеч ўтовга кирмасди, йўқ, бу сафар бўйнидан етаклагандим, ичкарига кирди. Энам бир чеккага жун қопни тўшади. Қорабойни қоп устига ётқизиб, устига чакмонимни чирмаб ёпдик. Қўл суқиб устларини силаб кўрдим. Бир жойим яраланмаган! Лекин ҳаддан кўп чопибди: анча вақтлар ҳолиқсираб, ҳарсиллаб ётди.

Укам боя қанча йиғламасин, Қорабой келгандаям, шунча шобиргаям уйғонмай, гирт этмай ухлаб ётарди. Уйқуям зўр-да!

— Сен энди ухлай бер, эрта турасан. Қорабойнинг совусин, кейин ошини бераман, — деди энам.

Бир пас «кучингдан, аканг қарағайнинг Қорабой!» деб шисиниб, қувониб ётдим... кейин ухлаб қолибман.

...Шундан кейин биров Қоратовда етти бўри кўрдим, демади.

Бўғма илоннинг ўлими

Қорабой ўн тўрт йил яшади. Биттаям қўйни бўрига олдирмади. Бўридан талов емади. Бўрилар атроф кўраларга дорисаям менинг ёнимга ёнашмайдиган бўлди. Улар Қорабойни обдан синаб, овозигаёқ яқинига йўламайдиган бўп кетди.

Мен ҳам Қорабойга орқа қилиб бўри-сўрини хастарламайдиган бўлдим.

Қорабой умрида бир одам билан ғажикди, бир илон Қорабойни ўлдириб қўйишига сал қолди.

Қамишлоқнинг сувлатида дуч келган у илоннинг юзини тескари қилсин! Эртасига бет-олдимга ёппа учик тошиб чиқди. Кўп вақтлар оқшомлари

уйқумдан чўчиб тушиб, юрагим гурсиллаб урганича уйғониб кетардим. Қорабой ҳам бир ажалнинг оғзидан қайтди. Уч кун ўрнидан туролмай ётди...

Уша йили ёлов кўрам Қамишлоқда эди. Катта чошгоҳда қўйларни сувлатга эндиридим. Узим қўйларнинг сувлаб қайтиб чиқишини кутиб тепада ён бошлагандим.

Бирдан қўйлар дурмаб орқасига ола-тасир қочиб чиқишди. Қўзининг маърагани эшитилди. Қорабой илдай, мен кейин пастга чопдик. Сувнинг ёқасида ялтираган бир балога кўзим тушди. Узулиги бир ярим қулоқдай, йўғонлиги одамнинг бўрбойдай илон уч кунлик қўзининг ярмини ютибди, ярми ҳали ташқарида.

Ит илоннинг атрофида чир айланяпти, илон оғзида қўзи тикилган қўйи итга қараб гир айланяпти. Ит илон устидан шип этиб бир сақаб ўтди. Шу ўтишида бир тишлаб ўтди. Орқасига бурилиб қайта сақради илон устига, энди тишлаган пайти илоннинг думи ҳавода яшиндай ялт этди-ю, итнинг бўйнига ўралди. Яна бир буралиб итнинг белигаям чирмади. Оғзидан қўзи отилиб чиқиб кетди итни кисган пайти. Ит аввал оёқлари билан ер тирнаб, силкиниб илондан бўшамоқчи бўлди. Лекин илон сим тасмадай ит баданига ботиб сиқди, ит кимир этолмай, тили оғзидан чиқиб, сулайиб ётиб қолди.

Қани, уларнинг олдига йўлай олсам! Аъзои баданим дир-дир қалтирар, пичоқни қиндан суғуролмайман. Ит жонивор шундаям бўғилиб вангилаяпти, одам боласи чидай олмайди. «Қорабойни қараб туриб илонга ўлдиртирасанми номард?! Қўлингга ўткир пичоқ бор! Шарт сол, икки бўлиб ташлайсан-ку!» Шуйтиб ўзимга ўзим қорув, пиш бердим. Бора солиб итнинг белидан таранг сиқаётган йўғон жойидан шириллатиб пичоқ солдим. Пичоқ солган заҳотим парт этиб икки бўлинди, қони отилди. Икки бўлагиям итдан ажралиб партиллаб ошиб-тушиб ерга урилиб, чор атрофни қип-қизил қонга бўяди. Қалласидан икки қаричча куйироқдан кесган эканман. Соё тўла тош, ураура бошини янчдим. Бўғма илон дегани шу эканда, чакмас экан-у, бўғиб ўлдиран экан.

Қорабой жонивор, одамдай инганиб жойидан турман, дейди-ю, бўйни, белини оломай, шилқиллаб чалажондай бўп ётир. Суяк синдимикин ё ичида бир жойи кетдимикин? Ярим соатлардан сўнг бўйинини кўтариб олди. Сўнг судрала-судрала беш-олти қадамча жойга келиб, яна чўзилиб ётиб қолди. Анча вақт дам олиб ётиб, яна ер бағирлаб судрала-судрала юрди. Шу аҳволда тушда қора уйга етди.

Бели кетибди-ёв, деб ич-ичимни ейман. Йўқ, уч кун шу аҳволда ётиб, зўрга атала ичди. Тўртинчи кун белини кўтариб юрадиган бўлди.

Илон оғзидан тушган қўзи қоп-қорайиб, аталадай ириб кетди.

Ориф ОДИЛХОНОВ

Телба булутлар

Сиз билан олишиб овора еллар,
Беқарор феълингиз тушунмоқ мушкул.
Сувга зор чўллар бор, қақраган ерлар...
Сиз эса денгизга ёғасиз нуқул.
Йўлидан адашган телба булутлар...

Тушларимда кўраман сени

Тушларимда кўраман сени,
Боғларда гул териб юрасан.
Еки анҳор бўйида мени,
Маъюсина кутиб турасан.
Гоҳо бўлиб, тенгсиз бир чаман,
«Лолалардан гулхан ёқасан»,
Хира кўнглим ёригиб бирдан,
Тўлин ойдек қулиб боқасан.
Қушдай учиб тубсиз осмонга,
Зуҳро бўлиб порлайсан, эркам.
Ва айланиб сирли навога,
Қайларгадир чорлайсан, эркам.
Тушларимда кўраман сени...

Бўри

Масал

Ҳоким экан бир кичкина
Урмонда бўри.
У йўларкан ўрмонда йўқ,
Деб мандан зўри.
Дағдага, дўқ қиларкан хўп
Йиғиб ҳаммани.
«Мен билмайман сизлар тугул,
Тоға-амгани».
Баъзан эса тулқиларнинг
Гапига кириб,
Қўйдек ювош ҳайвонларни
Кетаркан қириб.
Ииллар ўтиб тулкини ҳам
Суриб қўйибди.
Кези келса Шоқол дўстин
Кўзин йўйибди.
Бора-бора ёғ босиб денг
Қонли кўзларин,
Ҳеч кимга қор қилмай қўймиш
Унинг сўзлари.
Қоплон, сирглон юз ўгириб
Қолибди ёлғиз,
Ердам бер деб ёлборибди
Итга чўкиб тиз...
Қилмишига яраша ул
Жазо олибди...
Ибрат бўлиб биз тўқиган
Масал қолибди.

Одамнинг умри

Суқунат қўйнига
Ўзимни отдим,
Бирдан гумбирлади
Момақалди роқ.
Тош қотган тоғларни
Куйлаб уйғотдим,
Кўз ёшдай отилиб
Чиқди минг булоқ.
Муҳаббат ўтида
Ҳушим йўқотдим.
Сел келиб оқизиб
Кетди кўп йироқ.
Нур уфқда оқибат
Қушдай ботдим
Дўстларим қалбида
Уйғотиб ингроқ...
Демак, яшамабман,
Бенаф, бетитроқ.

* * *
Дейдилар: одамлар қадим замонда,
Қуш бўлиб учини орзу этганлар.
Ниятга етолмай улар армонда,
Оламдан кўз юмиб ўтиб кетганлар.

Энди-чи: писандмас само биз учун,
Учамиз борлиқни қуча олсан деб.
Қушлар-чи, мўлтираб турибди бу кун,
Биз ҳам одамлардек уча олсан деб.



Муҳтарам журналхонлар, ўтган биринчи мажлисимизда ҳозирги «а» ҳарфи ўрнида эски ва қадимги ёзувларимизда қандай ҳарфлар қўлланишини билдингиз ва шу билан бирга бугунги ёзувимизнинг олдингиларига нисбатан мукамаллигини англадингиз. Бунга сизда ҳарф ўрганган сари далил кўпайиб бораберади. Натижада сиз Навоийшуносликда ҳозир мавжуд бўлган нуқсонларни кўра ва тузата оладиган Навоийхон бўлиб етишасиз.

Ҳарф ўрганишни давом эттиришдан олдин «ҳарф» сўзининг қайси маъноларда ишлатилишини билиб олайлик. Чунки эшитган ва ўқиган ёки сўзлаган сўзимизнинг маъносини яхши билмасак, саводимиз чала бўлади, чала савод билан эса илму ҳунар йўлида илгарилаб бўлмайди.

«Ҳарф» сўзини қадимги тилшуносларимиз, биринчидан, нутқ товуши ва унинг ёзувдаги белгиси, иккинчидан, қўшимча ва ёрдамчи сўз¹ маъноларига қўллаганлар.

«Ҳарф» сўзининг нутқ товуши² ва ёзув белгисига нисбатан қўлланиши оддий сўзлашувда ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бироқ замонавий тилчиликда бу сўз фақат ёзув белгисига нисбатан қўлланади, нутқ товуши эса «товуш» деб аталади. Чунки ҳарф, яъни ёзув белгиси товуш билдирса ҳам, товушнинг айнан ўзи эмас. Ҳарф ёзув маҳсули, товуш талаффуз маҳсули. Товуш билан ҳарфнинг бир эмас икки нарса эканлигини қадимги олимларимиз ҳам яхши билганлар, лекин бири иккинчисини билдиргани учун ҳар иккисини бир сўз билан «ҳарф» деб атай берганлар. Мақсад ҳарф эканлигини таъкидлаш зарур бўлганда «ёзиладиган ҳарф», мақсад товуш эканлигини таъкидлаш керак бўлганда, «айтиладиган ҳарф» деб «ҳарф» сўзини аниқловчи сўзлар билан қўллаганлар. Навоий ҳам шундай ҳолларда «мактуб» (ёзиладиган) ва «малфуз» (айтиладиган) деган сўзлардан фойдаланган.

Илмда аниқликнинг аҳамияти улуғ бўлгани учун ҳар бир нарсанинг ёки тушунчанинг ўз номи бўлгани яхши. Шунинг учун кейинчалик «ҳарф» сўзини фақат ёзув белгисига нисбатан қўллаб, сўз таркибида учрайдиган нутқ товушига нисбатан «товуш» сўзини ишлатадиган бўлганлар. Бу илмий баённинг аниқ ва ихчам бўлишига сабаб бўлди. Гап шундаки, ҳарф билан товуш ҳамма жиҳатдан бир-бирига мос кела бермайди. Масалан, бир ҳарф бир ҳолатнинг ўзида ёки турли ҳолатларда бир неча товушни билдириши мумкин. Сизга маълумки, Я, Ю, Е ва Е ҳарфларининг ҳар бири иккита товушни (масалан Я ҳарфи «й» ва «а» товушларини) билдиради.

Русчада эса мазкур ҳарфларнинг икки товуш билдиришдан бошқа яна бир муҳим вазифаси бор. Рус тилидаги текстда бу ҳарфлар ўзидан олдин келган ундошнинг ингичка талаффуз этилишини билдиради. Бу ҳолда улар «й» товушини билдирмайди. Масалан, «Мать» (она) сўзида «м» товуши қалин талаффуз қилинса, «мять» гижимламоқ сўзида «м» товуши ингичка айтилади. Чунки иккинчи сўзнинг ёзма кўринишидаги я

وحدة ذاتیغہ قویاش دیک تالوق ذره دین افرون وقویاش دین یاروق

ҳарфи «а» товушини ва ўзидан олдинги «м» товушининг ингичка қилиб айтилишини билдиради.

Ўзбекчадаги ж ҳарфини олсак, у баъзи сўзларда портловчи товушни, айрим сўзларда эса сирғалувчи товушни билдиради. Масалан, «жон» сўзидаги ж ҳарфи билдирган товуш портловчи бўлса, «журнал» сўзидагиси эса сирғалувчидир.³

Бир неча ҳарф биргаликда ёки турли вазиятда бир товушни билдириши ҳам мумкин. Масалан, «тонг» сўзининг охиридаги бурнаки «г» товуши⁴ «нг» шаклида икки ҳарф билан ифодаланади.

«Э» товуши сўз бошида э ҳарфи, сўз ўртасида ва охирида «е» ҳарфи билан ёзилади. Немис имлосида «ш» товуши учта, «ч» товуши тўртта ҳарф билан ифодаланади.

Демак ҳарф билан товушни сўзда ҳам фарқлаш, яъни ҳар бирини алоҳида атама билан аташ ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан зарур экан.

Энди ҳарф ўрганишни давом эттирайлик. Араб ҳарфлари бир ёки икки ёндан бири-бирига уланади. Бир ёндан уланадиган ҳарф ўзидан олдинги ва фақат икки ёндан уланадиган ҳарфга уланиб, ўзидан кейингисига уланмайди. Икки ёндан уланадиган ҳарф эса, ҳам ўзидан олдинги, ҳам ўзидан кейинги ҳарфларга уланади. Бир ёндан уланадиган еттита ҳарф бор. Буларнинг оти қуйидагича: алиф, дол, зол, ре, зе, же⁵, вов. Алиф ҳарфи бир тик чизикдан иборат.

Алиф юқоридан қуйига қараб уч нуқта узунлигида тугами бошламидан ингичкароқ қилиб тортилади. Дол ҳарфи букчайган шаклга эга бўлиб, унинг узунлиги белигача бир ярим нуқта, белидан охиригача ҳам бир ярим нуқтачадир. Жамъи узунлиги алифникидек уч нуқтагача тенг бўлса ҳам бўйи букчайиш ҳисобига алифнинг бўйидан икки марта қисқадир. Дол устига бир нуқта қўйилса, зол ҳосил бўлади. Ре белидан юқори қисми кўтарилган ёки чалқанча вазиятга келтирилган дол кабидир. Ре нинг устига бир нуқта қўйилса, зе ҳосил бўлади, уч нуқта қўйилса, же ҳосил бўлади. Ре ҳарфини бир нуқта ҳажмидаги тўғарак билан бошланса, вов ҳосил бўлади. Мазкур етти ҳарфнинг алоҳида-алоҳида кўриниши қуйидагича:

ا و ذ ز ش و

ВОВ ЖЕ ЗЕ РЕ ЗОЛ ДОЛ АЛИФ

Алиф «о», «а», «э», «и», «у» товушларини, дол «д» зол «з», ре «р» зе «э», же «журнал» дегандаги «ж» товушини билдиради. Зол аслида тил учини тиш орасига олиб талаффуз қилинадиган «з»ни билдирган. Аммо Навоий даврида зол фақат баъзи араб сўзлари таркибида учрайди ва ўзбекчада оддий «з» каби айтилади. Вов «в», «у» ва «ў» товушларини билдиради. Бу ҳарфларнинг устига забар қўйилса, алифдан бошқасига «а» қўшилиб ўқилади. Алиф эса «а» деб ўқилади:

ا و ذ ز ش و

ВА ЖА ЗА РА ЗА ДА А

Худди шу белгини ҳарф остига қўйилса «зер» ёки «касра» ё «остин» деб аталади ва «э» ёки «и» ни билдиради:

ا و ذ ز ش و

ВИ ЖИ ЗИ РИ ЗИ ДИ И
ВЕ ЖЕ ЗЕ РЕ ЗЕ ДЕ Э

Ҳарф устига вергул шаклидаги «пеш» ёки «эамма» деб аталадиган белги қўйилса алифни «у» ёки «ў» деб, қолганларини худди шу унлиларни қўшиб ўқиш кераклигини билдиради:

و ز ش و ا
бу жу зу ру зу ду у
вў жў зў рў рў вў дў ў

Ҳарф устига «сукун» деб аталган кичик тўғарак қўйилса, у шу ҳарф билдирган товушдан сўнг унли товушнинг йўқлигини билдиради. Энди бир неча сўзни мазкур ҳарф ва ҳаракатлар билан ёзиб ўқиб кўрайлик. Сатр боши ўнгда, шунинг учун ўнгдан чапга қараб ёзилади ва ўқилади:

وَتَمَّتْ زَكَاةُ عَلَيْهَا
وَرَدَّتْ رِجْلَاهَا
وَأَبْدَعَتْ لَهَا لِبَاسًا جَدِيدًا

Биринчи сўз «оз» бўлиб, мадли алиф ва сукунли зе билан ёзилган, иккинчиси «ов» бўлиб, мадли алиф ва сукунли вов билан битилган. Учинчи сўз дол, алиф, ре, алиф ҳарфларидан иборат бўлиб, буни «Доро» деб ўқиймиз. Мана шу уч сўздан бир хулоса чиқарамиз. «О» товушини ифодалаш учун мад алифнинг устига фақат сўз бошида қўйилиб, сўз ўртаси ва охирида қўйилмас экан.

Тўртинчи сўз «аждар» бўлиб, забарли алиф, сукунли же, забарли дол ва сукунли ре билан ёзилган. Бешинчи ва олтинчи сўзлар ҳарф жиҳатидан бир хил. Ҳар иккиси дол, вов ва ре билан ифодаланган. Аммо ҳаракати турлича — бирида дол забарли, вов сукунли, иккинчисидо дол заммали ва вов сукунсиз. Шунинг учун олдинчисини «давр», кейинчисини «дур» деб ўқиймиз. Еттинчи сўз «вирд» деб ўқилади, чунки вов зерли ре сукунлидир.

Энди мажлисимиз тартибига биноан юқоридаги байтни ўқиб, шарҳлаймиз.

Байтнинг биринчи мисраидаги биринчи сўз вов, ҳе, дол, те ҳарфларидан иборат:

وَحَدَّثَ ت

Иккинчи сўз зол, алиф, те, ё, ғайн, ҳе ҳарфлари билан ёзилган:

ذَاتِ مَعْنَى

Учинчи сўз қоф, вов, ё, алиф ва шин, тўртинчиси дол, ё, қоф ҳарфлари билан битилган:

تَوَدَّ مَشَى ك

Мисра охиридаги сўзда те, алиф, нун, вов, қоф ҳарфлари мавжуд.

تَمَّازَات

Иккинчи мисранинг биринчи сўзидо зол, ре, ҳе, дол, ё, нун ҳарфлари бор. Ре устидаги белги ташдид деб аталади ва товушнинг иккиланганини билдиради:

ذَرَّ دَرَّ

Иккинчи сўз алиф, фе, зе, вов, нун ҳарфлари ва учинчи сўз вов ҳарфидан иборат:

وَنَزَفَا

Тўртинчиси қоф, вов, ё, алиф, шин, дол, е, нун ҳарфлари билан ёзилган:

تَوَدَّ مَشَى ك

Байт охиридаги сўзда ё, алиф, ре, вов, қоф ҳарфлари бор:

رَمَرَوْق

Тушириб қолдирилган ҳаракатларни ўзимиз қўямиз ва байтдаги сўзларни қуйидагича ўқиймиз:

Вахдат-и зотиға қуёшдек танук,
Заррадин афзуну қуёшдин ёруқ.

Байт тан-на-на-нан тан-на-на-нан тан-на-нан вазнда қуйидагича ўқилади:

вах-да-ти зо:|-ти-ға-қу-ёш| де-та-нуқ
зар-ра-дин аф| зу:-ну-қу-ёш| ди ё руқ

Қофияси тануқ — ёруқ, равий «қ» товуши. Қофия хижодош. Бу байтда радиф йўқ, лекин ҳожиб бор. Қофия олдида такрорланган сўз «ҳожиб» деб аталади. Бунда «қуёш» сўзи ҳожиб бўлиб келган. Бу байтда тазод санъати бор бўлиб, буни «вахдат-афзун» ва «қуёш-зарра» ҳосил қилган: Борлиқ ҳам қуёшдек ягона, ҳам заррадан кўп.

Бир нарсада зид нарсаларнинг бирлашиши камол натижасидир.

«Тануқ» гувоҳ, шохид дегани. «Вахдат-и зотиға қуёш-дек тануқ» — борлиқ зотининг бирлиги, ягоналигига қуёш каби гувоҳ, яъни далил бор, деган маънода. Бу билан Навоий нима демоқчи? Борлиқнинг зотан ягоналигини кўриб, эшитиб, татиб, ҳидлаб ёки ушлаб билиб бўлмайди. Аммо табиатда бунинг белгилари йўқ эмас. Сезиб бўладиган нисбий ҳодисалар асосида ақл билан мутлақ қонунларни идрок этиш мумкин. Агар қуёш системасига оид жисмларга диққат билан назар солсак, ундаги бор мавжудотнинг вужуди шу ягона қуёшга боғлиқ эканлигини ва уларнинг асосини бир неча эмас, битта қуёш ташкил қилган ягона бир мавжуд эканлигини англаймиз. Шунга қиёсан биз бутун борлиқнинг зотан ягона бир бутунликдан иборат эканлигини билишимиз мумкин. Оламдаги мавжудот мустақиллиги нисбий бўлиб, улар орасида мутлақ мустақиллик йўқ. Қуёш бўлмаса, унинг атрофидаги сайёралар, жумладан ер кураси бўлмайди. Ер курраси ва ундаги тупроқ бўлмаса, ўсимлик бўлмайди, ўсимлик бўлмаса, ҳайвон, жумладан инсон бўлмайди.

Бу ҳақиқатни англаган киши табиатга ваҳшиёна муносабатда бўлиш уёқда турсин, бепарволик ҳам қилмайди.

«Заррадин афзуну қуёшдин ёруқ» мисрасидаги «афзун» сўзи зиёд — ортиқ дегани. Демак борлиқ кўринишда коинотда қанча зарра бўлса, шуларнинг ҳаммасидан ҳам ортиқ экан. Чунки у тўхтовсиз равишда янгидан янги шаклларда зуҳур қилиб боради. Бу жараён чексиз равишда давом этиб боради. Унинг қуёшдин ёруғлиги шундаки, у қуёшнинг ўзини ҳам неча миллиард йиллардан бери ва яна неча миллиард йилларгача ёритиб туради. Қачонлардир қуёш сўниши мумкин, аммо борлиқ нури ҳеч сўнмайди ва у яна янги қуёшларни вужудга келтириши мумкин.

Изоҳлар

1. «Ишчиларга» дегандаги «-чи», «-лар», ва «-га» каби элементлар «қўшимча» ёки «аффикс» деб аталади. «Ким?», «нима?», «қачон?», «қаер?», «қандай?», «нечук?», «нетмак?», «нўлмоқ?» (не бўлмоқ?) каби саволларга жавоб бўладиган сўзлар ва шу саволларнинг ўзи «мустақил сўз» деб аталади. Чунки булар мустақил равишда гап бўлаги бўлиб кела олади. «Ва», «аммо» каби боғловчилар, «билан», «учун» сингари кўмакчилар, «ми», «ку»га ўхшаш юкламалар «ёрдамчи сўз» деб аталади. Чунки булар мустақил сўзлар билан биргаликда ишлатилади ва мустақил равишда гап бўлаги бўлиб келолмайди. Отлашган ҳолат мустасно. Отлашганда қўшимча ва ҳарф ёки товуш ҳам гап бўлаги бўлиши мумкин. Масалан, «-га жўналиш билдиради», «а — алфавитнинг биринчи ҳарфи», «б портловчи товуш» деганда мазкур элементлар гапнинг эгаси бўлиб келган.

2. Табиатда товушнинг тури кўп. Бу ҳаммангизга маълум. Физиканинг товушларни текширадиган соҳаси «акустика» деб аталади. Нутқ товуши эса сўз таркибида мавжуд бўлган ва инсон бўғзидаги товуш найчасининг ўпкадан чиққан ҳаво таъсирида тебраниш ҳамда нутқ мучаларининг турлича вазияти натижасида турлича эшитиладиган товушдир. Тилшуносликда «товуш» деганда ана шу нутқ товуши тушунилади. Аммо акустикада «товуш» сўзи мавжуд товушларнинг ҳаммасини ўз ичига олади.

3. Товушни талаффуз қилганда ҳаво оғиз-

даги тўсиқни ёриб ўтса, ҳосил бўлган товуш «портловчи» деб, агар тўсиқдан сирғалиб ўтса, «сирғалувчи» деб аталади. Портлаш ҳосил бўлиши учун нутқ мучалари жипслашган ёки нимжипс ҳолатда, сирғалиш ҳосил бўлиши учун эса ёриқ ҳолатда бўлиши зарур. «Жон» дегандаги «ж»ни талаффуз қилганда тил билан милк ораси нимжипс, «журнал» дегандаги «ж»ни талаффуз этганда ёриқ ҳолда бўлади.

4. Товушни талаффуз қилганда ҳаво оғиздан чиқса, оғзаки, бурундан чиқса бурнаки товуш ҳосил бўлади. Масалан, «гап» дегандаги «г»ни айтганда ҳаво оғиздан чиқади. Аммо «тонг» дегандаги охирги товушни талаффуз қилганда нутқ мучалари «г»ни айтгандаги ҳолат ва ҳаракатда бўлади, лекин ҳаво бурундан чиққанлиги учун бошқача бўлиб эшитилади.

5. Бу ердаги «ж» «журнал» дегандаги «ж»дир.

6. Шарқ қалами қамишдан йўниб ясалган. Учи қия учли шриффт пероникадай қилиб чиқарилган, лекин шриффт перонинг ўнг шаққи чап шаққига нисбатан қисқароқ бўлса, қалам учининг ўнги чапидан узунроқ бўлган. Қалам учининг ўнг шаққи «унсий», чап шаққи «вахший» деб аталади. Қалам учининг мазкур шакли қаламни бир тортишнинг ўзида ҳарфнинг турли қисмларини турлича қилиб чиқаришга ҳамда нуқтани мурабба (квадрат) ва муайян (ромб) шаклларида қўйишга имкон беради.

7. Араб ёзувида иккита ҳе ҳарфи бор. Бу ҳе олдинги сўздаги ҳе дан талаффузда фарқ қилмаса ҳам, ёзувда фарқ қилади. Аммо арабчада талаффузда ҳам фарқ қилади.

«Ялла» вокал-чолғу ансамбли ҳақида ҳикоя қилишингизни сўраймиз!»

«Эстрада лотоси»га хат йўллаган кўп-лаб журналхонлар истагини шу сўзлар билан ифодалаш мумкин. Журналхонлар истагини бажо қелтириш редакциянинг муқаддас бурчи, лекин...

Ўзбекистон Давлат филармониясига биринчи бор қўнғироқ қилганимизда шундай жавоб эшитдик:

— «Ялла» — гастролда. Иркутскда.

Орадан бир неча кун ўтказиб яна қўнғироқ қилдик.

— «Ялла» Иркутскдан қайтди. Тошкентда икки-уч кун бўлиб, Челябинскка учиб кетди.

Қайта-қайта сим қоқишлар давом этди. Ва ниҳоят, мана, трубкани Фаррух Зокиров кўтарди.

— Редакциядан безовта қиялпмиз. «Еш куч»дан.

— Ҳа-а, раҳмат. Ботир акам ҳақида ёзган экансизлар, ўқидим...

— Энди «Ялла» ҳақида ёзмоқчи эдик. Шунга, учрашсак...

— У-ў, вақт масаласи чатоқ-ку... Ҳадемай Москвага жўнашимиз керак... Ҳа, майли, келаверинг-чи, репетицияда бўламиз.

Эрталаб «Ялла»нинг ижодхонасига отландиму ансамблнинг тарихи, унинг бугунги камоли, доврўғи ҳақида ўйладим.

Ансамбль ташкил топганига 17 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида бу коллектив мамлакатимиздаги энг оммавий ансамбллардан бирига айланди. Коллективнинг профессионал маҳорати, маънавий позицияси юқори, қўшиқларининг мавзуи ранг-баранг. У шунчаки музикавий коллектив эмас. Кўп миллатли совет санъатининг чет эллардаги ажойиб тарғиботчиси ҳамдир. «Ялла» ўз қўшиқларида ҳамма тинчлик, дўстлик, қардошликни куйлади. Бутун дунё ёшларини бир-бирларини тушунишга даъват этиб, курашиб келмоқда. У ижодий қиёфа, миллий ўзига хосликка эришиш учун мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди. Буларнинг барчаси оддий ҳаваскорликдан бошланди.

1971 йили Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтида шу ерда ва консерваторияда таҳсил кўраётган эстрадага ихлоси баян бўлган талабалардан вокал-чолғу ансамбли тузилди. Коллективнинг 1976 йилгача бўлган ютуқлари унинг раҳбари Евгений Ширяев номи билан боғлиқ.

«Ялла» қардош республикаларда, социалистик мамлакатларда ўзбек санъатини кенг намойиш этди. 1972 йили Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотиغا сазовор бўлди.

1973 йили ансамбль Берлинда бўлиб ўтган ёшлар ва студентларнинг X Бутунжаҳон фестивалида олтин медаль билан тақдирланди. Ёшларни эстетик руҳда тарбиялашда фаол қатнашгани ва санъатдаги юксак ютуқлари учун 1975 йили ансамбль республикада хизмат кўрсатган коллектив унвонига сазовор бўлди.

...Шундан кейинги «Ялла»нинг фаолияти истеъдодли хонанда ва бастакор Фаррух Зокиров номи билан боғлиқ. Ана, ижодхонага ҳам этиб келдим. Биз сахналарда, телевизор экранларида кўравериб кўникиб кетган чиройли либосдаги йигитларга дуч келаман деб ўйлаб келаётгандим. Аксинча, чоққина хонада турли-туман чолғу асбобларига тикилиб кетган, оёқ босишга жой йўқ, полда турли симлар уймалашиб ётар — назаримда қандайдир омборхонага кириб қолгандек эдим. Ҳамиша кулиб турадиган йигитларнинг бугун нимадандир таъби хира, улар безовтароқ эдилар. Ҳаммалари хонанинг бир чеккасида турган клавишли асбоб атрофини ўраб олиб, у ёқ-буёғини синчиклаб кўздан кечиришарди.

— Алишер, зудлик билан Акромга телефон қил, тез етиб келсин. Биз унғача Рустамниқига бориб келамиз, — деди Фаррух Зокиров Рустам Илёсовга, «кетдик» дея ишора қилиб ва эшик томон бораётиб менга кўзи тушди.

— Юринг, йўл-йўлакай гаплашиб, бирга бориб келамиз, — деб таклиф қилди у киши машинасига.

— Рустамнинг ўғлини тоби йўқроқ эди, шунга дори олган экан, уйига ташлаб келамиз. Унғача Акром ҳам келиб қолади, — деди Фаррух ака «Жигули»ни ўт олдира туриб.

— Акром ким?

— Акромми, у — радио инженеримиз. Аппаратураларимизнинг бири яхши ишламай қолди. Келиб шуни кўриб бермасан, граммзаписдаги ишларимиз қолиб кетади.

Светафор чироқларининг бири ўчиб, бири ёнапти, кўча тўла машина. Гаплашадиган гаплар кўп, саволларимиз бир талай. Бироқ рулда кетаётган кишининг диққатини бўлишдан истиҳола қилиб ўтирибмиз.

— Сизларни кўпроқ нималар қизиқтиради? — сўраб қолди Фаррух аканинг ўзи.

Мен мурдаони, журналхонлар истагини айтдим.

— Тушгача аппаратурани созлаймиз, сўнг овоз ёзиш студиясида бўламиз, «Ялла»нинг чинакам фаолиятини кўрмоқчи экансиз — ўша ерга боринг.

Не хасратда «қўлга туширган» «Ялла» йигитларини яна қачон, қаерда учратаман, деган хавотирда Фаррух аканинг таклифига рози бўлдим. Овоз ёзиш студиясига йўл олдик. Студияга етиб келгунимизга йигитлар «Учқудуқ» қўшиғининг туғилиши ҳақида сўзлаб беришди.

— Москвалик шоиримиз Юрий Энтин биз билан Учқудуққа гастролга борди. У киши Ботир акам куйлаган кўпгина қўшиқларнинг автори, — деб суҳбатни бошлаб берди Фаррух ака. — Поездда кетяпмиз, икки томонимиздан ортимизда қолаётган чўлнинг поёни йўқ. Кун иссиқ, ҳаво дим, нафас олиш оғир. Биз-ку, она Еримиш об-ҳавосининг барча эркаликларига, бунақанги олис сафарларнинг азобига кўникиб кетганмиз. У киши эса иссиққа чидолмай, қачон манзилга етамиз, деб ойнадан ташқарига қарагани-қараган. Узокдан — қум барханлари орасида гўё бир нималар кўрингандек бўлади, поезд йўлда давом этаяпти. Бироқ, ўша олисдан кўринган бир нималар шоирнинг кўзи олдида саробга айланиб бораётган экан. Ниҳоят, қақраб ётган қум узра қад кўтарган Марказий Қизилқумнинг Учқудуқ шаҳрига етиб келдик. Борган кунимиз Энтин ташқарига чиққанча икки соатдан ортиқ йўқ бўлиб кетди. Бир пайт юзлари қизарган, қаттиқ ҳаяжондан кўзлари ёниб кириб келди. Қўлидаги очиқ блокнотда бир нималар ёзилган. Шоир ҳаммамизга бир-бир тикилиб қаради-да, янги ёзган шеърини ўқиб кетди. Бу — ўша машҳур «Учқудуқ» қўшиғининг сўзлари эди. Шеър ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Уни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Хаёлимда мисралар оҳанги жонлана бошлади. Қанотли илҳом келиб қолди, десам тўғрроқ бўлади. Шеърни бир соатга қолмай куйга солдим.

— Эсингиздами, — деб гапни илиб кетди Рустам Илёсов, — эсингиздами йигитлар, қўшиқ чала-чулла тайёр бўлгач, Энтин уни ҳозир Учқудуқ аҳлига совға қиламиз, деб туриб олгани. Шоир шу даражада ҳаяжонланар эдики, унинг раъйини қайтаришнинг иложи йўқ эди.

— Ҳа, — деди Фаррух ака, — Ушанда ҳаммамиз бунга қарши бўлдик. Айниқса, Рустам. У жуда талабчан, пишиқ-пухта қилинган ишни яхши кўради. Шунинг учун бу таклифни эшитишни ҳам хоҳламади. Бироқ жазирама офтоб остида, жизғанак қум бар-

ханлари устида шаҳар барпо қилган бунёдкорларнинг жасорати, матонати шоир қалбини шундай ларзага солган эдики, бу ларза ҳаммамизнинг қаршиликимиздан устун келди. Биз қўлимизда шеър сўзлари ёзилган қоғоз билан сахнага чиқиб, қўшиқни Учқудуқ аҳлига совға қилдик. Қўшиқ тинглаётган одамларнинг ўша ондаги чехраларини, кўзларини бир кўрсангиз эди... Таърифлаш қийин. Ашула тугади, чўл кишиларининг қарсаги кўкни тутиб кетди. Икки-уч киши кўзида ёш билан сахнага югуриб чиқиб, қўлларимизни сиқиб, самимий миннатдорчилик билдиришди. Мана шундай пайтларда нима учун яшаётганимни, одамларга кераклигини, тинимсиз меҳнат, уйқусиз тунларнинг бесамар кетмаганини ич-ичингдан ҳис қилиб, севиниб кетасан киши...

Овоз ёзиш студиясига етиб келдик. Фаррух ака мени студия директори Аида Иброҳимова билан таништириб, йигитлар билан бирга махсус хонага кириб ўринларни эгаллашди. Бугун Евгений Березиков сўзига Фаррух Зокиров куй басталаган янги қўшиқ магнит лентасига ёзиб олинар экан.

Ана, «Ялла» йигитлари ишга киришиб кетишди. Жавлон Тўхтаев, Рустам Илёсов, Аббос Алиев, Алишер Тўлаганов ва Фаррух Зокиров. Биз овоз ёзиб олувчи инженер Алексей Умрзоқов хонасида Аида Нурлановна билан қолдик.

— Битта қўшиқни неча соатда ёзиб тугатасизлар? — сўрадим Аида опадан.

— Соат ҳам гапми! Баъзан тўрт-беш кунга чўзилади. Айниқса, ансамбллар ижросини ёзиб олиш қийин кечади. Ҳар хил коллективларни кўрганман, бироқ «Ялла»дек аҳил, иноқ, бир ёқадан бош чиқариб, келишиб ишлайдиган ансамблни топиш қийин. Йигитлар бир-бири билан худди ака-овидек бўлиб кетишган. Тўғри, репетиция жараёнида таллашиб-тортишишади, баҳслашиб кетишади. Лекин буларнинг ҳаммаси иш учун, яхши қўшиқ яратиш учун бўладиган тортишувлар. Ансамбль аъзолари ҳеч қандай машаққатдан чекинмишмайди, шунинг учун ҳам улар билан ишлаш осон.

...Янги қўшиқ туғилмапти: қалин ойнаванд дарча орқали қўшни хонадаги «Ялла» йигитларини кўриб турибмиз. Улар қулоқларига эшитиш аппаратини тутиб куйлашмоқда. Овоз режиссёри Алексей уларни дамбадам тўхтатади, такрор куйлашга ундайди. Яна ва яна... Қўшиқ тексти ва музикаси яратилганидан сўнг ҳам уни ёзиб олиш нақадар мураккаблигининг гувоҳи бўлиб турибмиз...

Орадан икки-уч соатлар ўтди. Ансамбль эса ҳамон куйламоқда.

— Йигитлар билан суҳбатлашишнинг иложи бўлармикин? — сўрадим Аида опадан.

У киши елкаларини қисиб «билмадим» дедилар.

— Чой-пой, танаффус дегандек... — ажабланиб сўрадим мен.

— Э-э, улар бундай пайтларда ҳамма нарсани унутиб қўйишади. Тамадди қилиш, чой-пой ичиш қаерда дейсиз.

— Аида опа, бир иложини қилиб йигитларни бу хонага қақаришнинг йўлини топсангиз.

— Майли, ҳозир бирор чорасини кўрамиз. Фақат тез-тез савол-жавоб қилмасангиз, гаплашолмайсиз. Улар бундай пайтларда вақтларини жуда қизганишади, — деди таъкидлаб Аида опа ва режиссёрга имо қилди. Алексей ансамбль йигитларини биз ўтирган хонага таклиф қилди. Биз эса қоғоз-қаламимизни шай қилиб йигитларни икки хона ораллигидаги йўлакда қарши олдик.

— Ҳозир сира иложимиз йўқ, шу қўшиқни охирига етказиб олайлик, сўнг гаплашамиз, — деди Фаррух ака узр сўраб.

— Майли, йигитларнинг хаёлини бўлмай- миз. Лекин Сиз бир-иккита саволимизга жавоб беринг.

Фаррух аканинг рози бўлишдан ўзга чораси қолмади. Биз йўлакда, тикка оёқда турганча суҳбатлашдик. Овоз ёзиш хонасининг эшиклари ланг очик, йигитлар ёзиб олинган қўшиқнинг дастлабки вариантларини тинглаш билан банд. Узун йўлакни куй, қўшиқ овози тутган. Фаррух ака эса бир қулоғи биздаю, бир қулоғи қўшни хонада жаранглаётган қўшиқда.

— Ансамбль раҳбари сифатида ҳар куни эрталаб туриб биринчи навбатда нималарни ўйлайсиз?

— Ишга кеч қолмасликни.

— Яна?

— Йигитларимиз оиласи тинчмикан, ҳамма соғ-саломатмикан деб ўйлайман. Турмуш-да, қувончли, ташвишли юмушлар чиқиб қолади. Биз битта қўлнинг беш бармоғидек бир-биримизга жуда керакмиз. Битта-тамиз бўлмасак, ишларимиз пачава. Хўш, яна аппаратураларимиз созмикан, электр токи узилиб қолмасмикан... Булар ҳақида ташвишланмай илож йўқ.

— Ҳозир ёзилаётган қўшиқ назаримизда бинойидек ижро этиляпти. Уни такрор-такрор ижро этишнинг нима ҳожати бор?

— Биласизми, биз қўшиқни шундай айтишимиз керакки, уни тинглаётган сибирлик, узок шарқлик чўлни, туяни кўрмаган дўстларимиз ундан ўлкамизнинг ҳидини, мазасини туйсин. Қўшиқдан Ўзбекистоннинг ҳавоси келиб турсин. Айтайлик, биз қўшиқни осонгина бундайроқ қилиб куйладик. У қандай осон яратилган бўлса, шундай осонлик билан йўқ бўлиб кетади.

— Бир йилда неча ой гастролда бўласизлар?

— Ҳар хил, талабга қараб. Гоҳо 10 ойгача чўзилиб кетади.

— Республикаимизда жуда кам концерт берасизлар-ку?

— Бу гапингиз тўғри. Лекин янги программаларимизни энг аввал ўз халқимиз ҳукмига ҳавола этамиз. Ота-боболаримизда шундай гап бор-ку, «Ўз юртингни розилигини олмасдан туриб, ўзга элни рози қилиш, кўнглини олиш мумкин эмас».

— Тингловчиларнинг талаби, эстетик даражаси ҳақида қандай фикрдасиз?

— Халқимиз жуда талабчан. Улар биздан тез-тез янги қўшиқ сўрайдилар. Янги қўшиқ яратиш эса осон эмас. Эстрадага тушадиган шеърларга муҳтожмиз. Бизга ҳозир Туроб Тўла, Пўлат Мўмин, Евгений Бе-

резиков, А. Хўжаев, Раим Фарҳодий сингари авторларимиз яқиндан ёрдам бериб туришибди, бироқ булар оз. Тингловчиларимизнинг эстетик даражасига келсак, уларни тарбиялаб бориш керак. Бизда ҳали бадий диди шаклланмаган тингловчилар ҳам топилади. Худди бундай «шинаванда»лар концерт залида бақириб-чақириб, ижрочига ҳам, ҳақиқий тингловчиларга ҳам халал беради.

Савол-жавоб давом этаптию, Фаррух Зокиров сал имкон бўлса ичкарига отилиб кириб кетишга шай. У киши журналхонларни қизиқтирган, дилимизга тугиб келган саволларга жавоб беряптию, танаффусга қўнғироқ чалишини кутган мактаб ўқувчисидек безовта турарди.

— Фаррух ака, йигитларингиз орасида ўзаро баҳс-мунозара бўлиб турадими?..

— Албатта, бусиз иложи йўқ. Ботир акам раҳматлик, шундай пайтларда «Талашиб-тортишяпсизларми, демак, яшаяпсизлар, демак қандайдир ижодий муҳит бор, демак янгилик туғилади» дер эдилар.

— Яна ўн йилдан сўнг «Ялла»ни қандай тасаввур қиласиз?

— Оғир савол. Турган гап, йиллар ўтгани сайин авлодлар ўзгаради, мухлисларнинг диди ўзгаради. «Ялла» ҳозирги йўлдан, яъни ўзбек халқ санъати анъаналари руҳидан чекинмаслигини жуда-жуда истардим. Халқ оғзаки ижоди — бу мисоли бир қудуқ, ҳеч қачон унинг туби кўринмайди. Фақат унга эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарур.

— Тингловчи сифатида қайси ансамбли ва қайси хонандани ёқтирасиз?

— АҚШдаги «Ер, олов ва шамол» ансамбли, хонандалардан — Стиви Уандер.

— Музика ансамбли ижодини, унинг аъзолари, раҳбари фаолиятини, масалан, футбол командасига қиёслаш мумкинми?

— Футбол командасигами... бу саволга жавобни жиддийроқ ўйлашга тўғри келади. Унга кейинги учрашганимизда жавоб бера қолай.

Мана шу ерга келганда мен Фаррух акани ортиқ ушлаб туролмадим, зеро ичкарида баҳс тобора қизгин тус олаётган эди.

Суҳбатдошимиз билан хайрлашдик. Ичкарида баҳс-тортишув яна анчагача давом этди. Ва ниҳоят улар бир фикрга келишишди шекилли, яна... қўшни хонага ўтиб қўшиқни қайта бошдан ижро этишга киришишди.

...Бу ёқда кун кеч бўлаётган, янги қўшиқнинг яратилиш машаққатлари ҳали ниҳоясига етадиганга ўхшамасди...

Захро АЗИЗОВА



Хатлар, хабарлар, таклифлар

Наманган район 26-хунар-техника билим юртида ишлаб чиқариш таълими мастери бўлиб ишлайман. «Еш куч» менинг ҳам севимли журналимга айланган.

«Еш куч»да ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларимиз тўғрисида, турли касб-хунарлар ҳақида ёзилган қизиқарли мақолалар босишга яна ҳам эътиборни кучайтиришингизни илтимос қиламан.

Яна бир таклиф, журнал форматини ихчамроқ чиқарилса айни муддао бўларди. Чунки у олиб юришга ноқулайроқ.

Шухрат МУСАЕВ.

Мен Шаҳрихон атлас тўқиш фабрикасида тўқувчи бўлиб ишлайман. «Еш куч» журнали ташкил қилингандан буён унинг ҳар бир сонини кузатиб бораман. Менинг бу журналга бўлган қизиқишим ҳамкасб дугоналаримнинг ҳам диққатини тортиб, улар ҳам «Еш куч»га обуна бўлишди.

Биз истардикки, «Еш куч» журналида қизлар учун махсус саҳифалар ташкил этилса.

Халича МАДАМИНОВА.

«Еш куч»да ташаббускор ёшларимиз ҳақида ёзилган мақолалар ўқишни истаймиз.

Анвар БОБОЖОНОВ,
Дармон ИБОДУЛЛАЕВ,
Муҳаббат БОЗОРБОВА,
ҚҚАССР Мангит шаҳридан.

Яқинда ташкил этилган «Еш куч» журнали ёшларимизда катта қизиқиш уйғотди. Утган йили журналнинг саноқли сонларининг на ўқидик. Шунга қарамай у ўз ўқувчиларини топиб олди. Бу йил эса районимизнинг 2000 га яқин ёшлари «Еш куч»га обуна бўлдилар.

Самарқанд район комсомоллари «Еш куч»дан комсомолларимизни катта йўлга, улғу ишларга чорлайдиган қизиқарли мақолалар кутади.

Т. ШАРИПОВ,
Самарқанд район
комсомол комитетининг иккинчи секретари.

Матбуот орқали эълон қилинаётган Орол денгизи ҳақидаги жиддий муаммолар биз ўқувчиларни ҳам барча совет кишилари қатори ташвишга солмоқда. Шунинг учун мактабимиз комсомол ёшлари шанбаликлар уюштириб, ундан тушган маблағни Орол фондига ўтказмоқдалар.

Сайёра ХАЛИМОВА,
Наманган область,
Чуст районидаги 24-мактаб ўқувчиси.



Болалар

Пўлат МҮМИН.

Мен уни энгдим

Аввал бўшашган эдим,
Энди-чи, уни энгдим.
У нима, деб сўраманг,
Ҳолим эди анча танг.
У кўзга кўринмас ҳеч,
Бирга эди эрта-кеч.
Мени олганди қуршаб,
Емон касалга ўхшаб.
Доимо бўш юрардим,
Қуруқ хаёл сулардим.
Билишга уринмасдим,
Меҳнатда кўринмасдим.
Тандаги аъзоларим —
Гўё эдилар ярим.
Оғирдай касал-дардим
Узоқ ухлаб ётардим.
Нима деса башарти.
Барчасини бажардим.
Мен энгилдим,
Йиқилдим...
Қаранг-ки, дангасалик
Абгор қилди шунчалик!
Билсам барча соҳада
Қопкетибман орқада.
Тушай деб тўғри йўлга
Узимни олдим қўлга.
Дангасалик, қоч, дедим,
Қани, йўлни оч, дедим!
Тонгда эртароқ турдим,
Зарядкага улгурдим.
Устимдан энг оғир тоғ
Ағдарилгандай шу чоғ —
Узимни сездим энгил,
Дангасаликни энгиб.
Вақтида дарсим қилдим,
Кўрдим, ўргандим, билдим.
Энгдим дангасаликни —
Энггандай касалликни!

Вазифалар

Вазифалар топширдим
Ҳар битта аъзойимга.
Дедим: — Қараб иш тутинг
Раъйимга — авзойимга.

Ҳузуримда доимо
Ҳушёр турунгуз жуда.
Ҳаракатлар қилмангиз
Асло ҳуда-беҳуда.

«Фақат яхши гап эшит!»
Ундадим қулоғимга.
«Тўғри қадам босгин» деб
Эслатдим оёғимга.

«Гўзалликдан баҳра ол»,
Деб кўзга йўл кўрсатдим.
«Яхшига дуч келганда —
«Кулгин» дея ўргатдим.

Бурнимга тайинладим:
«Кўтарилма осмонга,
Узингни ураверма —
Ҳар туйнук, ҳар томонга».

Айтиб қўйдим оҳиста
Юрагимга-дилимга:
«Бўлар-бўлмас ёлғонни
Чиқармагил тилимга».

Дедим: «Қочма меҳнатдан!»
Билагимга — қўлимга.
«Сен билан нур сочилар
Келажагим — йўлимга!»

«Билимлардан хазина
Тўпла» — дедим бошимга.—
«Фикрлардан сочгил нур,
Ухшагил қуёшимга».

«Элга доим кулиб боқ» —
Деб юзландим юзимга.
«Халққа хизмат қил дилдан»
Буйруқ бердим ўзимга.

Аъзоларим гапимни
Тасдиқлашди бутунлай.
Сўз беришди бирма-бир,
Бўлайлик деб ишга шай.

Ўртачилар....

Ўртачилар,
Кимлар улар?
Ўртачилик
Қандай бўлар?
Айтиларми
Е жўрттага?
Қайдан тушган
Қоқ ўртага?
На яхшидир,
На ёмондир,
На бугдойдир,
На самондир,
На у ёғлик,
На бу ёғлик.
Норга ўхшар
Кўп чағоғлик.
Озга ўхшар
Бардош чидам,
Кўтарилган
«Икки» чидан.
Баҳолари
Нуқул «уч» дан.
«Тўрт», «беш» чидан
Пастга тушган.
«Биз кўпмиз» деб
мақтанишар.
Оқлаш йўлин
Ахтаришар.
Қолишгандир
Аро йўлда.
Барча иши
Ўлда-жўлда.
На борлиги
Билинади.
На танқидга
Илинади.
Ўртачилар,
Ўртачилар,
Дилимизни
Ўртовчилар.
Ўртачидан
Кимлар чиқар!..

Тузалсин-да, бояқиш

Бир бола тарихига,
Тарихи — таърифига
Бир воқеа ёзилди.
Отаётиб яхмалак
Машинага осилди.
Бўлди бирдан чархпалак,
(Асли эди жонсарак)
Эпчиллик қиламан деб,
Мен ўзим биламан деб,
Аввалига мақтанди,
Қаҳрамонлик ахтарди.
Қилмоқчи эди маза,
(Росаям бўлди изза).
Етар музда чалқанча,
Усаллик бўлди қанча?
Зирқирар ҳаммаёғи.
Соғ бўлсин-да оёғи.
Қаеридан лат еди?
Кўрганлар «аттанг», деди.
Жонсарак — бепарволик,
Очиқроғи — хатолик
Қиммат тушди нечоғлик,
Хавфда қолди тансоғлик.
Машинада, «03» да,
Кундузи соат учда,
Кетди касалхонага,
Ташвиш бўлди онага,
Хонадоннинг барига,
Ота, укаларига.
Докторга орттирди иш,
Қолиб кетди дарс-ўқиш.
Айтилади гиналар,
Ишлар укол-ниналар...
Келгунича яна қиш —
Тузалсин-да, бояқиш.

Хусанжон АМИНОВ

Сичқонбой панд берди,
Бурилиб,
Лат еди Мушукбой,
Урилиб.
Оқсади бечора,
Қийшайиб,
Сичқонбой кўринди
Ишшайиб.



«Тез ёрдам» керак

«03» ми бу? Алло кимсиз?
Ҳой, гапиринг нега жимсиз?
Чақириқ бор қабул қилинг,
«Тез ёрдам» да тезроқ келинг.
Укам Соли қилиб жанжал,
Қўғирчоққа урди ханжар.
Учиб кетди тана, боши,
Яна қилиб у кўз ёши,
Бир қўлини узиб олди.
Кўзларини бузиб олди...



Эргаш ЕНДОШ

Уялтирди

Хўроз бироз оғриб қопти,
Қичқирмайди.
Тумов-пумов бўлган десам,
Чучқирмайди.
— Ака! — дедим —
хўрозимнинг
Тоби қочган!
Акам деди: —
Йўғ-е, балки
Қорни очган.
Акам ерга бугдой сешиб,
— Ту-ту! — деди.
Қаранг, айёр,
Донга тўйғач
«Қу-қу!» деди.
Тагин... донсиз қўйган бола
«Шу-шу!» деди...

Фарида УСМОНОВА

Муаллим қўйган ўзи

Кундаликка муаллим,
Қўйиб қўйди катта «уч».
Мен ҳам уни боладим —
Чизиб яна битта уч.
Энди кундалигимда
Ҳаммадан ортиқ баҳо.
«Саккиз» баҳо ҳеч кимда,
Йўқ бўлса керак, аммо
Дадам суюнарлар деб
Бекор кутибман мақтов,
— Ия, — дедилар койиб,
Халитдан нега алдов?!
Хиқиллаб бўш келмадим,
Ерга яшириб кўзим,
Секин дедим: — Билмадим,
муаллим қўйган ўзи...

ДУНЁСИ

В. И. Ленин номидаги республика пионерлар Саройи «Еш қаламқашлар» тўғараги аъзолари ижодидан.

ИНСОФ

Қўлга олиб автомат
Ота кетдим «пақ-пақ-пақ!»
Унлаб ўртоғим қулаб,
Сўнг бўлди апоқ-чапоқ.
Шу пайт ўтиб қолди
Битта милиционер.
У ҳам қўлин кўтариб:
«Отма, таслим бўлдим», дер.
Келақол дўст бўлайлик,
Деб қўлини узатди.
Кейин автоматимни
Олди-ю, чопиб кетди.
Орқадан чувиллашдик:
— Қолдириб кетинг, ака...
У эса ўдағайлар:
— Тарқалларинг,

хув, така!..

Кейин билсак, бу «ака»
Мактабдош Тўйғун экан.
Акасининг формасин
Яшириб кийган экан.

Фарид УСМОН.

Тикан

— Шу кунгача
Кимлигингни
Қара, сира
Билмасдим.
— Бўлар бўлмас
Югурмасанг
Оёгингга
Кирмасдим.

Бойчечак

Баҳор келиб,
Емғир ёғиб,
Тарновлар,
Этса чак-чак,
Бола айтар:
Дадасига,
— Олиб келинг
Бойчечак.
Дада дейди:
— Boyчечак бу
Уйимизга сиғмайди.
Айтмасанг ҳам
Келтирардим
Агарда у
Сиғсайди.
Бола дейди:
— У шунақа
Бесўнақай
Каттами?
Катталикда
Стул, диван
Креслодан ўтарми?
Дада дейди:
— Йўқ, йўқ болам!
У улкан бир
Чечакдир.
Унга уймас
Кенг дала-ю,
Ям-яшил бог
Керакдир.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

Телетомошабин

Телевизор.
Ранг-баранг,
Ана томошо, қаранг!
Дам олиш кунни эди,
Акам «кўравер», деди.
Кўравердим бир бошдан,
Тонг сахардан ёнбошлаб.
Олдин «Ахборот» бўлди,
Пилла плани тўлди.
Кейин «Халқаро аҳвол»,
Семирдим қорамол —
Ҳаммасини ҳам кўрдим,
Не бўларкин, деб турдим.
Кейин бир тўп қиз чиқиб
Оёгин чўзиб, йиғиб —
Уйнашди ҳам сакрашди
Сўнг улар ҳам чарчашди.
Мен эса чарчамадим,
Ундан нари жилмадим.
Амакилар чиқишди,
Роса мажлис қилишди.
Тушунганим йўқ, лекин —
Кутавердим қизигин.
Қўғирчоқ фильм бўлди,
Шундан сал кўнглим тўлди.
Кейин аллама бало —
Музыкали тамошо,
«Дунё бўйлаб саёҳат»,
«Бўлинг соғу саломат»,
«Оламда нима гап?» деб
Бир киши жаврар ҳадеб.
«Оталар сўзи», деди,
«Ақлнинг кўзи», деди.
Экранга чиққанда «Баҳс»,
Ойимлар дедилар: «Бас!»
Аммо мен кўравердим,
Кетмасдан туравердим.
Кейин кино кўрсатди,
Турли тилга ўргатди.
Ярим кечаси — футбол,
Бақиршдик роса: «Гол!»
Аканг фақир ўша кун
Бир кеча-кундуз бутун
Кўрибман телевизор,
Уйқуга ётдим базўр.
Чошгоҳда турсам, бошим
Ғувуллайди худди хум.
Бир ҳафта юрдим гаранг,
Йўлимни топиб аранг.
Лоф эмас, ғирт рост бу гап,
Майли, кўринглар синаб.
Яхши-ку телевизор,
Лекин меъёр билан кўр.



О. Восихонов расми

Ота хуноб эди. У ўтиргани жой тополмас, тоқати тоқ бўлаётган, юрагига қил сигмаётган эди. «Эҳ, аттанг-а, — ўйларди у, — савдо зўр бўлаётганди-да, ўзи-ям! Ҳар бир харидордан нақ эллик-юз граммдан чегириб қолаётувдим. Ахир, «Қора қум» шоколадининг эллик грами ҳам пул-да! Касофат, халқ контроли аъзолари турган экан, улар савдо қилишибди, мен эса гафлатда қолиб улардан ҳам уриб қолаверибман!..»

Ота шу хаёлда туриб кўзи ўғлига тушиб қолди.

— Менга қара, ҳей, югуриб гузарга чиқиб кел. Бугунги газетани обкел. Тез бўл!

У ўғлига 5 тийинлик узатди-да, яна хаёлга берилди: «Бугунги газетани ўқинг, ўртоқ сотувчи» деганди-я, текширувчилардан бири. Нима чиққан экан унда!.. Ишқилиб бу ёғи пачава бўлмасинда!.. Уфф!..»

Шу пайт ўғил кўчадан кириб келди-да, отасига газетани узатди.

— Қайтими қани? — деди сўради ота.

— Майдаси йўқ экан, қайтармади, — жавоб қилди ўғил.

— Қайтармади?! Вой, ноинсоф-эй! Ҳар кишидан икки тийин олиб қолаверса пулдан сарой қуради-ку, улар. Ҳо-о, мен кўрсатиб қўяман, ноинсофларга! Ҳа-а кўрсатаман!..

Нодир МАҲМУДОВ,
Тошкентдаги 23-мактаб ўқувчиси.

ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Бир бор экан бир йўқ экан, шу бизнинг кунларда ақлли бир бола бор экан. Кунларнинг бирида дўстлари уни ўртага олиб:

— Сен биз нима қилсак шуни қилавер. Дунёда ёру-дўстдан азиз киши бўлмайди. Сўзимизга юрсанг оқибатли, иродали ва дўст ортирган бўласан.

Келгуси кунни бола муаллимига дуч келибди.

— Биринчи муаллимнинг мен бўлман. Дунёдаги барча сир-асрорни ўрганай десанг, менга эргаш, — дебди муаллим.

Бола иккиланибди, кўп ўйлабди. Шунда ота-она ўғлига насиҳат қилишибди:

— Сен бизнинг фарзандимизсан. Турмуш тажрибасини сенга биз ўргатамиз. Шундагина сен ҳаётда қоқилмай яшайсан.

Бола кимга қулоқ солишини билмай узоқ бош қотирибди. Дўстларига эргашай деса муаллимнинг гаплари ҳақ, муаллимига қулоқ солай деса бу ёқда ота-онасининг айтганлари... Ниҳоят, бола бир қарорга келибди. У ҳаётда кимга дуч келса улардаги энг яхши фазилятларни ўрганишга қарор қилибди...

Нодир АЛИМОВ,
Тошкентдаги 125-мактаб ўқувчиси.

Бу ҳақда фикр юритишдан олдин мазкур сўзининг маъносини билиб олишимиз керак. Мукаммал сўзининг бир неча маъноси, жумладан, тўлиқ, такомиллашган, етук ва ҳоказо бўлиб, у иншога нисбатан қўлланганда, ҳар жиҳатдан программа талабларига тўлиқ жавоб берадиган, деярли грамматик хатосиз ёзилган иш тушунилади.

Маълумки, ҳозирда қўлланилаётган қонун-қоидага мувофиқ иншога иккита баҳо қўйилади ва ундан умумий баҳо чиқарилади. Иншога нечта баҳо қўйиш керак, деган масала бўйича мутахассислар ўртасида баҳслар бормоқда, бироқ ҳали қатъий бир фикрга келингани йўқ. Шунинг учун ҳозирча иккита баҳо қўйиш қондасига амал қилинмоқда: адабиёт нуқтаи назаридан иншо эгасининг фикрлаш қобилияти ва доираси, адабий маҳорати, халқ мақол ва маталларидан ўринли фойдалана олиши, темани ёритиш даражаси ҳисобга олинса, тил нуқтаи назаридан саводхонлиги, ўз фикрини тўғри ва раво ифодалай билиш қобилияти (истеъдоди) эътиборга олинади.

Демак, мукаммал иншо деганда, жумлалар мантиқан бир-бирига боғланган ҳолда изчил, қайтариқсиз баён этилган, саводли ёзилган иш тушунилади.

Хўш, бундай иншо қандай ёзилади? Энг аввало, иншо ёзаётган ўқувчи ёки абитуриент мазкур темани чуқур ўзлаштирган бўлиши керак. Масалан, Йўлчи образи бўйича иншо ёзмоқчи бўлган киши Ойбекнинг «Қутлуг қон» романини албатта ўқиган, асар ва ундаги образлар ҳақида, ҳеч бўлмаганда, мактаб дарелигида берилган материал билан танишган бўлиши зарур. Асарни ўқимай, у тўғридаги фикрларни билмай туриб ёзилган иншода турли хил камчилик ва тўмтоқ ғояларнинг учраши табиийдир.

Жумла тузишдаги ғализлик, фикр юритишдаги узук-юлуқлик, мантиқий боғланмаслик ўзи билмаган тема бўйича иншо ёзишнинг ёки биров ёзган тайёр шпаргалкадан кўр-кўрона кўчиришнинг оқибатидир. (Журналнинг 1987 йил 12-сонидagi материалда келтирилган мисолни эсланг). Бундай иншоларда мустақиллик, эркин фикрлаш бўлмайди. Вақоланки, иншо ёзишдан мақсад, журналнинг ўтган сонида таъкидланганидек, ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг билим савиясини ошириш, дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришдир. Шунинг учун бўлса керак, иншонинг тўлақонлилигини белгиловчи омиллардан бири бўлган бу талабни, яъни темани ёритишга ижодий ёндашшни ҳисобга олмаган кишилар хатоси кам бўлган ёки тайёр шпаргалкадан кўчирилган иншога қўйилган баҳодан норози бўлишади: «Иншо хатосиз ёзилгану, лекин нима учундир паст баҳо қўйишибди», деб ёки, аксинча, «шунча хатоси бўла туриб, шунга яхши баҳо қўйишибди», деб ҳайрон бўлишади ва «ўқитувчилар ўзи шунақа, кўнглига ёққан баҳони қўйишади», деб гина ҳам қилишади. Бироқ улар иншони баҳолашда ўқитувчи иншо эгасининг темага қандай ёндашганини назарда тутганини билишмайди, негаки, кўпчилик назаридан иншо гўё грамматик хатоларнинг оз-кўплиги билан баҳоланади. Аслида иншо ёзаётган кишининг асар мазмунини қанчалик тушуниши, ундаги асосий образларни қай даражада билиши, асар ғоясини ёритишда образлардан фойдалана олиши каби адабий маҳорат даражасини кўрсатувчи хусусиятлар иншони баҳолашда муҳим критерий ҳисобланади.

Иншонинг мукаммаллигини билдирувчи иккинчи бир фактор пландир. Яхши режа — ярим иш, дейди доно халқимиз. Иншонинг пишиқлиги, кўп жиҳатдан, планга боғлиқ. Чуқур ўйлаб, пухта тузилган план — ёзма ишнинг ярим муваффақияти, десак муболага бўлмайди. План яхши тузилган ҳамда теманинг барча муҳим томонларини ўзида мужассамлаштирган бўлса, шу асосда ёзилган иншо ҳам тўлақонли бўла олади.

Афеуски, кўп йиллик тажрибамизга таяниб шунини ишонч билан айтишимиз мумкинки, планларнинг жуда кўпчилиги бир қолипда тузилади. Хусусан, кириш қисмида, албатта, у ёки бу асарнинг ёзилиш тарихи, асосий қисмда образ ёки образларга характеристика, хулосада мазкур асарнинг тарбиявий аҳамияти баён этилади. Оригинал планлар онда-сонда бир учраб қолади. (Навбатдаги мақолалардан бири план тузишга бағишланганини ҳисобга олиб, ҳозир бу ҳақда батафсил тўхталмаймиз).

План шундай тузилиши керакки, унинг асосида ёзилган иншо билан танишган киши ўзи ўқимаган асари, унинг ғоявий мазмуни, ундаги асосий персонажлар ҳақида умумий тасаввурга эга бўла олсин.



МУКАММАЛ

ИНШО

ҚАНДАЙ

ЁЗИЛАДИ?

Иншо мукаммаллигини ифодаловчи яна бир омил — саводлилик даражасидир. Вунда иншо ёзган кишининг адабий тил нормаларини билиш даражаси эътиборга олинади: сўзларни тўғри ёки нотўғри ёзиши (орфография), тиниш белгиларини қандай қўллаши (пунктуация), шунингдек, фикрни изчил ва раво ифодалаши (стилистика), чунки грамматик хатоларнинг ҳар бири, озми-кўпми, маънога таъсир этади.

Талаффузига кўра деярли бир хил бўлган, бироқ ёзилишига кўра бир-бирдан фарқ қиладиган ва шунга кўра маънолари турлича бўлган сўзлар тилимизда анчагина бор. Масалан ПАҚИР ва ФАҚИР сўзларини олайлик: биринчиси сув ва бошқа суюқликлар учун ишлатиладиган идиш, яъни челаки билдирса, иккинчиси моддий жиҳатдан ночор, қашшоқ бўлган камбағал одамни, бировларга ачинишни, шахс ўзи ҳақида гапирганда камтарлигини англатади. Масалан:

1. Ўзининг мол-дунёси ошиб-тошиб ётса-ю, фақирга (пақир) кўз олайтирса... (Ж. Шарипов «Хоразм»)

2. Бола фақир (пақир)га қийин бўлди... (С. Анорбоев «Оқсой»)

3. «Биз фақир (пақир)нинг хужрасига ҳам албатта боринг», — деди. (Туйғун. Шоир ҳақида ҳақиқатлар)

Жумла маъносини тўғри тушунишда тиниш белгиларининг ҳам роли жуда катта. Масалан, Зокир, Шокир, Ботир Тоҳирни сўраб келишди, жумласини таҳлил қилиб кўрайлик. Шу ҳолатда ёзилган гап уч кишининг, яъни Зокир, Шокир ва Ботирларнинг Тоҳирни сўраб келганини билдиради. Шу гапда вергуль ўз ўрнида қўйилмай қолса уни тушуниб бўлмайди. Солиштиринг:

1. Зокир, Шокир, Ботир, Тоҳирни сўраб келишди. Вунда кимлардир тўрт кишини сўраб келгани баён қилинган.

2. Зокир, Шокир Ботир Тоҳирни сўраб келишди — ким кимни сўраб келганини тушуниб бўлмайди.

3. Зокир, Шокир Ботир, Тоҳирни сўраб келишди. — Икки киши (Зокир ва Шокир) икки киши (Ботир ва Тоҳир)ни сўраб келган.

Барча тиниш белгилари (нуқта, икки нуқта, тире)нинг нотўғри қўлланиши юқоридаги каби гап маъносига таъсир этади. Қўштирноқни ишлатиш билмаслик эса автор гапи билан кўчирма гапни чалқаштириб юборишга олиб келади. Бундай хатога йўл қўймаслик учун тиниш белгиларининг ишлатилиши қодаларини яхши билиш зарур.

Стилистик хато, яъни фикрни ифодалашда тил материалларидан тўғри фойдалана билмаслик, гап бўлақларининг бир-бири билан боғланиш қодаларини бузиш ҳам саводсизликнинг бир кўриниши бўлиб, иншо мукаммаллигига салбий таъсир этади. Стилистик хатога йўл қўйилган жумлаларда раволик ўрнини ғализлик эгаллайди, автор нима демоқчи бўлаётганини тушуниб бўлмайди.

Матбуот саҳифаларида стилистик хатолар кўпроқ таржималарда учрайди. Масалан, УИЕК (Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгаши) фаолиятида ҳам ҳамкорлик планларини мувофиқлаштиришни корхоналар ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги бевосита ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш янада узвий равишда боғлаб олиб бориши таъминланиши керак («Совет Ўзбекистони» газ. 1987 йил, 16 октябрь). Унинг маъносини тушуниш учун русча текстга қиёслаш керак. Назаримизда, айрим сўзлар яхши танланмаган. Тўғри, баъзи ҳолларда айнан сўзма-сўз таржима қилиш шарт эмас, лекин шу ўринда «бевосита» ўрнига «тўғридан-тўғри», «боғлаб олиб бориш» ўрнига «қўшиб олиб бориш» ишлатилса, мазмун анча бойирди. Лекин мазкур гапнинг мазмунини тушуниб бўлмасликнинг сабаби бу сўзларни яхши танланмаганида эмас, балки мутлақо кераксиз бўлган «янада»нинг ноўрин қўлланишида. Русча текстда ҳам унинг эквиваленти ишлатилмаган. Олд кўмакчи «с» «билан» қилиб таржима қилинганда эди, мазмун тушунарли бўларди: «УИЕК фаолиятида ҳам ҳамкорлик планларини мувофиқлаштиришни корхоналар ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш билан узвий равишда қўшиб олиб бориш таъминланиши керак».

Орфографик хатога йўл қўймаслик учун, айниқса сиз учун қийин бўлган сўзларда, бўғинлаб, пунктуацион хатонинг олдини олиш учун мазмундан келиб чиқиб ёзиш, раволикка эришиш учун эса содда ва қисқа гаплар тузиш лозим.

Ҳурматли журналхон, энди сизга мустақил таҳлил қилиш учун қуйидаги икки жумлани топшириқ қилиб берамиз. Сиз унинг тўғри ёки нотўғрилигини, агар нотўғри бўлса, қандай хатолар борлигини ёзиб юборинг.

1. Эркакка отага, фарзандлар номига муносиб бўлиш, уларга доғ туширмаслик, ака-ука, опа-сингилга оқибатли бўлиш лозим.

2. Ҳар бир ота оиланинг бўлажак бошлиги — ўз фарзандига ҳеч қайси китобда ёзилмаган, аммо авлоддан-авлодга, отадан-ўғилга ўтиб келаётган рўзғор тебратиш санъатининг қонун-қоидаларини ўргата бориши, ўғилни оила қуришга тайёрлаши лозим.

(«Тошкент оқшоми» 1987 йил, 29 октябрь, «Ҳаёт лаззати нима?»)

М. АМИНОВА,
Р. САИДОВА,

филология фанлари кандидатлари.

ТўП ДУМАЛОК



(Майдон текис, ўйинда эса галаба кучли командага насиб этади, дейди футбол бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, «Пахтакор» командасининг ярим ҳимоячиси Миржалол Қосимов)

Бугун «Пахтакор» командасида ёш футболчилар кундан-кунга ўз маҳоратларини ошириб, мамлакатимизнинг мана-ман деган командалари билан баравар беллашмоқда, ишқибозларнинг ҳурматига сазовор бўлишмоқда. Ана шундай ўйинчилардан бири — Миржалол Қосимов. Футбол ишқибозларининг унга ихлоси баланд. Тўғри, у ўтган мавсумда «Пахтакор» составида унча кўп ўйнагани йўқ. Бунинг узрли сабаби бор: у ўсмирлар мамлакат терма командасининг аъзоси. Худди шу терма команда билан биргаликда у жаҳон чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритган.

Жаҳон чемпиони... Бир пайтлар «Пахтакор»нинг номдор ўйинчиларидан Михаил Ан билан Владимир Фёдоров ёшлар ўртасида Европа чемпиони бўлишган эди. Орадан ўн йиллардан кўпроқ вақтдан сўнг Миржалол жаҳон чемпиони бўлди.

Биз Миржалол Қосимов билан яқиндан танишиш мақсадида уни редакцияга таклиф этдик. Келишилган вақтда хонага ўрта бўй, истараси иссиқ ёш йигит кириб келди. Бу — Миржалол эди.

Лекин у билан суҳбатлашишдан олдин Миржалол билан бевосита боғлиқ бўлган бир лавҳани эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

...Бундан ўн бир йил муқаддам, яъни 1977 йил қиш кунларининг бирида ишдан қайтган Қўшоқ аканинг олдида ўғли — 1-синф ўқувчиси Миржалол келди.

— Дада, — деди у, — Чиғатойда футбол мактаби бор экан. Мени ўша ерга олиб боринг.

— Футболчи бўласанми?

— Ҳа, ҳа! — деди шошиб Миржалол.

Қўшоқ ака ўғлини футбол деса ўзини томдан ташлашни яхши биларди. Қачон қарасанг уни маҳалладаги майдончадан топасан. Унинг ўзи ҳам тўп сураётган ўғлининг ўйинини бир неча бор тамоша қилган. Миржалол шерикларидан бир неча ёш кичик бўлишига қарамай, анча чапдаст эди. Рақибларини усталлик билан алдаб ўтар, дарвозага кўп тўп киритарди. Қўни-қўшилари ҳам «Шу ўғлингиз зўр футболчи бўлади-да», дейишарди унинг ўйинидан завқланиб.

Аммо унинг илтимоси... Қўшоқ ака ўйлашиб қолди. Агар футбол мактабига олиб борса ўқишлари сусайиб кетмасмикин? Бусиз ҳам гоҳо ўйинга берилиб паст баҳо оляпти. Футбол мактабига қатнаса уйда кам бўлади. Узбошимча бўлиб кетмасмикин? Бунинг устига беш-ўн кун катнаб ҳафсаласи пир бўлгач ташлаб юборса-чи? Бу ёғи ҳам ёмон.

Миржалол дадасига умид билан тикилиб турар эди.

— Бўпти, олиб бораман.

Миржалолнинг юзи қувончдан ёришиб кетди: — Яшасин!

Миржалол дадасига савол назари билан боқди.

— Биринчидан, ўқишингни яхшилайсан, иккинчидан катталарнинг гапини икки қилмайсан, учинчидан футбол ўйнашга астойдил қизиқсанми, энди уни ташлаб юбормайсан. Шу шартларингизга кўнсанг олиб бораман.

Миржалол учун бу шартларнинг энг қийини биринчиси эди. Уқишни деб ўқитувчисидан ҳам, дадасидан ҳам гап эшитган пайтлари бўлганда.

— Бўпти, шартларингизни бажараман, — деди Миржалол.

Ота-бола Республика футбол мактабига йўл олишди. Аммо иш чаппасига кетишига сал қолди. Мактабга ўқувчилар қабул қилиш тўхтатилган экан.

— Группаларга бола олиб бўлдик, — тушунтирди тренер.

Миржалол майдонга тушишга ҳозирлик кўраётган болаларни кўриб уларга ҳаваси келди. Қани энди ўзи ҳам ўша болалар орасида бўлса...

— Қани, сен ҳам улар билан бир ўйнаб кўрчи? — деди кутилмаганда тренер.

Миржалол бир зумда формани кийиб, майдонда ҳозир бўлди. Ўйин бошланди...

— Анча чаққон экансан, дуруст! — деди тренер кулиб машқдан сўнг. Унга, Юрий Михайлович Господарчукка Миржалолнинг майдондаги ҳаракатлари ёққан эди.

Миржалол шу тариқа футбол мактабига аъзо бўлди. Энди у ҳар кун шаҳарнинг бу бошидан у бошига қатнар, йўлнинг ўзига икки-уч соатлаб вақт сарфларди. Қийналди. Лекин чидади. Футбол учун, унинг сирларини чуқур эгаллаш учун ҳар қандай синовларга тайёр эди у.

1983 йили ўсмирлар бўйича республика, 1985 йили СССР терма командасига қабул қилинди. Бир йилдан сўнг Тошкентда бўлиб ўтган XVI Халқаро футбол турнирида мамлакат терма командаси составида майдонга тушди. Кейин у Москвадаги спорт-интернатда ўқишни давом эттирди. Мамлакат терма командаси составида Европа ва Жаҳон чемпионатида иштирок этди...

Биз Миржалол билан футбол ва футболчилар ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Шунда Қўшоқ аканинг уч шарти ҳам тилга олинди.

— Дадамнинг уч шартига ҳамон амал қилиб келяпман. Интернатни яхши баҳолар билан битирдим. Ҳозир Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтининг биринчи курсида ўқияпман.

— Миржалол, айтингчи, жаҳон биринчилиги бошланмасдан олдин сизда ва команда аъзоларида чемпион бўламан деган ишонч бормиди?

— Албатта. Бундай ишонсиз майдонга тушиб бўлмайди. Биз Европа чемпионатида иккинчи ўринни олиб жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган эдик. Шу сабабли унга пухта тайёргарлик кўриш имконига эга бўлдик. Ўз группамизда ғолиб чиққандан кейин финалда Нигерия терма командаси билан учрашдик Асосий вақтда ҳисоб — 1:1 — дуранг бўлди. Қўшимча вақтда бу ҳисоб ўзгармади. 11 метрликдан тўп тепишда биз ютдик. Ҳисоб 3:1 бўлди. Командамизнинг ҳамма аъзолари умий ғалаба учун бор маҳоратларини ишга солди. Бу ютуқда тренеримиз — Александр Пискаревнинг ҳам хизмати жуда катта.

— Командага капитанлик қилишнинг масъулияти катта. Шунинг учун энг муносиб футболчилар капитан этиб сайланади. Сизни командадош дўстларингиз капитан қилиб сайлашган.

— Сабабини билмадим, команда йиғилишида йигитлар менинг номзодимни кўрсатишди.

— Мамлакатимиздаги футболчилардан кимни идеал футболчи деб биласиз?

Гапнинг очиги, Миржалолга бу саволни беришдан мақсад у қандай футболчи бўлишга интилишини билиб олмоқчи эдик.

— Заваров! — деб жавоб берди Миржалол. Кейин гапида давом этди. — Александр Заваров ўз командасида ҳужумлар уюштириши, тўпни керак пайтда шерикларига узатиб бера олиши билан менга жуда ёқади.

Тўғри, Александр Заваров кучли ўйинчи. Лекин Киевнинг «Динамо» командасида Европанинг энг яхши ўйинчиси деб ном олган футболчи — Беланов ҳам бор. Нима учундир Миржалол унинг номини тилга олмади.

— Беланов кучли ўйинчи. У майдонда тез ҳаракат қилади. Лекин Заваровда тезлик ҳам бор, ташкилотчилик ҳам бор. Муҳими, у майдонни кўра олади.

— Миржалол, Сиз ўзингизда Заваровга ўхшаган кучли футболчи бўлишингизга монелик қиладиган қандай камчиликлар бор деб биласиз?

— Э, менда камчиликлар кўп. Масалан, тўпни дарвозага киритишда қулай имкониятлардан унумли фойдалана олмайман. Унча тезкор ҳам эмасман. Буларга барҳам бериш учун кўп меҳнат қилишим керак.

Миржалол суҳбат давомида барча саволларга самимий жавоб беришга ҳаракат қиларди. Суҳбатимизнинг давоми ҳам бунга мисол бўла олади.

— Кўпинча ўйин қизғин давом этаётган пайтда футболчи гўё жароҳат олгандек узоқ пайт ўрнидан турмай этади. Сиз, ёш футболчи сифатида бунга қандай қарайсиз?

— Бунақа пайтларда ўша ўйинчидан нафратланаман, жаҳлим чиқади.

— Ўзингизда-чи, ўзингизда ҳам шунақа ҳоллар бўлганми?

Миржалол кулди. Кейин:

— Бўлган, — деди.

— Бу ёмон-ку!

— Тўғри, ёмон — фикримга қўшилди у. — Лекин ўйиннинг ҳам ўзига яраша талаблари бор. Баъзан ҳисобни сақлаб қолишга уринасан. Шунда... Кейин ўртоқларинг қаттиқ чарчаган, бор кучингни ўйинга бергансан...

— «Пахтакор» командасида ҳозир аҳвол қалай?

— Яхши, жуда яхши. Энди чиройли ўйин кўрсатиб ишқибозларни хурсанд қилиш керак, холос.

— Сизнингча «Пахтакор»нинг мавқеини кўтариш учун яна нималар қилиш керак?

— Республикамизда тарбияланган ёш футболчилар команданинг асосини ташкил қилиш керак. Ана шунда ҳамма команда тақдири учун бирдек жон куйдиради...

Хайрлашар экан, Миржалол қуйидагиларни блокнотимга ёзиб қолдирди:

Шоҳрух АКБАРОВ.


*«Еш куч» - Молодая - сиема «
журнали ўқувчиларига ўқишда
ва спортда катта муваффақиятлар
тилайман.
Миржалол Қосимов /Маммул»*

ҲАҚИҚИЙ СОННИНГ КОМПЛЕКС ДАРАЖАСИ

Хўш, дўстларим, ўтган машғулотиمنى ўзлаштириб олдингизми? Баракалла. Бугун шу темани яна давом эттирамиз. Бу — билимингизнинг пухта бўлишига ёрдам беради.

2. Комплекс сонлар $z = x + iy$ кўринишидаги ифодага комплекс сон дейилади ($i^2 = -1$). Бу ерда x, y лар ҳақиқий сонлар бўлиб, улар z комплекс соннинг, мос равишда, ҳақиқий ва мавҳум қисмлари дейилади.

Бизга маълумки ҳақиқий сонлар тўплами геометрик ОХ тўғри чизиқ ўқида тасвирланади. Бундан фарқли ўлароқ, комплекс сонлар тўплами ОХУ декарт координаталар системасида, икки ўлчовли текисликда тасвирланади. ОХУ текислигида (x, y) га мос нуқтасини олайлик 1-шакл.



М нуқта $z = x + iy$ комплекс соннинг ОХ текисликдаги геометрик тасвири дейилади. Шунақа тасвирлашда ҳар бир комплекс сонга битта нуқта ва ОХУ текисликдаги ҳар бир нуқтага битта комплекс сон мос келишини кўриш қийин эмас. Демак, комплекс сонлар тўплами билан, ОХУ текислиги нуқталари орасида ўзаро бир қийматли мослик мавжуд бўлиб, бу мослик назарда тутилган ҳолда ОХУ текисликка комплекс текислик ҳам дейилади.

Координат бошидан М гача бўлган масофа r комплекс соннинг модули дейилади, бурчак α эса аргументи дейилади: $r = |z|$, $\alpha = \arg z$ (1-шаклга қаранг). Комплекс соннинг ҳақиқий ва мавҳум қисмлари x ва y лар r ва α билан шундай боғланади: $x = r \cos \alpha$, $y = r \sin \alpha$. Демак, $z = x + iy$ комплекс сонни r ва α лар орқали қуйидагича ҳам ифодалаш мумкин:

$$z = x + iy = r \cos \alpha + i r \sin \alpha = r(\cos \alpha + i \sin \alpha) \quad (2)$$

Комплекс соннинг бундай кўриниши унинг тригонометрик формада ифодаси дейилади.

(Комплекс соннинг аргументи α га 2π га каррали сонни қўшиш унинг тригонометрик формасига таъсир қилмаслигига эътибор беринг!)

Комплекс сонлар устида арифметик амаллар одатдагича киритилади: $z_1 = x_1 + y_1 i$, $z_2 = x_2 + y_2 i$ комплекс сонлари

$$\text{учун } z_1 + z_2 = (x_1 + x_2) + (y_1 + y_2) i$$

$$z_1 z_2 = (x_1 x_2 - y_1 y_2) + (x_1 y_2 + y_1 x_2) i$$

Айриш ва бўлиш амаллари, мос равишда, бу амалларга тескари бўлиб

$$z_1 - z_2 = (x_1 - x_2) + (y_1 - y_2) i$$

ва $z_2 \neq 0$ бўлганда

$$\frac{z_1}{z_2} = \frac{x_1 + y_1 i}{x_2 + y_2 i} = \frac{(x_1 + y_1 i)(x_2 - y_2 i)}{(x_2 + y_2 i)(x_2 - y_2 i)} = \frac{x_1 x_2 + y_1 y_2 + (x_2 y_1 - y_2 x_1) i}{x_2^2 + y_2^2}$$

эканликларини кўриш қийин эмас.

Мана, азиз журналхонлар иккинчи машғулотишимиз ҳам ниҳоясига етди. Келгуси сафар комплекс сонлар устида амаллар билан танишасиз.

Азимбой САЪДУЛЛАЕВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент
Давлат университетининг профессори,
физика-математика фанлари доктори

УМУМЛАШ- ТИРИШГА ИНТИЛИШ

Математикада ҳар бир теореманинг тайин бир шартлари («берилган»), даъвоси («исботлаш керак») бўлади. Турли назариялар ҳам бошланғич маълумотлар, тушунчалар, фактлар (масалан, аксиомалар системаси) замирида қурилади. Сиз мактабда ўрганаётган геометрия шундай фан — у аксиомалар системасида қурилган. Классик механика эса Ньютон қонунларига асосланган... Ҳар бир назария (хусусан, теорема) ўз «таъсир доираси», «ишлаш чегараси» га эга, ундан ташқарида теорема, назария, умуман айтганда, «ўз кучини йўқотади». Масалан, жуда катта тезликларда (тезлик ёруғлик тезлигига яқин бўлса) классик механиканинг кўплаб хулосалари «ишламайди», улар ўринли бўлмайди... Геометрия текислик ёки уч ўлчовли фазо ўрнига, масалан, сферада қурилса, биз одатлашиб қолган кўпгина теоремалар бошқача баён қилинади. Хусусан, сферик учбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси 180 градусдан ортиқ бўлади... Мана кўрдингизми, шартлар, қаралаётган бошланғич объектлар ўзгариши билан хулосалар ҳам жиддий ўзгаришти. Теорема, назариялар қанчалик кенг, қанчалик кўп саволларга жавоб бераолади? Бирор теорема, назария жавоб бераолмайдиган саволларга жавоб топа оладиган теорема, назария қуриш мумкинми? Мана шу кейинги исботланган теорема, қурилган назария аввалгисининг умумлаштирилгани (кенгайтирилгани) бўлади. Умумлаштиришлар математик фактларнинг «ишлаш чегараси»ни кенгайтиради, бинобарин, бизнинг билимларимизни бойитади, илгари «торроқ» объект учун ўринли фактлар энди «кенгроқ, бойроқ» синф учун ўринли бўлади, бу эса математика воситасида бизни ўраб турган ҳақиқий оламни янада чуқурроқ ўрганишда аҳамиятлидир. Умумлаштиришларнинг нақадар зарурлигини сон тушунчасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши мисолида яққолроқ кўриш мумкин. Маълумки, кишиларнинг предметларни санашга бўлган эҳтиёжлари туфайли натурал сонлар пайдо бўлди. Натурал сонлар тўплами амалиёт қўяётган масалаларни ҳал этиш учун «етарли» эмаслиги равшан бўлиб қолди. Натижада, манфий бутун сонлар, рационал сонлар киритилди. Бутун сонлар тўпламини умумлаштириш, кенгайтириш зарурлигини тақозо этадиган талайгина масалалар бўлгани каби, рационал сонлар тўпламини кенгайтиришга олиб келадиган масалалар ҳам кўп. Кесмаларни ўлчаш масаласи, масалан, томони 1 га тенг бўлган АВСД квадратнинг АС диагоналини (бу диагоналниң узунлиги $\sqrt{2}$ га тенг) ўлчаш масаласи рационал сонлар тўплами ҳам амалиёт эҳтиёжларини тўла-тўқис қондира олмаглигини кўрсатди. Агар фақат рационал сонлар тўпламида қолсак, АС диагонални «ўлчаб» бўлмайди, у «узунлик»га эга эмас. Иккинчи томондан, АС —



тайин бир кесма, бинобарин, унинг узунлиги бор, ammo унинг узунлигини ўлчашга рационал сонларнинг «кучи» етмайди. Демак, АС нинг аниқ узунлигини билиш учун рационал сонларни кенгайтириш, «янги сонлар»ни киритиш лозим. Бу «янги сонлар» иррационал сонлар деб аталади. Барча рационал ва иррационал сонлар тўплами ҳақиқий сонлар тўпламини ташкил қилади. Шундай қилиб, рационал сонлар тўплами ҳақиқий сонлар тўпламига кенгайтирилади. Бироқ, ҳақиқий сонлар тўплами ҳам илму фан, ҳаёт қўяётган барча масалаларни ечиш учун «етарли» эмас. Масалан, $x^2 + 1 = 0$ тенглама ҳақиқий сонлар тўпламида ечимга эга эмас. Хўш, бу оддийгина тенгламани сира ҳам еча олмаемизми? Квадрат тенгламани ечаётиб, унинг дискриминанти манфий бўлса, бундай тенглама ечимга эмас, деб кетавергансиз. Квадрат тенгламаларни ечишнинг сиз билган назарияси, ҳақиқатан ҳам фақат дискриминанти манфий бўлмаган тенгламалар учун яроқли. Бу назариянинг «чегараси» шу, «кучи» шу ерда тугайди. Дискриминант манфий бўлса, у ҳолда нима бўлади? Бу назария унга жавоб беролмайди. Тенглама ечимга эга эмас, дейди холос! Наҳотки, аввалдан берилган ихтиёрий квадрат тенгламани еча оласан?! Бу саволга «еча оламиз!» деб жавоб бериш учун ҳақиқий сонлар тўпламига қараганда «кенгроқ, умумийроқ» сонлар системаси тўпламини қуриш керак. Бундай сонлар тўплами қурилган — у комплекс сонлар тўпамидир. Бу тўпалда энди ҳар қандай квадрат тенглама ечимга эга бўлади! Математикадан қуйи синфларда ўтилган кўпгина темалар юқори синфларда умумлаштирилади. Тўғри бурчакли координаталар системаси, векторлар ва улар устида амаллар, тўғри чизиқ тенгламаси, икки нуқта орасидаги масофа формуласи аввал текисликда баён қилинади, сўнг уч ўлчовли (кейинчалик, n — ўлчовли) ҳол учун умумлаштирилади. Косинуслар теоремаси, тўғрибурчакли параллелепипед диагонали ҳақидаги теорема Пифагор теоремасининг умумлашганидир. Аниқ интеграл тушунчаси узунлик, юза, ҳажм тушунчаларига қараганда умумийроқ. Бунга ўхшаш мисолларни ўзингиз ҳам топа оласиз. Кўрдингизми, азиз журналхон, тушунчалар, теоремалар, қонуниятлар, формулалар, тенгсизликлар, ҳаттоки, назариялар умумлаштирилиши мумкин. Умумлаштиришлар ўрганилаётган масалани, маълум маънода, мантикий тугалланганликка олиб боради. Бўладиган умумлаштиришларни олдиндан кўра билиш, исботланган теорема, қурилган назарияларни умумлаштиришга, кенгайтиришга интилиш ва уни бажариш математика хос фазилатлардан бири, математик қобилиятдан дарақ берувчи белгидир.

С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ,
УзФА академиги,
М. А. МИРЗААХМЕДОВ,
доцент.

«Ёш математикларнинг сиртқи олимпиадаси»

VI тур

1. Ҳил боланинг ака-укалари ва опа-сингиллари сони тенг. Унинг сингисиди эса опа-сингиллар сони ака-укалари сонидан икки марта кам. Ака-укалар ва опа-сингиллар нечадан?
2. Агар a, b, c бирор учбурчак томонлари, узунликлари бўлса, ҳар қандай ҳақиқий x да $b^2 x^2 + (b^2 + c^2 - a^2) x + c^2 > 0$ тенгсизлик тўғри бўлишини исботланг.
3. Учбурчакнинг икки томони 10 ва 15 га тенг. Улар орасидаги бурчак биссектрисасининг узунлиги 12 дан катта эмаслигини исботланг.
4. $(a+1)^{2n+1} + a^{n+2}$ сонининг $a^2 + a + 1$ га бўлинишини исботланг. Бунда a — бутун сон, n — эса натурал сон.

5. $\frac{1}{x} + \frac{1}{y} = \frac{1}{1987}$ тенгламани натурал сонларда ечинг.
Жавоб йўллашнинг охири мuddати — 25 май.



ОТ СУРИБ,

Клуб мутасаддиси СССР
спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ

ряд беришга лойиқ иштирокчилар ҳам аниқланади.

Мусобақамизда, айтилик, I разрядни олсангиз-у, яккама-якка баҳсда III разрядли шахматчидан енгилиб турсангиз, қаттиқ ҳижолатда қоласиз. Бунинг олдини олай десангиз, топшириқларни кучингиз етганича мустақил ечишга ҳаракат қилинг, дўстлар.

ЯНГИ МУСОБАҚАГА МАРҲАМАТ

Утган йили ўтказган юбилей конкурсимиз иштирокчиларининг истақларини ҳисобга олиб, энди ўзига хос яна бир мусобақа бош-лашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Журналнинг ушбу сонидан бошлаб топшириқлар бериб борамиз. Спорт разряди нормативлари белгиланганлиги тўғрисида кўпроқ этюд ҳамда амалий партиялардан олинган мисоллар бўлади.

Мусобақа шартлари




Ҳаваскорлар малакасини ошириш мақсадини кўзловчи бу мусобақа йил бўйи давом этади. Барча топшириқларга тўғри ва тўлиқ жавоб йўллаганлар Бутуниттифоқ I спорт разряди талабларини адо этган деб топилади. Жавобларнинг салмоғига қараб II, III ва IV раз-

Сарғайган дафтардаги сабоқлар

Жаҳон экс-чемпиони А. Карпов бош муҳаррирлик қилаётган нуфузли журнал — «64 — шахматное обозрение» редакциясига ажойиб лекциялар битилган эски бир дафтарни олиб келган киши — пенсионер Владимир Фомич Дубенсков экан. Уни эълон қилишдан олдин, редакция москвалик таниқли кекса шахмат мастери А. Чистяковдан қисқача кириш сўзи ёзиб беришни илтимос қилибди.

— Бу дафтардан ўттинчи йиллардаги Москва шахмат ҳаётининг бетакрор муҳити уфуриб турарди, — деб ёзади А. Чистяков. — 1925 йилги халқаро турнир, сўнгра 1933 йилги М. Ботвинник — С. Флор матчи асос солган ўша «Шахмат жазаваси», ўша бекиёс қизиқиш, А. Алехиннинг Х. Р. Капабланка ва Е. Боголюбов билан жаҳон-биринчилиги учун бўлган баҳслари тўғрисида юзага келган шодлиги ташвишларни унутиб бўларканми?! Ешу қари шахмат ҳақида ўйларди. Албатта, энг муҳими ёшларнинг қизиқиши янги авлодга ўз тажрибаси ва билимини бериб-ўргатиб борган москвалик бир группа мастерлар томонидан доимо қўллаб-қувватланар эди. Улар орасида Ф. Дуз-Хотимирский (Ўзбекистонда ҳам кўп марта бўлиб амалий ёрдам кўрсатган ва


Мана дастлабки вазифалар
Сиз қандай ўйнардигиз!



1, 2 — диаграммаларда юриш оқлардан.

3, 4 — диаграммаларда юриш қоралардан.

Жавоблар I мартгача юборилиши шарт. Конверт устига «Шахмат» деб ёзиб қўйинг. Сизларга муваффақият, дўстлар!



сеза билган эди. Лекцияларни у батафсил ёзиб борар (студентликда ортирган кўнма кор келган эди), уйига келиб уларни асл ҳолига келтирарди. Владимир Фомич авиацияда жанг қилиб юрган уруш йиллари улар бир мўъжиза билан сақланиб қолди. У Москвага қайтиб келгач, лекцияларни қайта ёзиб чиқди ва кўп йиллардан кейин редакцияга олиб келди. «Мен шахмат ҳаваскорлари Москвада қандай устоз-муаллимлар бўлганлигини билиб олишлари учун ушбу ёзувларни журналга тақдим этишга аҳд қилдим. Бениамин Маркович лекцияларидан сўнг менда шахматга бутунлай ўзгача, янги нуқтаи назар пайдо бўлган эди», — деб эслайди Ф. М. Дубенсков...

— У асраб келган лекциялар, — дейди А. Чистяков, — шахмат тарихидаги бир камчиликини тўлдиришга ёрдам берадики, бу ҳақда гроссмейстер А. Котов шундай ёзган эди: «Афсуски, биз ҳали Блюменфельднинг улкан тадқиқотларидан ҳаммасини ололганимиз йўқ. Ишончим комилки, унинг меросига янада эътиборлироқ муносабат бизга шахмат тарихи проблемаларини ўрганиш ва масъул мусобақаларга тайёрлашда кўмаклашади».

Энди сўз В. Ф. Дубенсковга: — Б. М. Блюменфельднинг лекцияларига жуда кўп киши тўпланарди. Бир гапни яширмайман: кўпинча у лекцияларга кечикиб келар, лекин тингловчиларнинг аксарияти уни кечирарди. Эсимда, кечки соат еттида Миттельшпилдан лекция бўлиши керак эди. У шахмат тарбиясининг худди шу босқичи ҳақида лекция ўқирди. Блюменфельд соат тўққизда келди, шахмат адабиётлари билан лиқ тўла эскириб кетган портфелини столга ташлади. У ҳарсиллар, зўрға нафас оларди, жуда чарчганини эълон қилди. Сўнг ассистенти А. Н. Чистяков билан чой ичиб олгани буфетга қараб кетди. Чойхўрликни тугатгач, битта папирос чекиб олди, ассистенти билан икки қўл дилхуши

ўйин қилди ва шундан сўнггина лекция бошланишини айтди. Лекин айтиб ўтилганидек, тингловчилардан бирортаси ҳам тоқати тоқ бўлиб, кетиб қолмади. У нимаси билан аудиторияни ушлаб турарди? Адвокат эмасми, ниҳоятда гапга чечан эди; фавқулодда тезлик билан тингловчилар диққатини ўзига жалб қилиб олар, лекция тугагунча уни бўшатмасди. Бироқ Блюменфельд лекцияларининг муваффақиятини биргина нотиклик маҳорати билан изоҳлаб бўлмайди, албатта. Энг муҳими, мазмуни, унинг шахмат билимдони эканлигида эди. Лекцияларда машҳур совет мастерининг шахматга бўлган нуқтаи назари акс этган эди...

Шундай қилиб, олдимизда — Блюменфельднинг Миттельшпил бўйича 1934 йилда ўқиган еттига лекцияси. Биз сиз журналхонларни улар билан таништириб боришни жуда фойдали деб билдик.

Блюменфельд биринчи лекциясини 1934 йил 25 июнда ўқиган эди. Айниқса биз бошловчилар учун ажойиб тарзда, шавқ-завақ билан ўқиди: шахмат партиясининг бир бутунлиги ҳақида тўла тасаввур берди. Миттельшпил ҳақида гап бошлар экан, у аввало эндшпилнинг нақадар муҳимлигини таъкидлади. Миттельшпилнинг эндшпил билан боғлиқлигини билмай туриб сира яхши ўйнаб бўлмайди, деб ишонтирарди бизни.

Блюменфельд: Ана шунинг учун ҳам Н. Д. Григорьев (Эндшпилдан лекция ўқиган машҳур шахмат мастери ва проблемист-композитори — М. М.) сизларга нимаики деса ҳаммасини ўйлаб кўринг ва муфассал ўрганиб чиқинг. Эндшпилни ўрганиш миттельшпилни ўрганишдан кўра кўпроқ нарса беради. Тасаввур қилинг, бир пиёдангиз ортиқ, барча сипоҳларни алмаштириб юбориш имкониятига эгасиз, лекин шундай қилмайсиз, негаки пиёдали эндшпилда ана ўша ортиқ пиёда қандай устунлик беришини аниқ билмайсиз-да. Бу билан вазифа — ишингизни қанчалик мураккаблаштираётганингизни билсангиз эди!



ФИЛ ЎЙНАТИБ

«ШОНЛИ АРМИЯ»

1. Улуғ Ватан урушида душман амбразурасини кўкраги билан бекитиб жасорат кўрсатган комсомолец. 2. Ҳарбий ҳарбий Иттифоқи Қоҳрамони. 3. А. Чаковский романи. 4. Қоҳрамон тантанали кўриги. 5. Армияда оддий даги хизматчи. 6. Езувчи Ксединнинг Узоқ Шарқ-гражданлар уруши ҳақида хикоя қилуви. 7. Гражданлар уруши Қоҳрамони, Ҳарбий Иттифоқи Қоҳрамони. 8. Улуғ Ватан урушидаги «Еш гвардия» яширин ташкилоти аъзоларидан бири. 9. Совет Иттифоқи Қоҳрамони. 10. Кичик Ҳарбий Бўлима. 11. Таниқли Қоҳрамон. 12. Қуролли Қўчлар Совет Иттифоқи Қоҳрамони. 13. Қуролли Қўчларнинг гражданлар уруши Қоҳрамони. 14. Д. Фурмановнинг «Сарқарда» романи. 15. Рус совет ёзувчиси Флотиннинг оддий аскари. 16. Ҳарбий-денгиз флотининг оддий аскари. 17. Ҳарбий-денгиз флотининг оддий аскари. 18. Снаряд тайёрлашда ишлатилган модда. 19. Циклокроссвордда фойдаланиб шакл марказидаги рақамлардан ўнг томонидаги шакл жавобларнинг тартиб нумери чап томонидаги шакл жавобларнинг гини аниқлади. Бунда биринчи ўзбек парашютчиси бўлган аёлнинг исми ва фамилиясини билиб оласыз.

ЦИКЛОКРОССВОРДИ



Тўзувчи Ф. ОРИПОВ.

«ЗАМОНАВИЙ УСЛУБ»ГА ЎТИШ...

— Сизларга шуни маълум қилишим шартки, — деди Жасур, — мактабда «ЧП» рўй берапти.

Ҳа! Фавқулудда воқеа ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда содир бўлмоқда.

— Тушунтириброқ гапиргин...

— Яхши. Гапни энг асосийсидан бошлайман. Ўтган йили худди шу пайтда мактабимиз ўқувчилари металллом топширишни деярли юз фоизга бажаришган эди. Йил охиригача икки юз фоизга етди. Бу йил-чи? Ҳали ярмини ҳам бажармадик. Хўш, бунинг айбдори ким?

— Ким экан?

— Албатта Салим!

Ҳамма ялт этиб мактаб ҳовлисида металллом қабул қилиш ишларини ўз бўйнига олган Салимга қаради.

— Жасур тўппа-тўғри гапни айтди, — унинг гапини қувватлади Толиб. — Мана биз ўтган ҳафта юз килодан ортиқ темир-терсак йиғиб қўйган эдик. Шуни топширамиз деб қабул қилиш пунктига келтирсак Салим: «Бугун сизлардан қабул қилмайман, сизларнинг топширадиган кунингиз пайшанба», дейди.

— Унисиям майли-я, — гапни илиб кетди Матлуба, — синфимиздаги болалар қурувчилар ташлаб кетган катта темир нарвонни «ўлжа» қилишувди. Шуни келтириш учун Салимдан аравани сўрасак, «Икки кун олдин ариза ёзишларинг керак эди, менда ҳам график деган нарса бор», дейди. Нарвонни қўшни мактаб болалари аллақачон илиб кетган бўлишса керак.

— Хуллас, — яна гапирди Жасур, — ишнинг боришини кўриш учун кеча Салимнинг дўкончасига ўтган эдим. Аҳвол бу-



тунлай ўзгариб кетибди. Дўконча деворига қабул қилиш кунларини ёзиб қўйибди: сешанба — тўртинчи синф ўқувчилари учун, чоршанба — бешинчлар учун ва ҳоказо... Менга қара, Салим, бу ишларни балки ўзинг бизга яхшилаб тушунтириб берарсан.

— Нима ҳам дердим, — кеккайиб сўз бошлади Салим, — ўтган йили темир-терсак топшириш планини икки юз фоиз қилиб бажардик. Бунда мен ўз ҳиссам борлигини айтиб мақтанмоқчи эмасман. Ўшанда йиғилган темирларни йўқотмай алоҳида жойда сақлаш фикри ҳам мендан чиққан эди.

— Хўш, кейин-чи?

— Кейин, тўплаш ва топширишни назоратта олиш учун юқори синф ўқувчилари топиб келган темир дўкончадан «қабул пункти» сифатида фойдаланиш фикрини ўртага ташладим. Ушандаям ҳаммаларинг гапимни маъқуллагандиларинг. Оғир темир-терсакларни ташиш учун арава ташкил этишни таклиф қилганимда мақтовларга кўмилиб кегандим.

— Сендан аввалги хизматларингни сўраётганимиз йўқ. Энди нега бюрократлик қилаясан? Қоғозбозлик, сансалорчилик қаёқдан пайдо бўлди сенда?

— Яхши биласизлар, амаким темир-терсакларга иккиламчи ишлов бериш бошқармасининг қабул пунктида ишлайди — деди Салим.

Дарсдан кейин унинг ишхонасига бориб қарашиб юриб қабул қилишнинг тартиб-қоида, замонавий усулларини ўргандим... Нима, катталардан ўрнак олсам, даврга ҳамнафас бўлсам ёмонми?

— Суннат АЗЛАРОВ.



⊙ Орол суви бу ерларни ҳам тарк этган...

⊙ Тўлқинсиз денгизнинг унсиз фарёдини журналимизнинг 4 — 5-саҳифаларида ўқинг...

⊙ Юз марта эшитгандан бир марта кўрингда, манзарага ўзингиз баҳо беринг.

А. КУДРЯШОВ фотолари.



Картинг спорти билан,
биласизми, кимлар
шуғулланади?
Довюралар, чаққонлар!



СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

А. КУДРЯШОВ фотоларн.

Баҳоси 35 тийин
Индекс 75242